Научно-исследовательские работы и последующий запуск их продукции в серийное производство становятся все более дорогостоящими, и даже многие известные бренды не могут позволить себе в одиночку разрабатывать отдельные элементы и стремятся как можно больше унифицировать отрасль для снижения издержек.

Децентрализация процессов производства и инноваций. Имеется в виду активизация производственного аутсорсинга. Современная экономическая практика показывает, что недостаточная эффективность конечных производителей во всем мире предопределила изменения в структуре этой бизнес-среды. На настоящий момент она состоит из двух основных видов агентов:

- OEM (original equipment manufactures) - производитель конечной продукции, т.е. автосборщик (car-maker);

- поставщик комплектующих и специализированных услуг.

Следует отметить, что в отечественной практике автомобилестроения компании имели вертикально-интегрированную производственную структуру, и лишь порядка 10-20 % комплектующих поставлялось независимыми предприятиями. В зарубежной практике, наоборот, лишь около 30% добавленной стоимости в продукте принадлежит самому OEM-производителю, а остальные 70% - основные узлы и компоненты - производят и поставляют другие компании, так называемые поставщики первого уровня. Из готовых узлов и компонентов OEM-производители сваривают, собирают и окрашивают автомобиль. В задачи OEM-производителей также входит контроль качества, сроков поставки и т.д.

По мере технологического усложнения производства автомобилей и автокомпонентов эти тенденции лишь усиливаются. По прогнозам компании Siemens, к 2020 г., на OEM-производителей будет приходиться лишь 23% всей добавленной стоимости производимых автомобилей, а на комплектующие и сервисные услуги - 77%.

Выстраивая технологические цепочки, автомобильные монополии избрали стратегию расширения технологической совместимости, пошли по пути унификации и стандартизации узлов и деталей. Например, «Volkswagen» сократил число своих базовых платформ с 16 до 4, что резко расширило взаимозаменяемость компонентов различных моделей.

Таблица 4

Примеры продолжительности жизненных циклов производства отечественных автомобилей (на основе <http://economy.uz/portfolio-item/gm-uzbekistan/> составлено автором)

Модели автомобилей	Годы выпуска	Период выпуска, лет
Tico	1996 - 2004	8
Nexia I	1996-2008	8
Damas	1996 – по настоящее время	22
Matiz	2001-2018	17
Labo	2015 – по настоящее время	4
Spark	2010 – по настоящее время	9
Nexia II	2008-2016	9
Nexia III	2016 – по настоящее время	13
Orlando	2013 - 2018	5
Malibu I	2012-2018	7
Malibu II	2018 –по настоящее время	2
Captiva I, II, III, IV	2007-по настоящее время	10
Lacetti I	2003-2011	8
Lacetti II Gentra	2013 – по настоящее время	6
Cobalt	2012 – по настоящее время	7
Epica	2007-2012	12

#### Уменьшение этапов разработки и производства в жизненном цикле продукции.

За последние несколько десятилетий в мировой практике автомобилестроения проявляется тенденция снижения жизненного цикла на продукцию. Так если, в 80-х гг. XX в. этот период составлял 10 лет, то на данный момент средний жизненный цикл производства автомобилей составляет 2-4 года. По оценкам экспертов, в среднесрочной перспективе этот период будет составлять 1 год. Из обозначенной тенденции выходит лишь ряд корейских автомобилей, сборка которых перенесена на территорию нашей Республики. Их жизненный цикл производства составляет

около 10 лет.

В отечественной практике автомобилестроения жизненный цикл продукции в среднем составляет более 15 лет. Примерами таких «долгожителей» являются практически все наиболее выпускаемые на данный момент или недавно снятые с производства модели автомобилей (табл. 4).

Наглядным примером является история создания и производства автомобилей GM Uzbekistan (раньше UzDaewooAuto табл.4). В России и в том числе странах СНГ самый долгий жизненный цикл имели автомобили ВАЗ (Жигули 2101, 2102, 2103, 2105, 2107, 2108, 2109, 2110, 2114, 1118 Калина седан, 2121 Нива и т.д.), ГАЗ (Волга 3102, 31029, 3110, 3111, ГАЗель 3302, ГАЗ 22171 Соболь и т.д.)

Учитывая, что разработка автомобиля на новой платформе собственными силами автопроизводителей обычно занимает не менее двух лет, без аутсорсинга инновационных процессов сложно обойтись. В этих условиях на сторону обычно передают разработку автокомпонентов их производителям.

Положительная динамика развития экономики Узбекистана, даже в условиях продолжающегося экономического спада в мире, направлена прежде всего на такие ориентиры, как модернизация и диверсификация экономического потенциала, непрерывный процесс обновления производства, внедрение инновационных технологий.

А это отражается в стратегии развития автомобильной промышленности Узбекистана до 2030 года (см.Рис.1).

Из этой стратегии видно, что до 2015 года в автомобильной промышленности осуществлено только импорт готовых автомобилей и автокомпонентов, крупноблочное производство и частично полный цикл производства.



Рис 1. Стратегия развития автомобильной промышленности Узбекистана до 2030 г.

А начиная с 2015 года начато углубление локализации (штамповка, оснастка, сварка, литье, мехобработка компонентов двигателя и т.д.), и до 2030 года планируется производство базовых материалов (полимеры, стекло, цветмет, лакокраска, химия), осуществление научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ (проектирование автокомпонентов и технологической оснастки).

**Глобализация производства и инновационной деятельности автомобилестроительных компаний.**

Новые тенденции в развитии мировой экономики усиливают конкуренцию на мировом рынке, в том числе на автомобильном, изменяют структуру конкурентообразующих факторов, характер и методы соперничества и сотрудничества на мировых рынках.

Стратегические альянсы в автомобилестроении позволяют компаниям разрабатывать и



выпускать больший ассортимент продукции в короткие сроки, получать доступ к новым техническим решениям, изобретениям и рынкам.

Существенный синергетический эффект достигается от совместных закупок и продаж, повышения эффективности сбытовой и сервисной сети.

Нередко одни автопроизводители становятся крупными акционерами других в рамках стратегических альянсов для осуществления совместных проектов в области научно-конструкторских разработок или производства.

Анализ наиболее известных альянсов и объединившихся компаний - GM- Toyota, GM-Renault-Nissan, GM-Fuji Heavy Industries Ltd, Daimler Chrysler- Hyundai Motor - показал, что не все из них функционируют успешно и более половины распадаются, не реализовав намеченные цели и не преодолев возникающих на пути их развития трудностей (*определение общих целей объединения, управление и координация интересов участников, возможность нанесения ущерба имиджу альянса из-за ошибок или неудач одного из партнеров, опасность утечки информации и др.*).

Пример слияния американской корпорации Chrysler с немецким концерном Daimler-Benz в ноябре 1998 г. также свидетельствует, что не всегда позитивные ожидания реализуются. Главными целями слияния были открытие новых рынков и транснационализация деятельности созданной корпорации благодаря географической и ассортиментной взаимодополняемости концернов (легковые автомобили и автомобили класса «люкс» от Daimler-Benz и внедорожные автомобили Chrysler). Основные проблемы возникли в результате недостаточно точных расчетов прибыльности совместного проекта, разных подходов к управлению и маркетингу в сфере менеджмента и различиях корпоративной культуры объединившихся компаний, кроме того, топ-менеджеры компаний не смогли создать взаимовыгодный механизм сотрудничества. В итоге в 2007 г. DaimlerChrysler продала Chrysler Group фонду прямых инвестиций Cerberus Capital Management [3].

Данные процессы глобализации оказывают как позитивное, так и негативное влияние на всю автомобилестроительную отрасль. К числу первых следует отнести:

- снижение издержек на научно-исследовательские работы и производство;
- совместимость (стандартизация) продукции, при желании один продукт можно заменить другим;
- соотношение «цена-качество»;
- рост прибылей компаний (но он весьма ограничен);
- расширение географии продаж продукта;
- рост предоставления дополнительных услуг компаниями-производителями.

Недостатками процессов глобализации для автомобилестроительной отрасли являются:

- уменьшение разнообразия, т.е. индивидуальности каждой модели;
- медленный, но стабильный рост стоимости продукта (запчастей, оборудования, автомобилей);
- монополизация рынка;
- влияние мировых кризисов на все области производства.

Самым показательным примером глобализации деятельности на протяжении последнего десятилетия является компания General Motors. Ей принадлежат как глобальные, так и национальные автомобильные бренды: Buick, Cadillac, Chevrolet, Daewoo, GMC Truck, Holden, Opel, Vauxhall, SAAB. Корпорация Volkswagen владеет компаниями Audi, Skoda, Seat, Porsche. Корпорация Ford объединяет бренды Land Rover, Volvo, Jaguar.

#### **Активное развитие «зеленых технологий» в автомобильной промышленности.**

Изменение общественного сознания в пользу социальных идей и гармонизации общества и окружающей среды сформировало предпосылки к трансформации потребительского спроса на большинстве товарных рынков. Вследствие этого компании вынуждены были вновь изменить свою экологическую систему менеджмента. На этом этапе маркетологи кроме производства и инноваций реализуют и экологический менеджмент. Здесь речь идет о так называемом социально-этическом маркетинге.

Идеи «зеленого маркетинга» были восприняты во многих странах мира. Потребители инициировали изменение бизнес-философии большинства международных корпораций, которые трансформировали свою систему ценностей. Однако внедрение такого подхода в практику отечественных компаний до настоящего момента не было массово поддержано бизнес-средой. Такие преобразования невозможны лишь на основе изменения миссии компании или национальных законов. Они должны базироваться на изменении системы ценностей всего общества, быть

востребованы потребителями, которые готовы платить большую цену за экологичные продукты [8].

Для автомобилестроительной отрасли «зеленые технологии» являются наиболее заметным трендом в области инноваций. Те компании, которые начали массовый выпуск экологичных автомобилей (Toyota, Honda, Nissan), уже получили конкурентное преимущество на рынке.

В заключении можно сделать вывод, что в ближайшем будущем выпуск гибридных автомобилей на отечественных предприятиях автомобилестроения не может быть налажен вследствие отсутствия поставщиков достаточно специфичных автокомпонентов для данного типа автомобилей. По всем другим перечисленным тенденциям в области инноваций следует также отметить, что автопром Узбекистана не обращает внимания на них, функционируя практически изолированно от глобальной экономики. Этому способствуют и протекционистская поддержка отрасли со стороны государственных органов власти, и инертность менеджеров предприятий, а также отсутствие методологических и прикладных разработок в сферах менеджмента и управления инноваций, направленных на преодоление экономического и управленческого кризиса в автомобилестроительной отрасли.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. <https://uzavtosanoat.uz/o-kompanii.html>
2. <https://podrobno.uz/cat/economic/mirziyeev-otchestvennomu-avtopromu-pridyetsya>
3. Кузнецов В.П., Шушкин М.А., Горчаков А.Н. Инновационные стратегии автомобилестроительных компаний. Н. Новгород: ВГИПУ, 2011. 168 с.
4. <https://www.gazeta.uz/ru/2018/12/18/auto>
5. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/05/28/volkswagen>
6. Имаи, М. Глава «Введение в кайдзен» // Гемба кайдзен: Путь к снижению затрат и повышению качества. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2004
7. <https://worksection.com/blog/kanban.html>
8. Англичанинов В.В., Кузнецов В.П., Шушкин М.А., Цымбалов С.Д. Стратегическое управление предприятиями машиностроения: учеб. пособие. Н. Новгород: ВГИПУ, 2008. 286 с.

ЎУК:65:338

#### КОРПОРАТИВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

*М.Р. Хидирова, мустақил тадқиқотчи, ТДИУ, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада корпоратив бошқарувни хусусан, корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилий масалалар тадқиқ этилган. Шунингдек, республикамизда корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш усулини жорий этиши, унинг самарадорлигини ошириши, корпоратив ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиши борасида муаллиф ёндашувлари берилган.

**Калит сўзлар:** корпоратив бошқарув, корпоратив ишлаб чиқариш, корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкилий механизм, корпоратив бошқариш механизми, корпоратив ишлаб чиқариш тузилмалари.

**Аннотация.** В данной статье исследованы вопросы организация корпоративного управления, особенно организационные вопросы по управлению корпоративного производства. А также, даны авторские подходы по внедрению управления корпоративного производства, повышения его эффективности и оптимальной организации корпоративных производственных процессов.

**Ключевые слова:** корпоративное управление, корпоративное производство, управление корпоративного производства, организационный механизм, механизм корпоративного управления, корпоративные производственные структуры.

**Abstract.** This paper work explores the issues of corporate governance at organizations, especially special features of corporate management problems. And also, author's studies implementation of corporate governance producing management system for increasing its efficiency, and states own approaches of well-organized corporate production processes.

**Keywords:** corporate governance, corporate production, corporate production management, organizational mechanism, corporate governance mechanism, corporate production structures.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда корпоратив бошқариш борасида тўпланган назария ва амалиёт ушбу бошқариш усулининг самарадорлиги кўрсатмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда амалга

оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири айнан ишлаб чиқаришга корпоратив бошқариш усулининг жорий этишга қаратилгандир. Ушбу муаммонинг долзарблиги ва заруратини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг таклифи билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда ҳаракатлар стратегияси дастурининг 3 бўлимида корпоратив бошқарувни жорий этиш ва ривожлантириш бошқарувнинг асосий усуллари бўлиб белгиланган[1].

Ривожланган жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг устувор тармоқларида, айниқса саноатида ўзини амалда оқлаган корпоратив бошқаришнинг замонавий тамойилларидан фойдаланиш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришда бошқарув тузилмасини самарали ташкил қилиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларида корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш усулини жорий этиш, унинг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш, унда замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш, персонал меҳнатидан самарали фойдаланиш, рақобатбардош ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, бунинг натижасида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари хорижда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг аҳамиятли жойи шундан иборатки, бунда корпоратив ишлаб чиқариш усулларида фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, бу эса корхона ва компанияларнинг узоқ муддатга самарали фаолият олиб боришини ва фойдасининг ошишини таъминлайди.

Ўзбекистонда ҳам айниқса, янги ислохотлар даврида корпоратив бошқариш усулидан кенг фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, саноат соҳасини ва тадбиркорликни ривожлантириш буйича Президентимизнинг 50 дан ортиқ фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари чиқди. Буларнинг кўпчилиги қисми мамлакатимизда корпоратив бошқарув усулини жорий этиш ва унинг самарадорлигини оширишига қаратилгандир. Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли, 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли фармонлари ва бошқалар акциядорлик жамиятларни, корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш усуллари жорий этишда ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини таъминлайди. Демак, Ўзбекистон саноат тармоқларида корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш усулига ўтиш уни самарали ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари ўз ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади.

Умуман корпоратив бошқарув ва хусусан корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш муаммосини хорижий давлатлар олимларидан, Мескон М, Альберт.М, Хедоури.Ф, Ансофф.И, Винокуров.В.А, Мельников С, Стриган А.В, Крук М.Д, Мазур И.И ва бошқалар тадқиқ этилганлар[2,4, 7, 8,10, 11].

Мамлакатимиз олимлардан Берионов Б.Б, Раҳимова Д.Н, Хошимов А.А, Расулов Н.М, Раҳманқулов Х, Хамидулин М.Б, Ходиев.Б.Ю [3, 5, 9,13, 14,16] ва бошқаларнинг тадқиқотларида корпоратив бошқарув муаммолари тадқиқ қилинган.

Юқоридаги олимларнинг ушбу соҳа ривожланишига қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда таъқидлаш лозимки, саноат корхоналарига корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш усулини жорий этиш масалалари етарли даражада чуқур тадқиқ этилмаган. Хусусан, корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришнинг мазмун-моҳияти, ўрни ва шаклланиш хусусиятлари ва ташкилий механизмлари, унинг самарадорлигини оширишнинг услубий ва амалий масалалари кам ўрнатилган.

Шу билан бирга, бугунги кунда республикаимизда корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш ва уни жорий этишда келиб чиқадиган зиддиятлар, хавф-хатарларни, корпоратив муносабатларни шакллантириш ва уни самарали бошқаришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ва амалий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Ушбу мақоланинг асосий мақсади корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилганлиги боис, авваламбор ташкилий бошқарув тушунчасига изоҳ бериб ўтишни лозим топдик. Ташкилий бошқарув бир неча поғонали фаолият кўрсатади. Компания ёки корпоратив ишлаб чиқариш мақсадига кўра, қанча мураккаб бўлса, унинг ташкилий бошқарув қонунлари ҳам шунча кўп бўлади.

Ташкилий бошқарув қонунларидан қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Буларга: бошқарув тизимининг ягоналик қонуни, бошқарув субъектлари ва объектларининг ўзаро боғлиқлик қонуни, тўғри ва тескари алоқа қонуни, ишлаб чиқаришни режали ва самарали бошқариш қонуни, бошқариш вазифаларининг ўзгариб туриш қонуни, бошқарув поғоналарини сақлаш қонуни, бошқаришнинг доимо такомиллашиб бориш қонуни ва ҳоказолар киради. Ташкилий бошқариш, ташкилий тартибга солиш, ташкилий бошқарув механизми тушунчалари бир-бирига яқин маънони англатиб юқорида кўрсатилган қонунларга амал қилган ҳолда ҳаракат қилиши лозим. Чунки шундагина корпоратив ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш мумкин.

Ташкилий бошқариш ва ташкилий тартибга солиш синоним тушунчалардир. Шу сабабли корпоратив ишлаб чиқаришни, корхона ва компанияларни, умуман иқтисодиётни тартибга солиб туриш мамлакатнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бозор иқтисодиёти шаклланишининг дастлабки йилларида иқтисодчи олимлар А.Смит, Д.Рикардо, кейинчалик Самуэльсон ўз навбатида хусусий мулкчилик тарафдорлари бўлиб, бозор иқтисодиёти бу – эркин иқтисодиёт деб тарифлашган.

XX асрнинг 60-70 йилларига келиб бозор назариясига янги ғоялар, тушунчалар ва категориялар кириб келди. Булардан энг асосийси Д.Кейнс ғояси - давлатнинг корхоналар бошқарувини тартибга солиш ғоясидир. Корхоналарни инкироздан асрашда, хавфсизлигини таъминлашда, ҳар қандай хавф-хатардан сақлашда давлатнинг роли муҳимлиги ўз исботини топмоқда.

Ушбу нуқтаи назардан компанияларни корпоратив бошқарув усулига ўтказишда, уни такомиллаштиришда бу ҳолатлар ҳам давлат томонидан тартибга солиниб туриши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Шунини алоҳида таъкидлаган тарзда, хўжалик юриштишнинг корпоратив усули бир қанча афзалликларга эга бўлиб, у бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатларнинг йирик ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Яъни, корпоратив компанияларда ресурсларни ишлаб чиқаришнинг юқори самара бераётган соҳаларига жалб қилиш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, улар акциялар бозори орқали ишлаб чиқариш технологияси эскириб қолган соҳалардан янги соҳаларга қайта тақсимланади.

Қиймати тушаётган акцияларни сотиш ва нархи ошаётган акцияларни сотиб олиш ҳамда бошқа турдаги операцияларнинг амалга оширилиши билан капитал эгалари ўз маблағларини самарали соҳага кўчиришга ҳаракат қиладилар. Акция эгалари бозор нархи ва дивидентлар воситасида ўзларига тегишли компаниялар фаолиятини бошқариш сифатини назорат қилиш имкониятига эгадирлар. Шу билан бирга корпоратив ишлаб чиқаришни ташкил этиш, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва компаниянинг ўз акциядорлари билан иқтисодий муносабатларини тўғри ташкил этиш ҳамда корпоратив бошқарув вазифаларини мақсадли белгилаш ҳозирги замон менежмент назарияси ва амалиётида мураккаб вазифа ҳисобланади. Мулккий муносабат ва корпоратив бошқарув бозор иқтисодиётини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Умуман олганда, корпоратив ишлаб чиқаришда бошқариш механизми бир томондан меҳнат, молиявий ресурслардан самарли фойдаланиш имкониятини берса, бошқа томондан ишлаб чиқаришдаги вазиятни эътиборга олиш инновациялардан кенг фойдаланиш, бошқа ишлаб чиқарувчилар билан рақобатга киришишни талаб этади.

Корпоратив ишлаб чиқаришда давлат назорат акция пакетларига эга бўлган тақдирда компания раҳбарларини тайинлайди ва зарурат туғилганда алмаштиради. Корпоратив бошқарув аппарати мавжуд қонунчилик асосида белгиланади, унда ўз вазифасини бажара олмаётган раҳбарларни алмаштириш механизми ҳам назарда тутилган.

Амалда бошқа давлатларга хос корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизмларини тўғридан-тўғри жорий этиш қутилган самарани бермаслиги мумкин. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизми бу - самарали бозор иқтисодиётининг асосий элементи. Бозорнинг асосий қатнашчилари, таҳлилчи ва экспертлар фикрига кўра, корпоратив бошқарув инвестицион қарорлар қабул қилишнинг асосий омилларидан биридир. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизми инвесторларга уларнинг инвестицияларни бошқариш самарали ва хавфсиз бўлишини, бошқариш жараёнлари механизми эса аниқ ва белгиланган ҳисобга муносиб бўлиши билан кафолатли ҳисобланади. Шунга мувофиқ, акциядорлар бошқа молиявий манфаатдор шахслар ўз фойдалари доирасида компания активларидан фойдаланишни таъминлаш мақсадида маълум ахборотга йўл топа олишлари, бошқарув механизмига таъсир қилиш ва уни назорат қилишлари керак. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизми тушунчаси биринчи навбатда қоида, усул ва рағбатлар

мажмуасини қамраб олади, улар ёрдамида акциядорлар компания бошқарувини назорат қиладилар ва корпоратив ишлаб чиқариш фойдасини кўпайтириш мақсадида менежментга таъсир қиладилар.

Корпоратив ишлаб чиқаришдан молиявий манфаатдор шахсларнинг раҳбарлар фаолиятини назорат қилиш механизмлари, шунингдек, уларнинг қарор қабул қилишдаги қатнашуви акциядорлар каби кредиторларга ҳам тушунарли ва содда бўлиши лозим. Корпоратив низомда камида, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқалар каби бошқарув органларининг асосий вазифалари ва жавобгарлик соҳалари акс эттирилган бўлиши керак[6].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизмини такомиллаштиришда, унинг самарадорлиги ўсиб боришини таъминлашда ишлаб чиқаришни ташкил этиш янги хўжалик механизмлари асосида корпоратив муносабатларни ташкиллаштириш, уни оптималлаштириш масалалари давлатнинг асосий ташкилий-иқтисодий вазифаси ҳисобланади. Аммо давлат томонидан корпоратив механизмларни такомиллаштириш сиёсий омилларга эмас, балки иқтисодий омилларга асосланган ҳолда олиб борилиши зарур. Бозор муносабатлари шароитида юқори самарадорликни таъминлайдиган турли мулк шаклларига асосланган ҳолда ривожланиш модели ташкилий бозор иқтисодиёти моделидир. Ушбу модель қўйидагича тавсифланади:

Давлат томонидан корпоратив бошқарувнинг ташкил топиши:

- корпоративларни давлат бюджети орқали молиялаштириш ёки унинг йирик ишлаб чиқариш буюртмаларини бажариши орқали;

- жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган инвестицион ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг фаол иштирокчини таъминлаш;

- корпоративларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда стандартлаш тизимини, замонавий сифат менежменти тизимини жорий этиш.

Корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизмлари давлатнинг тартибга солиш органлари, суд органлари ва ишбилармонлар доираларида ишлаб чиқилган маълум бир қоида, меъёр ва андозалар асосида ва доирасида ишлайди.

Фикримизча, корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагиларга қаратилиши лозим:

- инвестицияларни жалб қилишни таъминлаш;
- самарали бошқаришни йўлга қўйиш;
- рақобатбардошлик ва ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги глобаллашув шароитида давлатнинг корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизмини такомиллаштиришдаги роли янада ошиб бориши зарур, чунки корпоратив фаолият самарадорлиги фақат уларнинг манфаатдорлигидан келиб чиқмасдан, балки давлат манфаатдорлигини ҳам таъминлашдан иборат бўлиши зарур. Бу эса бошқарувнинг ташкилий механизмларидан самарали фойдаланишни талаб этади. Фикримизча, корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизмини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштириш масалалари назарий ёндашувларга суянган ҳолда олиб борилиши зарур.

Шу билан бирга корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштиришда бошқа йирик иқтисодий тузилмаларнинг ривожланишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Сабаби йирик корпоратив тузилмалар катта ҳажмдаги рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодир. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам йирик корпоратив тузилмаларнинг шаклланишида янги саноат ишлаб чиқариш йўналишига асосланган иқтисодий тузилмаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўз навбатида бундай иқтисодий тузилмалар жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни таъминлайди. Бунинг натижасида мамлакатимиз чет элга хом ашё сотиш ҳажмини камайтириб, тайёр юқори технология асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш даражасини ортиб боришига эришади. Ҳозирда Ўзбекистонда умумий экспорт ҳажмида хом ашё бўлмаган товарларнинг улуши 76 фоизни ташкил этмоқда[21]. Ушбу кўрсаткични ҳам миқдорий ва ҳам сифат жиҳатдан янада ошириш республикамиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Айтиб ўтиш жоизки, йирик корпоратив ишлаб чиқариш тузилмалари республика иқтисодиётида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инкор этмаган ҳолда иқтисодиётни бошқарувда асосий ўрин эгаллаши керак.

Ижтимоий ҳаётнинг бошқа жиҳатларини, масалан, стратегик, иқтисодий ва бошқа ривожланиш масалаларни ечишда давлатнинг ўрни муҳимдир. Бунда таъкидлаш лозимки, давлатнинг тартибга солиш функцияси бозор механизмини тўлдиради ва ўзгартиради. Корпоратив корхоналарни давлат томонидан тартибга солиш умуман компаниялар фаолиятида ҳал бўлиши мураккаб бўлган баъзи бир муаммоларни, чуқур таркибий ўзгаришларни, экспортни кучайтириш ва бошқа масалаларни амалга оширишни таъминлайди. Давлат ҳар йили солиқ юкини, имтиёзлар ва переференцияларни, илғор хорижий технологияларнинг мамлакатга кириб келишини, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқишни, янги иш ўринларини яратишни тартибга солиб туради. Яъни бунда давлат нафақат корпоратив корхоналарнинг фаолиятига аралашади, балки ўзи унинг асосий буюртмачиларидан ҳисобланади. Шунингдек, ишлаб чиқаришда инновацияларни рағбатлантиришда давлатнинг роли муҳимдир. Чунки бусиз ҳеч қандай корпоратив корхоналар бозорда ўз ўрнини топа олмайди.

Сабаби давлат билан корпоратив ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатлар амортизацияни тартибга солиш билан боғлиқ. Эгилувчан амортизация ажратмаларни жорий этиш давлат томонидан ташкил қилиниши одатда, компания ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида илмий-техника ривожланишини тезлаштиради.

Ҳақиқатдан ҳам, илмий-техник тараққиёт шароитида ишлаб чиқариш компанияларида жиҳоз ва машиналарнинг тезда маънавий эскириши амортизация нормаларини оширишга ва амортизация муддатини қисқартиришга олиб келади. Бунинг натижасида компаниянинг актив балансида жой амортизация ажратмаларига берилади, яъни тезлаштирилган амортизация сиёсати амалга ошади. Бу сиёсатнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бунда қисқартирилган муддатда асосий капитал қийматини камайтириб, амортизация нормаларини ошириш ҳисобига корхонанинг инвестицион имкониятларини оширишга ҳаракат қилинади.


Тезлаштирилган амортизация сиёсатининг асл моҳияти бу бўладиган кейинги капитал қуйилмаларни кўпайтиришдан иборатдир. Маълумки, амортизация ажратмалари таннархга қўшилади ва маҳсулот сотилгандан сўнг корхонага қайтади.

Корхона маҳсулоти таннархнинг ошиши солиққа тортиладиган фойда даражасини камайтиради, корхонанинг умумий тўлайдиган солиқ ҳажми ҳам шунга мувофиқ бўлади. Демак, амортизация нормаларини ошириш, мос ҳолда амортизация муддатини қисқартириш ўз навбатида капитал тўплаш суръатини тезлаштиради, бу эса натижада корхонага асосий фондларни янгилаш ва бир вақтда ҳосил бўлган фойдадан умумий солиқ ҳажминини камайтиришга олиб келади.

Шундай қилиб, бугунги кунда Ўзбекистонда корпоратив субъектларнинг кўп тармоқли бўлиши ишлаб чиқаришда иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланишни ва унинг ташкилий механизмини такомиллаштиришни талаб қилади. Корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлигининг ошиб бориши, асосан корхоналарда корпоратив бошқарув усулларини самарали қўллашга боғлиқ. Юқорида таъкидланганидек, корпоратив корхоналарда ишлаб чиқариш замонавий технологияларга асосланиши билан бир қаторда уларни бошқаришда асосан ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлиги истеъмолчиларга ҳам боғлиқ эканлигини тушуниб олишлари зарур. Корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлигининг ўсиб бориши, бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида янги интеграциялашган ишлаб чиқариш корпоративининг шаклланиши, уларнинг фаолияти истеъмолчилар талабларининг қондириши самарали бўлиши учун давлат томонидан уларнинг фаолияти доимий равишда тартибга солиб борилиши зарур. Фикримизча, бунинг учун:

- корпоратив ишлаб чиқариш корхоналар фаолиятини бошқаришни тартибга солишга зарур бўлган илмий асосланган ишлаб чиқариш нормативлари ва усулларининг бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожланиб бориши;
- самарали ишлаб чиқариш механизмлари асосида такомиллаштирилиши;
- корпоратив ишлаб чиқариш корхоналар бошқарувининг давлат ташкилотлари билан ўзаро самарали мувофиқлашуви;
- корпоратив бошқарув мустақил стратегияга асосланиши зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида йирик корпоратив тузилмаларнинг ривожланиши унинг самарали бошқарувини ва бошқа усулларини жорий этишни таъминлайди. Унинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат(1-расм):



**1-расм. Корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш услуги**  
\*Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Корпоратив бошқарув ўзининг тузилмалари орқали ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларни қўллаш, ишлаб чиқаришга зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш вазифаларини олиб боришлари лозим. Шу билан бирга истеъмолчилар талабларини, рақобатнинг ҳолатини, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва умумий корпоративнинг иқтисодий фаолиятларини назорат қилиб боришни таъминлашлари керак.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш учун амалга оширилиши лозим бўлган яна бир йўналиш бу ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштиришга эътиборни кучайтиришдир. Чунки режалаштириш асосида нафақат корхонанинг бугунги ҳолати, балки истиқболи ҳам яхшиланади. Бу бошқарув самарадорлигини таъминловчи энг асосий воситалардан бири ҳисобланади. Демак, бундан келиб чиқиб шундай хулоса қилиниши мумкин, ҳар бир корпоратив корхонада харажатларнинг самарадорлигини ошириш учун истиқболли режалаштиришни амалга ошириш зарур. Истиқболли режалаштиришни бошқариш тизимини қуйидаги 2-расмда кўриш мумкин.



**2-расм. Корпоратив ишлаб чиқариш жараёнини истиқболли режалаштириш тизими\***  
\*Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Корпоратив корхоналарда ишлаб чиқаришни истиқболли режалаштириш бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг таркибий ҳолатини такомиллаштириб боришга ҳам боғлиқ. Бунинг учун:

• корпоратив корхоналарни бошқаришнинг ташкилий механизмини бозор талабларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириб бориш;

• молиявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва унинг олидини олиш зарур.

Умуман олганда, корпоратив корхоналарнинг бошқарув самарадорлиги бошқарувнинг ташкилий механизми самарадорлиги билан боғлиқ. Шунинг учун корпоратив ишлаб чиқаришнинг бошқариш самарадорлигини таъминлаш давлат томонидан қабул қилинган қонунларга, бозор иқтисодиёти механизмларига асосланган ҳолда ижобий натижа бериши мумкин.

Шундай қилиб, корпоратив корхоналарнинг бошқарув самарадорлиги унинг барча механизмларининг: бозор, технология, маркетинг, бизнес-режалаштириш, малакали персонал ва бошқаларнинг давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий қонунларга риоя қилган ҳолда ташкил этилишига боғлиқ.

Корпоратив корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайдиган йўналишлардан яна бири - бу институционал механизмларни такомиллаштиришдир. Охириги йилларда кўплаб хорижий мамлакатларда институционал муҳитнинг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлаш бўйича кенг назарий, илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан, МДХ мамлакатларида иқтисодий ўсиш учун жозибали институционал муҳит яратиш, корпоратив тузилмаларни институционал ривожлантириш ва шу каби бошқа йўналишларда илмий-амалий ишланма ва тавсиялар ишлаб чиқилган[14].

Ўзбекистонлик бир қатор олимлар ҳам институционал ривожланиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиб келмоқдалар. Булардан Б.Беркинов, С.Фуломов, А.Содиқов, А.Ишмухамедов, Б.Ходиев ва бошқалар[12, 22].

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хўжалик фаолиятини юритиш ҳамда ривожланишини белгилаб берувчи расмий қоидалар ва нормаларни ўз ичига олувчи институционал муҳит яратилди. Ушбу институционал муҳит Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишини белгиловчи, жумладан барча тармоқлар, корхоналар учун умумий модель сифатида қабул қилинди.

Умуман олганда, институционал механизмлар иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи омиллар самарадорлигини оширишга асос яратиши билан бирга, узоқ истиқболда иқтисодий ўсишга шароит ҳам очиб беради.



**3-расм. Корпоратив ишлаб чиқаришнинг бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш модели\***

\*Муаллиф томонидан тадқиқот асосида ишлаб чиқилган.



Корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш бир қатор жиҳатларга боғлиқ бўлади. Шуларни ўрганиш ва бу борада илмий тадқиқотлар ўтказиш корпоратив бошқарув, хусусан корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришнинг самарадорлигини оширади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш моделини яратишга ҳаракат қилдик (3-расм).

Келтирилган моделдан кўриниб турибдики, корпоратив ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий механизми кенг қиррали бўлиб улардан амалиётда самарали ва оқилона фойдаланиш нафақат корпоратив ишлаб чиқариш, балки бошқа соҳаларнинг ҳам самарадорлигини оширишга таъсир этади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда шаклланган бозор иқтисодиёти институтларининг ҳали тўлиқ такомиллаштирилмаганлиги ўз навбатида корхоналарнинг бозор иқтисодиётига мослашишига тўсиқ бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, фикримизча, давлат органлари институционал ривожланиш, унинг механизмларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратишлари лозим.

Ҳозирги шароитда давлатнинг асосий функцияларидан бири - бу мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, мулкчилик муносабатларида, айниқса корпоратив тузилмаларда юзага келаётган баъзи бир муаммоларнинг олдини олиш ва агентлар ўртасида тузилган шартномаларни бажариш борасида институционал механизмларни такомиллаштириш зарурати келиб чиқади.

Демак, корпоратив бошқарувни жорий этишда, унинг ташкилий механизмининг ривожланишини таъминлашда юқорида қайд этилган институционал муаммоларни ҳал этиш борасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш зарур эканлигини исботлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, давлат бош ислохотчи сифатида замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиши, уни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча механизмларни тартибга солиши ва уларнинг амалда самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиши лозим. Бу ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини кенгайтирган ҳолда миллий иқтисодиёт ривожланишига муҳим ҳисса қўшади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ансофф И. Стратегическое управление. Питер, 1990, с 127.
3. Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управление. Издательство национальной библиотеки им. Алишера Навои. Т.: 2005, с. 147.
4. Винокуров В. А. Организация строительского управления на предприятиях. М. 1996, с 174.
5. Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д. Корпоратив бошқарув асослари. Т: Академия, 2006 й., 165 б.
6. Замоновий менежмент: назария ва амалиёт. Т.: Фафур Фулом нашриёти. 2009, 502-503 бетлар.
7. Крук М.Д. Современная форма в механизма корпоративного управления: методология и практика, М. 2000, с 357.
8. Мазур И.И. и др. Корпоративный менеджмент, М:Омега 2011, с 781.
9. Маҳкамова М.А. Корпоратив бошқарувнинг назария ва замонавий амалиёт, Т.: Фан ва технологиялар. 2019, 404.б.
10. Мельников С. Корпоратизм- Российский путь реформ. М: 1996.
11. Мескон М. и др. Основы менеджмента. М: Дело, 2007.
12. Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития. Материалы V форума экономистов. / Под общей ред. д.э.н. Садыкова А.М./Ташкент: IFMR, 2013,512 с.
13. Расулов Н. Корпоратив бошқарув-инвестицияларнинг кафолати. Т.: ТДИУ.
14. Хамидулин М.Б. Финансовый механизм корпоративного управления. Т.: Молия, 2008. с 204.
15. Хашимов А.А. Корпорация шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиши. Т.: Молия, 2003.
16. Ходиев Б.Ю. Корпоратив бошқарув. Т. ТДИУ, 2010.
17. Сухарев О.С. Институты экономического развития. М.: ООО ИКП "Дека", 2005, 254 с.
18. Суюнов Д.Х. Бизнес муҳитининг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш. Т.: Академия 2008.
19. Фролов Д.П. Основные направления развития институциональной экономики в современной России. Волгоградский ун-т, 2009, 310 с.
20. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.
21. Гуломов С.С., Рахмонкулов Х. Корпоративное право. Т.: ТТЮИ, 2004. С. 703.

ТАРИХ ФАҲЛАРИ

O'UK: 930.85

**XIVA XONLIGIDA DEHQONCHILIK TIZIMINING TASHKIL QILINISHI VA SOLIQ TIZIMI***N.P. Kamolova, doktorant, Xorazm Ma'mun akademiyasi, Xiva*

**Annotatsiya.** Bizga yaxshi ma'lumki, Xorazm zaminida dehqonchilik qilish, undan mo'l hosil olish qadim-qadimdan mirishkor dehqonlardan katta kuch va tinimsiz mehnat talab qilgan. Undan tashqari, dehqonlar Xorazmning tabiiy qurg'oqchil iqlimi va injiq tabiati bilan uzluksiz kurashishiga tog'ri kelgan. Natijada qishloq aholisi sho'rxok, kam hosilli yerlarga ishlov berib, mo'l hosil olish, suv resurslaridan samarali foydalanish borasida katta tajribaga ega bo'lganlar.

Ushbu maqolada XVI-XVII asrlarda Xorazm hududida dehqonchilik tizimining tashkil qilinishi va suvdan foydalanish tartibi manbalar asosida bayon qilingan.

**Kalit so'zlar:** xiroj, juz'ya, zakot, ushr, chig'iriq, begar, mulki xolis

**Аннотация.** Нам известно, что издревле на территориях Хорезма занятие земледелием было довольно сложным и требовало немало сил от дехкана. Дехканам приходилось бороться и преодолевать естественный сухой климат Хорезма. В итоге, дехкане и население деревень обрабатывали малоурожайную и засоленную почву, а также, имели представление в сфере использования земли.

В этой статье описывается создание системы земледелия в XVI-XVII веках в Хорезмской области и порядок использования воды.

**Ключевые слова:** харадж, джюзья, зякет, десятина, прокатный стан, бегар, имущество

**Abstract.** We know that from ancient times on the territories of Khorezm the occupation of agriculture was rather complicated and required a lot of effort from the dehqan. The dehqan, came to fight and overcome the natural dry climate of Khorezm. As a result, dehqans and settlement of the village handled low-yielding land and salty lands and also had an idea in the use of land.

This article describes the creation of a system of farming in the 16th-17th centuries in the Khorezm region and the use of water.

**Keywords:** haraj, juzia, zyakat, tithing, rolling mill, begar, property

Xiva xonligi Amudaryoning quyi oqimidagi qadimgi Xorazm vohasida XVI asr boshlarida shakllangan feodal davlat bo'lib, XVII asrdan boshlab mustaqil mamlakat sifatida tanilgan. Xiva xonligida 1763 yildan boshlab qo'ng'iroq urug'i vakillari – inoqlar hukmronlik qila boshlagan [1]. 1873 yilda Xiva xonligi ruslar istilosidan keyin Rossiyaga qaram bo'lib qolgan. Xiva xonligida ichki va tashqi savdo ancha rivojlangan edi. Ichki savdoda, asosan mahalliy mollar (qishloq xo'jalik mahsulotlari, hunarmandchilik buyumlari) katta o'rin tutgan. Chetga aksariyat hollarda hunarmandlarning nafis buyumlari va dehqonchilik mahsulotlari sotilgan. Xivaliklar savdogarlarning mamlakat orqali olib o'tadigan yuklaridan ham boj olgan [2]. Xonlik hududi orqali Rossiya, Buxoro kabi davlatlardan o'tadigan savdo karvonlaridan olingan to'lovlar saroy xazinasiga katta daromad keltirgan [3]. Bu yerlarda aholidan asosan xiroj, zakot, boj, juz'ya kabi qo'shni musulmon davlatlardagidek soliqlar undirilgan. Ular shariatda ko'zda tutilgan miqdorda bo'lgan. Soliqlardan tashqari, aholi turli majburiyatlarni bajarishi shart bo'lgan. Erta bahorda ariq va soylarni tozalash, yangilarini qazishda o'z yeriga ega bo'lgan har bir xonadondan bir kishi 15 kun ishlab berishi zarur bo'lgan. Xiva xonligida davlat yerlarida yashagan dehqonlar arabcha ushr solig'ini to'lagan. Chig'iriq yordami bilan sug'oriladigan yerlardan hosilning o'ndan bir qismi, chig'iriqsiz sug'oriladigan yerlardan esa, hosilning beshdan bir qismi olingan.

Xonlikda qishloq xo'jaligi (dehqonchilik va chorvachilik), savdo-sotiq va hunarmandchilik iqtisodning asosiy tarmoqlari hisoblanardi.

Mamlakatning asosiy boyligi yer bo'lib, Shayboniylar davrida yer egalarning quyidagi asosiy tarmoqlari mavjud edi:

1. Mulki sultoni-davlatga qarashli yerlar;
2. Mulki xolis-xususiy shaxslarga tegishli yerlar;
3. Vaqf-diniy mahkamalarga, madrasa va masjidlariga, qabristonlarga qarashli yerlar;
4. Qishloq jamoalari egalik qiladigan yerlar.

Dehqonchilik asosan sug'oriladigan hosildor yerlarda va la'limi dehqonchilik uchun qulay bo'lgan adirlar, tog' va tog'oldi hududlarida rivojlangan edi. Yerda mehnat qiladigan kishilarning asosiy qismi

kambag'al qishloq aholisi bo'lib, ular o'z yer maydoniga ega bo'lmasdan, ijaraga olingan yerda dehqonchilik qilib kun kechirgan. Manbalarda keltirilishicha, bu davrda bug'doyning o'n xil navi, arpa, qo'noq, jo'xori, mosh, no'xat, loviya, kunjut, beda, suli, sabzavot va poliz ekinlari yetishtirilgan. Texnik ekinlardan sholi, paxta va boshqalar ekilgan. Sabzavotchilik, polizchilik, bog'dorchilik va ipakchilik yuksak taraqqiy etgan. Dehqonchilik uchun qulay bo'lgan hosildor yer maydonlari, bepoyon yaylovlar xon va uning yaqinlari, yirik harbiy-ma'muriy amaldorlarga qarashli edi. Bu davrda xususiy yer egaligining o'rta asrlarda mavjud bo'lgan iqto, suyurg'ol va tanho shakllari ham keng tarqalgan. Harbiy-ma'muriy amaldorlarga va yirik din peshvolariga davlat oldidagi xizmatlari uchun beriladigan bunday yerlarda asosan yersiz kambag'al dehqonlar yollanib ishlaganlar. Aholining 90 foizdan ko'prog'i qishloq xo'jaligi - dehqonchilik va chorvachilik bilan band edi [4]. XIX asr o'rtalarida va undan keyinroq ham dehqonchilikda yetishtirilgan ekinlarning ustivor joylanishi quyidagicha bo'lgan: birinchi o'rinda don ekinlarini yetishtirish turgan. Boshqali ekinlar (bug'doy, arpa) asosan la'mikor yerlarda yetishtirilgan [5]. Sug'oriladigan yerlarda sholi, jo'xori, tariq, dukkakli ekinlar (mosh, loviya) ekilgan. Don mahsulotlari bilan qishloq aholisi o'z ehtiyojlarini va shahar aholisi ehtiyojlarini to'la qondiribgina qolmay, yetishtirilgan hosilning bir qismi qo'shni, chorva bilan shug'ullanadigan ko'chmanchi aholi bilan chorvachilik mahsulotlari evaziga ayirbosh qilingan. Ikkinchi o'rinda bog'dorchilik va uzumchilik turgan, bog'dorchilik va uzumchilik mahsulotlarining bir qismi, asosan quritilgan holda (turshak, mayiz) tashqi savdoga chiqarilgan. Uchinchi o'rinda sabzavot va poliz ekinlari turgan. To'rtinchi o'rinda chorvaga kerakli bo'lgan beda va boshqa ozuqa ekinlari va nihoyat, beshinchi o'rinda, paxta ekini bo'lgan. Paxtaning mahalliy navi (g'o'za) ekilgan va u asosan ichki ehtiyojlarni qondirish uchun yetishtirilgan.

Tabiiyki, ekin turlari va ularni joylashtirish masalalari bilan shug'ullanadigan biron-bir ma'muriy mahkama yoki maxsus tayinlangan shaxslar bo'lmagan. Bu masala talab va ehtiyojlarni hisobga olgan holda bozorgir mahsulot yetkazishga intilishlar ta'sirida o'z yechimini topgan. Shu sababli ayrim mahsulotlar bir yili "serob" bo'lsa, kelasi yili "taqchil" bo'lgan. Sug'oriladigan yerlar jamoa mulki bo'lib, ularga qabila yoki urug'lar egalik qilganlar. Bora-bora ana shu jamoa mulklari chegarasida yerga egalikning yangi ko'rinishlari – yerga shaxsiy mulk sifatida egalik qilishni yuzaga keltirgan. Xiva xonligi hududida yerga egalik qilishning quyidagi turlari mavjud edi:

- jamoa mulki (ba'zi joylarda sanoqli yerlar deb atalgan) – yuqorida aytganimizdek qabila, urug' yoki keyinroq biron-bir qishloq aholisiga tegishli yerlar. Ko'pincha muayyan bir qishloqda ma'lum qabila yoki urug'ning vakillari qadimdan istiqomat qilganlar. Ko'p hollarda bunday yerlar la'mikor yerlar bo'lib, ularni "sanashli yerlar" deb atalishining sababi bor, albatta. Bunday yerlar odatda har yili qabila yoki qishloq aholisi o'rtasida yil boshida (Navro'z oldidan) yangidan taqsimlangan. Bu maqsadda ko'rsatilgan kun va joyda qabila yoki qishloq aholisi o'z qo'shlari (qo'sh, ho'kiz va omoch) bilan to'planishgan. Kuchi yetgan xonadonlar bir nechta qo'sh bilan, kuchi yetmaganlar ikki-uch xonadon bir bo'lib bitta qo'sh bilan kelgan. Qishloq oqsoqoli va miroblar bor yerni yig'ilgan qo'shlarning soniga qarab taqsimlashgan. Jamoa a'zolariga yer taqsimlashdagi bu usul yil bo'yi shu jamoada sodir bo'lgan ijtimoiy, iqtisodiy va oilaviy o'zgarishlarni inobatga olishga yordam bergan va shu nuqtai nazardan u demokratik usul deb tan olinishi mumkin.

- xususiy mulk –yerga egalik qilishning xususiy mulk ko'rinishidagi turi jamoa yerlari hisobiga yoki o'z kuchi bilan suv chiqarib, masalan, suvsiz yerda korizlar yoki quduqlar qurish yordamida, "o'lik yerlar" ni o'zlashtirish hisobiga (Shariat ko'rsatmalariga binoan bunday yerlar va qurilgan koriz yoki quduq suvi bilan xususiy mulk hisoblangan) shakllangan. Zamonlar o'tishi bilan jamoaga qarashli "sanoqli yerlar" chegarasida hosil bo'lgan bog`-rog`lar, uzumzorlar ularni barpo qilganlarga rag'batlantirish maqsadida bir umrga foydalanishga berilgan, bular chegarasida esa qo'rg'onlar, turar-joylar yuzaga kelgan;

- amlok yerlar - amir, xonlar va hukmdorlarning yaqinlariga tegishli yerlar, ularning xususiy mulki hisoblangan;

- vaqf yerlar xususiy yer egalari tomonidan (hukmdorlar, katta yer egalari va boshqalar) madrasa va masjidlariga, din va shariat arboblari bir umrga foydalanishga hadya qilingan yerlar, vaqfnoma asosida hujjatlashtirilgan. Bunday hujjatlar hamma tomondan istisnosiz tan olingan va shariat tomonidan himoyalangan [3]. Ko'rinib turibdiki, o'tgan asrning o'rtalarida yerga egalik qilishning qanday atalishidan qat'iy nazar, asosan ikki: jamoa (sanoqli) yerlari va shaxsiy mulk ko'rinishidagi turlari mavjud bo'lgan. Sug'oriladigan dehqonchilik maqsadlariga xizmat qilgan sug'orish inshootlarining asosiy qismi mahalliy qurilish materiallari – tuproq, tosh, yog'och, qamish, shox-shabbalar yordamida oddiy tuzilishda ya'ni, tez va arzon qurilgan, sug'orish kanallarining o'zanlari tuproqda (grunt) kovlangan. Bu narsa o'z navbatida inshootlarning suv ta'siriga chidamsiz bo'lishiga sabab bo'lgan. Pirovard natijada suvdan foydalanuvchilar – dehqonlar deyarli butun yil davomida sug'orish tarmoqlarida qurish, ta'mirlash, tozalash (kanal va ariqlarni

qum-loyqalardan) ishlari bilan band bo'lishga majbur bo'lganlar. Bundan tashqari, ko'plab ta'mirlash va qayta qurish ishlarini bajarganlar.



*1-rasm. Chiqirlar*

Tabiiyki, sug'orish inshootlarini muttasil ta'mirlab turish va yangi inshootlar qurish, katta sug'orish tizimlarini qurishda ishni tashkil etish uchun juda ko'p mablag' va kuch sarflash zaruriyati tug'ilar edi. Shu sababli Xorazm vohasida davlat hokimiyati qanchalik barqaror bo'lsa, sug'orish tizimi shu qadar keng miqdorda olib borilar va foydalaniladigan yerlar ham shunchalik ko'payar edi.

1860 yillarda qurilgan Daryoliq kanalining Yormish va Qilichniyozboy ariqlari oralig'idan Amudan chiqqan suvni butun o'zani bo'ylab, Ko'hna Urganchdan yuqorida Lavzan ariqqa quyilgan joyigacha uchta to'g'on qurilgan. Birinchi yuqori to'g'on Mayli jangal mavzesida joylashgan edi. Bu joyda suv to'g'on orqali dam qilinib, xonning amakisi (Muhammad Rahimxon Feruzning amakisi) ga qarashli yerlar aynan shu yerdan sug'oriladi. Shu sababdan ham to'g'onning nomi ham Amir ul-Umaro to'g'oni deb ataladi.

XVIII asr oxiri va XIX asr boshlarida davlat hokimiyatining markazlashuvi bilan Xiva xonligida irrigatsiya qurilishiga yanada e'tibor kuchayadi. "Firdavs ul-iqbol" asarida qayd qilinishicha xonlikda yangi yerlarni o'zlashtirish munosabati bilan 1808-1815 yillarda Qilichniyozboy, 1838-1839 yillarda Toshsoqa kanallari qurilgan.

Shaharlarning iqtisodiy taraqqiyotdan orqada qolishi, yirik sanoatning mutlaqo yo'qligi oqibatida G'arbiy davlatlarda yersiz dehqonlar shaharga ish izlab borishdek imkoniyatga ega bo'lmagan. Oqibatda, ular qishloqda qolishga majbur bo'lganlar. Suv tanqisligi tufayli dehqonchilik qiyin sharoitda olib borilardi. Shu boisdan Amudaryodan suv chiqarishga e'tibor berildi. XVIII asr 70-yillarida Davkor ko'li yonida kanal, XIX asr boshlarida esa Lavzan kanali, Qilich Niyozbiy kanali, Katta Xonobod kanali qurildi. Xon va davlat yuqori lavozim egalari ochko'zligi sabab ekspluatatsiya qilish orqali omi va tashqi dunyodan uzilgan savodsiz xalqni talar, qul sifatida tekin mehnatidan foydalanar, natijada mavsumiy begar 15 kundan 50 kungacha yetardi. Bunday holatlar xalq hayotini battar og'irlashtirardi. Ularni yanada qashshoqlashuviga, dehqonlar qatlamining butunlay yersiz qolishiga va oxir oqibatda qashshoq batraklarga aylanishiga sabab bo'lardi. Xonlik hayotida mustaqil ichki bozorning shakllanmaganligi, ortiqcha mahsulotga talabning yo'qligi tovar-pul munosabatlarining shakllanishi va rivojlanishiga yo'l qo'ymadi. Mehnat qurollari takomillashmay, ibtidoiy holaticha o'zgarishsiz qoldi.

Shunday og'ir sharoitga qaramay, ushbu davrda Xorazmlik mirishkor dehqonlar qishloq xo'jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalangan holda dehqonchilikdan, ayniqsa, bog'dorchilikdan mo'l hosil olishda katta tajribaga ega bo'lganliklari tarixiy manbalardan yaxshi ma'lum.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Пер. и примеч. И. В. Пьянкова. – Душанбе.: Дониш., 1975.
2. Михалева Г. А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург (вторая половина XVIII–первая половина XIX в.) – Т., Фан, 1982. – 92 с.
3. Абдурасулов У. К вопросу о классификации земельного фонда Хивинского ханства (вторая половина XVIII – X. IX в.) // O'zbekiston tarixi. –Тошкент., 2006. –№ 2-3. – Б. 83-89; Вакфная грамота 1778 года как источник по изучению аграрных отношений в Хивинском ханстве // O'zbekiston tarixi. –Тошкент., 2006. –№ 2-3. – Б. 49-57.
4. Йўлдошев М.И. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. – Тошкент., 1959. – 350 б.
5. Моргуnenков Ф. Использование свободных водно-земельных ресурсов в Туркестане, Хиве и Бухаре // «Вестник ирригации», 1923. №3, 4. – С.

ЎУК: 930.85

**ОЗАРБАЙЖОН ОЛИЙ ДАРГОҲЛАРИДА ЎЗБЕК ЁШЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШИ**  
*Йўлдашев А.А., таянч докторант, ЎзР ФА Тарих институти, Тошкент*

**Аннотация.** Мақола XX аср бошларида Ўрта Осиё, хусусан, Туркистон халқи олдидаги миллий кадрларни вояга етказиш масаласига бағишланган. Ушбу масалада XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар таъсирида Туркистон ва Озарбайжон халқлари ҳаётида матбуот, адабиёт, театр ва маориф каби йўналишлардаги янги алоқалар, Озарбайжон замонавий олий ва ўрта таълим муассасаларида таълим олган ўзбек ёшлари ҳақида фикр юритилади.

**Калим сўзлар:** Мулла Насриддин, Боку, Ганжа, Кўмак жамияти, Туркистонлик талабалар қўмитаси, Ёш қаламлар, Ўзбек ўқувчилар қўмитаси, Абдуваҳоб Муродий.

**Аннотация.** Статья посвящена вопросам подготовки национальных кадров в начале 20 – го века в Средней Азии, в частности, в Туркестане. В начале 20-го века под влиянием социально-политических и культурных изменений в жизни народов Туркестана и Азербайджана произошли и установились новые связи в прессе, литературе, театре и просвещении. Также в статье говорится об узбекской молодежи, обучавшихся в тогдашних высших и средних учебных заведениях Азербайджана.

**Ключевые слова:** Мулла Насриддин, Баку, Ганджа, общество Помощи, Комитет студентов из Туркестана, Молодые писатели, Комитет узбекских учащихся, Абдуваҳоб Муродий.

**Abstract.** The article considers the questions of the preparation of national cadres in Central Asia, in particular in Turkestan in the beginning of 20<sup>th</sup> Century. At that time under the influence of social-political and cultural transformations in the life of the peoples of Central Asia and Azerbaijan took place new connections in press, literature, theater and education, the article covers those changes and also the activity of Uzbek youth who studied in higher and secondary educational institutions of Azerbaijan at that time.

**Key words:** Nasridin Afandi, Baku, Gandja, Support Society, the Committee of Students from Turkestan, Young writers, the Committee of Uzbek Students, Abduvahhob Murodiy.

Туркистон ўлкаси аҳолиси қадимдан қардош халқлар билан сиёсий-иқтисодий, савдо-сотик, маданий алоқаларни олиб борган. Шу жумладан, Озарбайжон халқи билан алоқалари ҳам узок тарихга бориб тақалади. Ўзбек ва Озарбайжон халқларининг буюк адиблари Низомий, Ғолибий ва Навоий асарлари ўзбек ва озар тилларига ўгирилиб, мадраса ва эски мактабларда, кейинчалик замонавий (янги усул) мактабларда ҳам ўқув дарсликлари қаторида ўқитиб келинган.

XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар таъсирида Туркистон ва Озарбайжон халқлари ҳаётида матбуот, адабиёт, театр ва маориф каби йўналишларда янги алоқалар бошланди. Икки халқнинг миллий матбуоти ривожланди, бадиий адабиёт намуналарининг мазмун ва ғоялари ўзгарди, янги усул мактабларига мослаштирилган ўқув адабиётлари вужудга келди, театрлар фаолиятида ҳам ўзгача руҳ пайдо бўлди.

Миллий уйғониш даврида Ўрта Осиё маърифат аҳлининг камолотида Тбилисида чиққан “Мулла Насриддин” журналининг ҳам таъсири катта бўлган. Озар тилида чоп этилган ушбу журналдаги янгилик ва мақолалар халқларнинг кечмиши, дарду армонларининг бир-бирига яқинлиги ҳамда журналдаги карикатура суратларининг мазмуни тушунарлилиги билан Ўрта Осиё халқлари орасида ўз обуначиларини топа олган эди. “Таржимон”, “Мулла Насриддин” журналида Бухоро амирлиги ва амир ҳукуматининг сиёсатига оид мақола ҳамда карикатура суратлари чоп этилган бўлиб, булар амирликда хорижий матбуотнинг чекланишигача олиб келган [1].

“Мулла Насриддин” журнали таъсирида XX асрнинг 20-йилларида “Муштум” ҳажвий журнали, шунингдек, газета ва журналларнинг ҳажвий бўлимлари майдонга келди ва қўпгина ҳажвнавис шоир ва ёзувчилар етишиб чиқдилар [2]. Ўз навбатида, Озарбайжон халқига Туркистонда чоп этилган “Ойна” журнали ва “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” каби газеталар маълум эди. Туркистон миллий зиёлилари Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Муҳаммадшариф Сўфизода каби миллий зиёлилар маърифатпарварлик руҳидаги ва сатирик публицистикалари билан Озарбайжон матбуоти ва адабиётида таниқли эдилар [3]. Бу газета ва журналлар икки халқни жаҳолатга, қолоқликка қарши илғор маърифат ва тараққиёт учун кураш руҳида тарбиялашда катта роль ўйнади.

1917 йил октябрь тўнтарилишидан кейин ижтимоий сиёсий фикрларнинг кенг ёйилиши, миллий давлатчилик учун кураш ҳаракатларида Озарбайжон халқининг илғор зиёлилари

туркистонлик қардошларини мустамлака истибдодидан тезроқ қутулиб, миллий истиқлолга эришишларини қўллаб-қувватладилар. Тошкентда чиққан “Улуғ Туркистон” газетасида бастакор Узайирбек Ҳожибековнинг Озарбайжон “Миллий марши” нинг [4] босилиши, ўша даврда ўзининг миллий уйғониш руҳи билан Туркистон миллий зиёлиларига кучли таъсир кўрсатди. Ўша йиллари замонавий илм-фан соҳасидаги билимларни эгаллаш учун Туркистон ёшлари Озарбайжон ўрта таълим муассасаларига ўқишга бордилар.

Давлат ва жамоат арбоби “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон” газеталарининг муҳаррири бўлган Абдулхай Тожиев дастлабки хорижий таълимни Уфадаги “Мадрасаи Олия”да олгач, Туркистонга қайтади. Л.Азизоданинг ёзишича, ўша пайтда масжид ва мадрасалар тақдири мустамлакачилар томонидан таъқиб этилаётганини кўрган А.Тожиев Тошкентда очилган 6 ойлик муаллимлар курсини тамомлайди. Сўнгра илмини ошириш мақсадида Озарбайжонга йўл олади. У Ганжа шаҳридаги гимназияда таълим олиб қайтади [5].

Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни қишлоқ хўжалик факультетида ҳамда Шредер номли боғдорчилик илмий-текшириш институтида ишлаган Абдуваҳоб Муродий ўрта маълумотни Бокудаги билим юртида олади. У дастлаб Шайхонтахурдаги “Хоний” мактабини битиргач, Наманганда муаллимлик қилади. Февраль инқилобидан сўнг ўқиш учун Озарбайжонга боради. Бокуда ўқишни тугатиб, Тошкентдаги янги усул мактабларида муаллимлик қилади. Илмга чанқоклиги сабабли 1921 йили Германияга ўқишга бориб, Берлин Қишлоқ хўжалиги академиясига киради [6].

Туркистон жадиждларининг етакчиларидан бўлган Мунаввар қори Абдурашидхонунинг янги усул мактабида олти йиллик таълимни олган Тоҳир Шокирзода (Тоҳир Чиғатой) Уфадаги “Мадрасаи Олия”да кейинги таҳсилни олди. Уфадан қайтгач ўрта маълумотни эгаллаш учун 1917 йилда Озарбайжонга бориб Боку дорулмуаллиминга ўқишга кирди. 1921 йили Тоҳир Чиғатой Озарбайжондан Туркистонга қайтиб олий таълим олиш учун Германияга йўл олди [7]. Ана шу йилларда ўрта маълумотни Озарбайжонда олиб қайтган Абдуваҳоб Ўқтой (Исҳоқ ўғли) 1922 йилнинг охирида Туркистонда ташкил этилган “Кўмак” жамияти ёрдами билан Германияга юборилади. Берлинда 6 ойлик тил ўрганиш курсини ўқийди ва Ҳайдельберг шаҳрига бориб тиббиёт йўналишидаги ўқишга кирди [8].

Асосий фаолиятини Озарбайжонда ўтказган Холид (Холидхўжа) Саид 1918 йилда Истанбулдаги таҳсилни тугатиб, Туркистонга қайтиш ниятида Озарбайжонга келади. Аммо алоқа йўллари ёпилгани боис, шу ерда қолишга мажбур бўлди. Озарбайжонда у Ганжа гимназиясида муаллимлик қилди. 1920-1922 йилларда Тошкентга келиб “Намуна” билим юртида ўқитувчилик ва мудирлик лавозимларида ишлайди [9]. Кўп ўтмай, Х.Саид Бокуга қайтади. 1922-1926 йилларда у Балахани мухандислик факультетида ва Гусар техник таълим мактабида ўқитувчилик қилди. Бокуда самарқандлик ҳарбий аскарлар ётоқли мактабида ва Ўзбекистон Консул меҳмонхонасида мудир лавозимларида ишлайди [10]. Бирок, кўп ўтмай, талабалар орасида аксилинқилобий ва миллатчилик ғояларини тарғиб қилишда айбланиб ишидан четлатилди. Бу тазйиқ ва таъқибларга қарамасдан, Холид Саид кейинчалик Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг Озарбайжонда ўқиётган талабалар бўйича вакили бўлиб фаолиятини олиб борди.

Бу йилларда Ўзбекистонга Озарбайжондан машҳур туркийшунос олим, профессор Оғамали ўғли Бақр Чўбонзода келиб, бу ердаги янги ўзбек маорифи ва маданияти ишларида фаол иштирок этади. Улар, айниқса, эски араб алифбосидан янги лотин алифбосига ўтиш борасидаги тадбирларда ўзбек зиёлиларидан Ғози Олим Юнусов, Боту, Шокир Сулаймон ва бошқалар билан бирга жонбозлик кўрсатдилар. Ҳали Ўзбекистонда Навоий юбилейлари кенг нишонланмаган бир даврда Озарбайжон олим ва ёзувчилари 1925 йил Бокуда ўзбек халқининг буюк шоири Навоий таваллудини нишонлаб, энг яхши маърузалар 1926 йилда Бокуда “Навоий” номи билан алоҳида китоб бўлиб нашр этилади [11].

XX асрнинг 20 - йилларида Туркистон зиёлилари “Кўмак” жамиятини тузиб, у орқали Туркистон ёшларини хорижда ўқишга юбориш ишларини йўлга қўйдилар. “Кўмак” уюшмасининг мақсади Туркистон талабаларига олий таҳсил асосларини яратмоқ, хорижга ва Ички Россияга бориб ўқувчиларнинг ишларини енгиллаштиришдир”, - дея маълумот беради Салимхон Тиллахонов “Кўмакнинг жавоби” номли мақоласида [12].

Бухоро Халқ Республикаси сармояси ва “Кўмак” ташкилоти томонидан тўпланган маблағлар ҳисобига ёшларни хорижга юбориш жараёнида уларнинг бир гуруҳи Озарбайжоннинг Боку, Ганжа каби шаҳарларидаги замонавий олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига юборилди.

“Озарбайжонда Ўзбекистон ўқувчилари” номли мақолада ёзилишича, “1922 йилда Туркистондан Озарбайжонга ўқиш учун 13 талаба юборилади. Кейинги 1923 йилда эса талабаларнинг сони 60 нафарга етди. 1923 йилда Озарбайжонда ўқувчи талабалар “Туркистонли талабалар қўмитаси” ташкил қилдилар. Қўмита ташкил қилинган дастлабки кунлардан туркистонлик талабаларнинг ётоқхонасини ташкил қилиш учун Озарбайжон Маориф Комиссарлигидан ер сўраб мурожаат қиладилар. 1924 йилда қурилиш ишлари якунланиб, 30 кишилик умумий ётоқхона очилади. Шу йили туркистонлик талабаларнинг сони 110 тага етди”, - деб маълумот берилади[13].

Али Тангриберди муаллифлигидаги “Бокуда ўзбек ўқувчилари” номли мақолада “Ўзбекистон ўқувчилари қўмитаси” янги ҳайъати тузилгани ва Ўзбекистон илмий шўроси раиси Отажон Ҳошимов Бокуга борганида бу ташкилотга бир неча вазифаларни белгилаб бергани тўғрисида хабар берилади[14].

Озарбайжонда ўқиётган талабаларнинг асосий қисми Ўзбекистондан юборилган нафақа (стипендия) билан таъминлаб турилган. Талабаларнинг ҳар бирига 35 сўмдан нафақа берилган. 1925-1926 йилга келиб, Озарбайжон ўқув муассасаларида таълим олаётган Ўзбекистон талабаларининг сони 150 тага етди. Бу талабалардан 100 таси Ўзбекистон томонидан ажратилган нафақадан фойдаландилар. Стипендия олувчи талабалардан 15 нафари қизлар бўлган. Самарқанд Эски шаҳар вақф шўбаси қарамоғида талабаларнинг яна 30 таси бўлиб, буларнинг 14 тасига вақфдан нафақа ажратилган. Ўша давр Ўзбекистон миллий матбуотида маълумот берилишича, қолган талабалардан 20 таси ҳарбий мактабларда ўқиб юриб нафақа олганлар [13].

Озарбайжонда бу йилларда таълим олган ёшларнинг асосий қисми ишчи, деҳқон фарзандларидан иборат бўлган. Улар Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва вилоятларидан келган ёшлар эди. Хусусан, Самарқанддан 70, Тошкентдан 28, Фарғонадан 18, Хивадан 10, Бухородан 6 нафар – жами 132 нафар талаба ўқиган бўлса, қолган 18 таси Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари ҳисобига тўғри келган[13].

Озарбайжон ҳарбий мактабининг юқори ва ўрта тайёрлов курсларида ўқиётган 12 нафар ва Кавказорти ҳарбий тайёрлов мактабида ўқиётган 5 нафар талабага 5, 7 ва 10 рублдан ойлик стипендия тўлаб борилган [15].

Бокудаги “Ўзбек ўқувчилар қўмитаси”нинг фаолияти ҳам талабалар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Қўмита томонидан қироатхона ва кутубхона ташкил қилинган эди. Шу билан бирга, ўқувчилар нутқини ошириш, билимини кўтариш ниятида реферат ўқиш, ўлкани таниш, адабиёт тўдалари тузган эдилар. Шунингдек, қўмита ва талабаларнинг ижтимоий ишлари, камчиликларини кўрсатувчи ойна сифатида “Ёш қаламлар” номли деворий газета чиқарганлар. Ушбу деворий газета 15 кунда бир марта чиқарилган [16]. Кейинги йилларда Озарбайжонда ўқиган талабаларнинг кўпчилиги республиканинг чекка ҳудудларигача бориб фаолият юритаётганлиги ҳақида ўша давр миллий матбуот саҳифаларида маълумот берилади. Хусусан “Маориф ва ўқитувчи” журналида: “...бултурги 19 нафар битириб чиққанларнинг Ўзбекистоннинг узоқ бурчакларида ишлаб турганлари ва, шунингдек, бу йил ҳам 23 нафар турли мактабларни битириш олдида бўлган битирувчиларни тақдим қиламиз- ки бу ҳам ўзбек ўқувчиларининг муваффақиятидир”, - дея хабар берилади[16].

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фондида сақланаётган ҳужжатда Озарбайжоннинг турли таълим муассасаларида ўқиётган ўзбекистонлик ёшлар, уларнинг миллати, ижтимоий келиб чиқиши ўқув муассасалари номи ва курси ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу ҳужжат орқали биз XX асрнинг 20-йилларида Озарбайжонга юборилган Ўзбекистон ёшларининг Озарбайжондаги таълим олган муассасалари ҳақида маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Жумладан: Озарбайжон олий педагогика институтида [17] - 4 талаба, Озарбайжон Давлат Университетида - 16 талаба, Наримонов номли техникумда - 7 талаба, 12 сонли Бунятзода номли 2 босқичли ўқитувчилар мактабида - 5 талаба, Боку Эркаклар педтехникумида - 2 талаба, Қизлар ўқув семинариясида - 1 талаба, Озарбайжон Давлат Турк театр техникумида - 11 талаба, Озарбайжон Қизлар пед техникумида - 3 талаба, Озарбайжон педагогика институтининг агрономия бўлимида - 1 талаба, Агамайль ўғли номли ер тузилиши техникумида - 1 талаба, Боку педтехникумда - 16 талаба, Боку 2 босқичли ўқув курсида - 1 талаба, Ашум Алиев номли 1 босқичли 8-сонли совет мактабида - 1 талаба, 1 босқичли 9-сонли совет мактабида - 1 талаба, Боку қизлар клубида - 1 талаба, Ганжи техникумида - 5 талаба, Ганжа Олий қишлоқ хўжалик техникумида - 1 талаба, Озарбайжон ҳарбий мактабида - 13 талаба, Кавказорти ҳарбий тайёрлов мактабида - 5 талаба таълим олганлар [18].

Бундан ташқари, Озарбайжон илм ва санъат усталари бу даврда Ўзбекистон учун зарурий йўналишдаги малакали кадрларни тарбиялаб етказишда катта ёрдам кўрсатдилар. XX аср 20-

йилларида Ўзбекистондан таниқли адабиётшунос ва фольклоршунос олимлар Олим Шарафуддинов, Ҳоди Зариф, маориф ходимлари Файзулла Султонов, Ҳожимурод Абдуллаев, ҳарбий Собир Раҳимов, шоир Абдураҳим Абдуллаев (Ғайратий), математик Обид қори Каримов кабилар Озарбайжон ўқув юртлирида таҳсил оладилар.

XX асрнинг 20-йилларида ўрта маълумотни Озарбайжонда ўқиб қайтган айрим Туркистон ёшлари олий таълим олиш мақсадида “Кўмак” уюшмасининг ёрдами билан хорижий таълим муассасаларида ўқидилар. Абдуваҳоб Муродий, Абдуваҳоб Ўқтой (Исҳоқ ўғли) ва Тоҳир Чигатой (Шокирзода) каби ёшлар олий таълимни Германияда давом эттирдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон ўлкасининг 1917 йил октябрь тўнтарилишидан кейин, миллий зиёлилари хорижда ёшларни ўқитиш масаласида кўп давлатлар қатори Озарбайжонга ёшларни таълим олиш учун юбориш ва миллий кадрларнинг замонавий илм асосида тарбиялашга катта эътибор қаратдилар. Уларга моддий ва маънавий ёрдам қилдилар. Озарбайжон таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар таълим олган соҳалари бўйича миллий кадр сифатида шаклланиб Ўзбекистон тараққиётида кенг фаолият олиб бордилар. Улардан етук педагог, маданият ва санъат арбоблари, олимлар ҳамда ҳарбий мутахассислар етишиб чиққан эди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим. – Тошкент: 1960. – Б.69
2. Каримов Н. Мақсуд Шайхзода. – Тошкент: Шарқ. 2009 – Б.38.
3. Azərbaycan tarixi. Yeddi cildə. V cild (1900-1920-ci illər). Bakı: Elm. 2008. – S.214.
4. Миллий марш // Улуғ Туркистон. 1917 йил 31 декабрь.
5. Азиззода Л. Янги ҳаёт курашчилари. – Тошкент: 1976. – Б.45.
6. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент: 2006. – Б.43.
7. Ryosuke Ono. Muhacerattaki bir o'zbek Turku'nun mektuplarina gore Turk dunyasi – Abdulvahap Oktay ve mektuplari. // Ankara Universitesi Dil ve Tarih-Coğrafya Fakultesi Dergisi. 53, 2 (2013) – S.565.
8. Германиядаги Ўзбекистон шогирдлари // “Фарғона” газетаси, 1926 йил 22 март.
9. Аҳмедов С. Тарбия иксири аъзамдир // Хуррият, 2016 йил 1 сентябрь
10. Қўчқорова М. Холид Саид ҳаёти ва фаолияти; “Ўтган кунлар” озар тилида // Шарқ юлдузи, 2014 й. 4-сон – Б.127.
11. Турдиев Ш. Ҳамкорликда гап кўп // Ёшлик, 2009 й. № 4. – Б.29-31.
12. Салимхон. Кўмакнинг жавоби // Туркистон, 1923 йил 29 июль
13. Йўлдош М. Озарбайжонда Ўзбекистон ўқувчилари // Қизил Ўзбекистон, 1926 йил 17 февраль
14. Али Тангриберди. Бокуда ўзбек ўқувчилари. Қизил Ўзбекистон // 1926 йил 22 декабрь.
15. ЎЗРМДА. Ф.34-ийғмажилд, 1-рўйхат, 2522-иш, 43-варақ
16. Музайян. Бокуда ўзбекистон йигитлари // Маориф ва ўқитувчи. 1929 й, № 5, – Б. 15
17. Ўзбек адабиётининг йирик намоёндаси, шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода 1921 йилда ушбу билим юртига ўқишга кириб таълим олган. Қаралсин: Каримов Н. Мақсуд Шайхзода. – Тошкент: Шарқ. 2009 й.
18. ЎЗР МДА. 34-ийғмажилд, 1-рўйхат, 2522-иш, 4,5,6-варақлар

ЎУК: 903.1

### XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА ҚИРОАТХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ: УНИНГ АҲОЛИ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

*Ф.А. Нарманов, таянч докторант, Самарқанд давлат университети, Самарқанд*

**Аннотация:** Мазкур илмий мақолада Туркистон ўлкасида қироатхоналарнинг ташкил бўлиши, XX асрнинг 20-30 йилларидаги қироатхоналарда олиб борилган ишларнинг ташкилий, методик фаолияти ва қироатхона фондларининг ташкил этилиши кабилар ўрганилган. Архив манбалари асосида қироатхоналарнинг ўз даври маданий ва сиёсий жараёнларидаги иштироки таҳлил этилиб, унинг натижасида маҳаллий аҳоли маданий-маърифий ҳаётига кўрсатган таъсири ва унинг хусусиятлари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** қироатхона, қизил ўқишхонаси, қизил чойхона, маданий ҳаёт, “зарарли китоблар”, методик ишлар, тарғибот-ташвиқот, ўқишхона, мутолаахона, “қироатхонаи исломия”, маданий тадбирлар.

**Аннотация:** В данной научной статье изучены проблемы появления читальных в Туркестанском крае, их деятельность и организационно-методические работы в 20-30 годах XX века и организация фондов читален. С помощью архивных материалов анализируется деятельность читален, их роль и влияние на культурную и политическую жизнь местного населения.



**Ключевые слова:** читальни, красные читальни, красная чайхана, культурная жизнь, «вредные книги», методические работы, пропаганда, комната для чтения, «исламская читальня», культурные мероприятия.

**Abstract:** In this scientific article is studied problems of formation reading room in the Turkestan region, they activity and organizational methodical works in 20-30 years of the XX-th century and the organisation of funds the reading rooms. With help of archival materials analyzed activity reading rooms, their role and influence on cultural and political lives of local population.

**Key words:** reading room, red reading rooms, red chayxana, cultural life, “harmful books”, methodical works, propaganda, special rooms for reading, “Islamic readings”, cultural event.

Маданий-маърифий муассасаларнинг бир қисми сифатида кироатхоналар ҳам кишиларнинг маънавий-маданий ҳаётига кўрсатадиган таъсири билан муҳим аҳамият касб этади. Узоқ даврдан буён кироатхоналар кутубхоналарнинг бир бўлаги сифатида кишиларга хизмат қилиб келади. Шу нуқтаи назардан ушбу муассасанинг кишилар кундалик турмуш тарзи ва маданий-маърифий ҳаётига кўрсатадиган таъсири жуда ҳам катта. Бугунги кунда юртимиз аҳолиси орасида кутубхоналар ва кироатхоналарга бўлган талаб ҳамда қизиқиш ҳар қачонгидан ҳам юқори. Бугунги кунга келиб 2017 йилнинг 13 сентябрида давлат раҳбарининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”[1]ги қарори ва унинг асосида китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар натижасида кутубхона ва кироатхоналарга муносабат ўзгарди. Ҳукуматимиз томонидан кироатхоналарни ривожлантириш мақсадида давлат маблағлари ҳисобидан туман ва қишлоқларда жойлашган маҳалла марказларида кичик кироатхоналар ташкил этилмоқда.

Кироатхоналар маданий-маърифий муассасаларнинг бошланғич бўғини сифатида аҳоли орасида ҳукуматимиз томонидан давлатни янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, кишилар онги ва тафаккурида давлат тараққиёти учун ҳар бир фуқарода масъуллик ҳиссини уйғотиш учун хизмат қилади. Бугунги кунда кироатхоналарни буюк аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо асарлар ва халқимизни маънавий-маърифий жиҳатдан юксак тафаккурли бўлиши учун хизмат қилувчи адабиётлар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, кироатхонада сақланган китобларнинг ўз даври кишиси ҳаётига кўрсатган таъсири қандай аҳамиятга эга эканлигини тарихий фактлар тасдиқлаб турибди. Шу мақсадда ўтган асрнинг 20 йилларида кироатхоналар фаолиятининг кишилар ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида тутган ўрни ва таъсирини бугунги кун руҳи билан тадқиқ этиш бир қатор муҳим вазифаларни қўяди.

Ҳозирги кунга қадар олиб борилган кўпгина тадқиқотларда кироатхоналар фаолияти асосан кутубхоналар таркибида тадқиқ этиб борилган. XX асрнинг 20-30 йилларида кироатхоналар тарихига оид материалларни ўрганиш натижасида айтишимиз мумкинки, айнан шу давр қизил чойхона ва клублар таркибидаги фаолияти билан кироатхоналар тарихини алоҳида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан 20-30 йиллар кироатхоналари фаолияти билан боғлиқ масалаларда:

- кироатхоналарнинг қизил чойхона ва клубларда ташкил этилиши ҳамда уларнинг аҳволи,
- кироатхоналарни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва унинг вазифалари,
- кироатхоналарнинг ўз даври маданий-маърифий ҳаётидаги фаолиятини ўрганиш,
- кироатхоналарнинг методик фаолиятини таҳлил этиш,
- кироатхоналарга ташриф буюрувчилар ва унинг аҳолига кўрсатган таъсирини тадқиқ этиш,
- кироатхона фондларининг даврга қараб ўзгариб бориши ва бу ерда сақланган китобларнинг мазмуни кабиларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Туркистон ўлкасида кироатхоналарнинг маҳаллий аҳоли маънавияти, маданий ҳаётига кўрсатган таъсирини ўрганиш баробарида ушбу давр кироатхоналари тузилиши ва уларнинг ривожланишига қараб уни давр жиҳатдан икки босқичга, яъни XX асрнинг 20-йилларига қадар бўлган дастлабки босқич, 20-йиллардан кейинги иккинчи босқичга бўлишимиз мумкин. Зеро, мазкур икки босқичда кироатхоналарнинг мақсади, фаолияти ва унда амалга оширилган ишларнинг маҳаллий аҳолига кўрсатган таъсири мазмунан бир-биридан фарқ қилувчи икки босқич бўлди. Дастлаб миллий зиёлилар томонидан очилган кироатхоналарга эътибор қилинса 1920 йилга қадар бўлган вақт оралиғида улар томонидан Туркистон ўлкасида бир қатор кироатхоналар очилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу кироатхоналар ўз даври адабиётларида “кутубхона” деб

аталиши билан бирга “ўқишхона”, “қироатхона”, “мутоалаахона”, “қироатхонаи исломия” каби номлар билан ҳам тилга олинади.

Абдулла Авлоний “ёшлардан маданиятга лойиқ равишда ўқиб, диний ва маданий кишилар хозирланса, тарбия ва таълимга мохир олим ва олима, адиб ва адибалар етушса, бунинг учун кутубхоналар ва қироатхоналар очилса”[2.219] дея билим ва маданиятнинг асоси кутубхона ва қироатхона эканлигини таъкидлайди. Мана шундай қироатхоналардан дастлабкиси 1908 йилда Самарқанднинг эски шаҳар қисмида очилган “Беҳбудий” кутубхонаси бўлиб, у дастлаб очилганда “қироатхонаи исломия”[3.27] деб аталган. Вақт ўтиши билан бундай қироатхона Абдулла Авлоний томонидан Тошкентда очилган бўлса, сўнгра Каттақўрғонда тузилган “Равнақ ул ислом” жамияти қошида илк қироатхона ташкил этилади. Бу ерда 60-70 та туркий тилда ёзилган ва шундай бироз зиёдрок бўлган рус тилидаги китоблар сақланган. Аммо китобларни ўқийдиган кишилар ниҳоятда оз эди. Абдулла Қодирий маълимотларига кўра 1918 йилга қадар Тошкент шаҳрида мусулмон қироатхоналари очилмаган эди. Ўлканинг бошқа ҳудудларига қараганда аҳолининг зиёли қатлами бу ерда кўпчиликни ташкил этсада бу ерда қироатхона ҳали очилмаган эди. Бу ердаги биринчи қироатхона 1918 йилнинг декабрида “Турон” жамияти қошида очилган қироатхона бўлганлигини қайд этиб ўтади[4]. 1919-1920 йилларда Самарқанднинг эски ва янги шаҳар қисмида маҳаллий аҳоли учун икки қироатхона очилади. Аммо уларда сақланган китоб ва газеталарнинг мазмуни ва номлари ҳақида маълумот сақланиб қолган эмас. Эски шаҳар қисмидаги қироатхона Регистон яқинидаги бинонинг иккинчи қаватида жойлашган бўлиб, жуда ҳам хароба аҳволда бўлган, кун бўйи бу ер яқин атрофда жойлашган ошхонанинг ҳиди билан тўлиб ётган[5.3-4].

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мустамлакачи мамлакат ўз мустамлакаси бўлган халқларнинг маърифатли ёки маданиятли бўлиши учун хизмат қилган эмас. Шу жумладан, совет ҳукуматининг 1920 йилдан сўнг ўлкада очила бошлаган совет даври қироатхоналари ҳам маҳаллий аҳоли орасида илм-маърифат ёки маданиятни ривожлантиришга қаратилмаган эди. Балки, ўз даври манбаларида кўрсатиб ўтилганидек ерли аҳолини маданиятли қилиш ва “саводсизликка қарши кураш” ниқоблари билан совет даври мафқурасини маҳаллий аҳоли орасида тарғиб қилишга қаратилгани билан характерланади. Бу мақсадни амалга ошириш учун совет даврида қироатхоналар фаолиятига доир бир қатор йўриқнома ва тезислар қабул қилинди. Архив маълумотларига кўра, совет ҳукумати иқтисодий шароитнинг оғирлиги натижасида барча ҳудудларда айниқса, кишлоқ жойларда кутубхона очиш учун етарли шароитга эга бўлмаган. Натижада совет даври қироатхоналари кишлоқлардаги қизил чойхоналар қошида ташкил этила бошлади. Айнан шу даврдан бошлаб қироатхоналар маҳаллий аҳоли орасида сиёсий таълим тарғиботиغا асосланган асосий марказга айлантирилди[6.114].

Қироатхоналарни ташкил қилиш ва уни назорат қилиш Бош маданий-маърифий бошқарманинг марказий кутубхона коллектори ва тарғибот бўлимлари томонидан амалга оширилди. Айни вақтда қироатхоналарни қизил ўқишхоналари деб аташ ҳам одат тусига кирди. Ушбу даврда очилган қироатхоналар иқтисодий томондан туман маданий-маърифий ишлар қошидаги бўлим маблағлари ҳисобидан очилган ва бундай қироатхоналар тумандаги марказий кутубхона қарамоғига бириктириб қўйилган. Шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан очилган қироатхоналар бўлиб, улар асосан клуб ва қироатхона таркибида фаолият олиб борган. Бундай қироатхоналарнинг моддий таъминоти билан қизил чойхона мудирини шуғулланган[7.10].

Совет даврида қабул қилинган бир қанча қарор ва йўриқномаларга қарамадан қироатхоналар ночор аҳволда фаолият олиб борган. Жойлардан тайёрланган ҳисобот матнларида келтирилган бу муаммо ва камчиликларга эътибор қаратсак совет давридаги қарорларнинг фақатгина қоғозда мавжуд бўлганлигини кўришимиз мумкин. Архив маълумотлари ва ўша даврда яратилган бир қатор асарларда қироатхоналарнинг оғир аҳоли ҳақида қатор маълумотлар учрайди. Каттақўрғон шаҳри аҳолисига хизмат қилиши керак бўлган қироатхонанинг аҳоли бошқа ҳудудларга қараганда аянчли аҳволда бўлиб, қироатхонага деб ажратилган жойда икки этиқдўз қосибчилик билан шуғулланиб келган. Бу ерда китоб ва газета ҳақида сўз ҳам бўлмаган, улар учун ажратилган жойнинг ўзи ҳам йўқ эди[8.120].

Қизил чойхона ва клублардаги қироатхона китоблари учун махсус жой бўлмаган. Шунингдек махсус китоб жавонлари ҳам йўқ бўлиб, ажратилган тахта ўринлар аксарият ҳолларда овқатланиш учун хизмат қилган. Жиззах ҳудуди бўйича тайёрланган ҳисоботда “қироатхоналарни қутқариш учун ёрдам қаердан келишини ҳеч ким билмайди. Қизил чойхона мудирини қироатхона ишларига ҳам масъул саналади. Бу киши биринчи навбатда сиёсий тарғибот ишларини олиб бориши керак бўлган. Аммо

кироатхонада ҳеч қандай иш йўқ. Бор китобларнинг ҳаммаси эски адабиётлардан иборат. Бу ерга ҳозирда ҳеч қандай ўқувчи қатнамайди. Қироатхона мудирини ўз иши билан осмондан ёрдам кутаётганга ўхшайди”[9.56] деб маълумот келтирилган. Бу маълумот нафақат совет даври кироатхоналарнинг оғир шароити ҳақида, балки ундаги фаолият мақсадини ҳам ифодалайди. Қироатхоналардаги бу каби ҳолат ушбу давр учун умумий бир кўринишга айланганлиги Фарғона ва Бухоро кироатхоналардаги аҳволида ҳам яққол кўзга ташланади[10.14].

Қироатхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган асосий масалалардан бири бу у ердаги китоб фондлари ва унинг мазмуни билан боғлиқ эди. 1921 йилги маълумотларга кўра бутун Туркистон бўйича бир кишига 0,0685% китоб тўғри келган бўлса, мусулмон аҳолига 0,0025% китоб тўғри келган[11.77]. Кўриб чиқилаётган давримизнинг биринчи босқичида кироатхоналар фонди асосан маҳаллий аҳолининг ёрдами билан тўлдирилган. Хусусан, Тошкентда очилган биринчи мусулмон кироатхонасига китоблар зиёли кишиларнинг химматлари эвазига тўпланган китоблардан ташкил этилган эди. Унинг китоб фонди 400 га яқин бўлиб, бу ҳол икки юз минг аҳолига эга бўлган шаҳар учун нолдан ҳам паст даражада бўлган, натижада шахсий кутубхонага эга кишилардан китоблар маълум муддатга кироатхона учун олиб турилган[4].

Вақт ўтиши билан кироатхона фондларини мазмунан совет даврини тарғибот-ташвиқоти қилишга қаратилган газета ва журналлар билан тўлдириш бошланди. 1926 йилнинг октябрида вилоят ва туман худудларида жойлашган кироатхоналар бош маданий-маърифий бошқарма текширувидан ўтказилди. Шу вақтга қадар ҳаёти сифатида сақланган миллий маърифатпарварлар томонидан яратилган кўпгина асарларни “зарарли китоблар” сифатида баҳолаб кироатхоналардан олиб ташлаш ҳақидаги ҳулосага келинди[12.26]. Натижада кироатхоналарда совет тузумини тарғиб қилишга асосланган китоблар ўрин эгаллаш бошлади. Бу ҳол кироатхонага қатновчи кишиларнинг янада камайишига олиб келди. 30-йиллардан кейин ҳам кироатхоналарнинг аҳволи оғирлигича қолди. Айниқса, қишнинг совуқ кунларида бирорта кироатхона ишламаган. Чортоқ туманидаги қизил чойхоналарнинг бир бурчагига кироатхона сифатида қўйилган ва аҳолини тарбиялаш учун хизмат қилиши керак бўлган китоблар аҳоли учун ишламайди. Унинг аҳоли учун қизиғи ҳам йўқ эди. Бу ердаги китобларнинг қандай китоблар эканлиги қизил чойхонадагиларнинг барчасига номаълум. Газета-журналлар эса гўшт ва шу каби нарсаларни ўраш учун ишлатилади. Қироатхонанинг овоз чиқариб ўқиш ишлари ташкил этилмасданоқ тўхтаган[13.10].

Ушбу давр кироатхоналарнинг қандай иш олиб борганлигини белгиловчи омиллардан бири муассасаларнинг методик фаолияти билан боғлиқ эди. Қироатхонанинг методик фаолияти ушбу муассасанинг совет давридаги мақсад ва вазифасини яна бир кўрсатиб беради. Унга кўра кироатхоналар жойларда қизил чойхоналарнинг асосий филиаллари бўлиши кўзда тутилган эди[7.11]. Қироатхона методик фаолиятига доир бир қатор йўриқнома ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги вазифаларни бажариши керак эди: ҳафтанинг белгиланган кунда кичкириб ўқишни ташкил этиш, қишлоқ экин кампанияси билан боғлиқ дала ишларида ташвиқотни уюштириш, рамазон ойи давомида динга қарши кураш жараёнида адабиётлар билан қизил чойхоналарни таъминлаш, қайта сайлов кампанияси даврида шиор ва плакатларни тарқатиш, қишлоқларда юривчи тарғибот араваларида ўз вакили ва адабиётлар билан иштирок этиш, қизил чойхонада ташкил этилган маълумотлар столи ишини юритиш, кироатхоналарда ўз-ўзидан ўрганишни ташкил этишда иштирок этиш кабилардан иборат эди. Қироатхоналардаги асосий китоб ва ишлар биринчи навбатда тарғиботга асосланган ишларни олиб бориш учун йўналтирилди. Ўз кироатхонасида тарғибот ишларини ташкил этмаган бир неча қизил чойхона мудирлари ишдан бўшатиб юборилган.

Илм-маърифат марказларидан бири бўлган кироатхоналар тарихини ўрганиш натижасида қуйидаги ҳулоса ва таклифларга келинди: кироатхоналар тарихи ва унда олиб борилган амалий ишларнинг кўлами, мазмун-моҳиятини батафсил ёритиш бир илмий мақола доирасидан кенгрокдир. XX асрнинг 20-30 йилларида кироатхоналар фаолияти бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки босқични босиб ўтди. Қироатхоналар фаолияти билан боғлиқ жараёнда айтишимиз мумкинки, ушбу муассаса жамиятда олиб борилаётган ислохотларни халқ орасида тарғиб қилиш ва уни сингдириш борасида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишлари сўнггида қуйидаги тақифларни илгари суриш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда мана шундай кироатхоналар сонини кўпайтириш ва асосан қишлоқ жойларида уларнинг фаолиятига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Қироатхона китоб фондларини бугунги даврга ҳамоҳанг адабиётлар билан тўлдириш билан бирга, буюк аждодларимизнинг таълим, тарбия, маънавият ва маданиятга оид йирик илмий асарлари билан бойитиш лозимдир. Шу орқали

биринчи навбатда фуқароларда юрт равнақига бўлган масъулик хиссини ошириш, оилаларда таълим-тарбия жараёнига янада эътибор бериш орқали жамиятдаги барқарорликка ҳисса қўшиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 14 сентябрь. №184.
2. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд. Т. “Маънавият”, 2006. –Б.219.
3. Каримов Н. Маҳмудхўжа Бехбудий. Т.2010. 27-б, яна қаранг. «Очаг мусулманского просвещения». Назариян Р. Звезда Востока. 2017. №2.-С.89.
4. Қироатхоналаримиз. Абдулла Қодирий. Иштирокиюн. 1920, №120.
5. ЎзРМДА. 34-фонд, 184-иш, 1-рўйхат, 3-4 бетлар.
6. ЎзРМДА. 94-фонд, 1-рўйхат, 223-иш, 114-варақ.
7. ЎзРМДА. 94-фонд, 1-рўйхат, 216А-иш, 10-варақ.
8. Хожи Муин. Танланган асарлар. Т. “Маънавият”, 2005. 120-б.
9. ЎзРМДА. 94-фонд, 1-рўйхат, 220-иш, 56-варақ.
10. ЎзРМДА. 94-фонд, 5-рўйхат, 30-иш, 14-варақ.
11. ЎзРМДА. 34-фонд, 1-рўйхат, 1039-иш, 77-варақ.
12. ЎзРМДА. 94-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 26-варақ.
13. Никитинский М.Г. Красная чайхана-опорный пункт культурно-просветительной работы. Т., 1934. - С.10
14. ЎзРМДА. 94-фонд, 1-рўйхат, 216А-иш, 11-варақ.

ЎУК 9.63 (09).(575.1)

### КАТТА ФАРҒОНА КАНАЛИ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ (Канал қурилишининг 80 йиллигига бағишланади)

*Қ.М. Насриддинов, доцент, т.ф.н., ТДАУ Андижон филиали, Андижон*

**Аннотация.** Мақолада муаллиф илмий-тарихий манбалар асосида Ўзбекистон тарихига халқимизнинг меҳнат жасоратини ёрқин намунаси бўлиб қирган Катта Фарғона канали қурилиши тарихини ёритиб берган.

**Калит сўзлар:** Фарғона водийси, зироатчилик, суғориш, ўзан, акведук, сифон, экстенсив тараққиёт йўли, кетмон, белкурак, лом, кубометр, Қорақалпоқ чўли, ирригация, мелиорация.

**Аннотация.** На основе научно-исторических источников автор статьи показывает историческую картину строительства Большого Ферганского канала, которая вошла в историю Узбекистана, как яркий пример трудового подвига народа.

**Ключевые слова:** Ферганская долина, земледелие, орошение, русло, акведук, сифон, экстенсивный путь развития, кетмень, лопата, лом, кубометр, Каракалпакская степь, ирригация, мелиорация.

**Abstract.** On the basis of scientific and historical sources, the author of the article shows the historical picture of the construction of the Great Ferghana Canal, which has gone down in the history of Uzbekistan as a vivid example of the labor exploits of the people.

**Key words:** Fergana valley, agriculture, irrigation, mainstream, aqueduct, siphon, extensive way of development, ketmen, spade, scrap, cubic meter, Karakalpak steppe, irrigation, amelioration.

Ўзбекистон тарихида ўзининг тарихий аҳамияти жиҳатидан муҳим бўлган илмий жиҳатидан эса тадқиқ этилиши долзарб тарихий воқеликлардан бири XX асрнинг 40 йилларида Фарғона водийси суғорилиш тарихидаги улкан суғориш иншооти бўлган Катта Фарғона канали бунёд этилишидир. Зеро, ушбу канал ҳозирда ҳам Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикаларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Ватанимиз тарихига, жумладан, Фарғона водийси суғорилиш тарихига 1938-1942 йиллар анъанавий ҳашар усули билан суғориш иншоотларини қуриш беш йиллиги номи билан киритилган. Қабул қилинган режага кўра, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида, асосан марказ саноати учун зарур бўлган пахта хом - ашёсига бўлган талабни қондириш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш борасида янги чора тадбирларни ишлаб чиқиш таъкидланган эди. Бу масалани ҳал этиш учун бевосита республикада, шу жумладан, республиканинг асосий пахта етказиб берувчи минтақаси ҳисобланган Фарғона водийси суғорма деҳқончилигидаги мавжуд сув муаммосини ҳал этиш зарур эди. Республикада пахтачилик ва суғориш соҳасидаги вазифаларни бажариш юзасидан тадбирлар ЎзКП(б)нинг 1938 йил июль ойида бўлиб ўтган VIII қурултойида муҳокама қилиниб[1,8-27],

ирригация курилишини кенг кўламда ривожлантириш учун биринчи навбатда колхозчи деҳқонлар ёрдамига асосланган ҳолда, бу чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Бинобарин, 1923-1938 йилларда республикада янгидан суғориладиган ер майдонлари 320 минг гектарга кўпайган бўлса-да[2,36], суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларда сув танқислиги, кишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтачиликни ривожланишига етарли даражада имкон бермаётган эди. Айниқса, 1938 хўжалик йилининг қиш ва баҳор ойларидаги табиий ёғингарчиликни кам бўлиши, қурғоқчилик сув танқислигини янада кучайтириб юборди. Ўша даврда чоп этилган марказий вақтли матбуоти саҳифаларида таъкидланиб ёзилишича, Ўрта Осиёнинг пахта етиштирувчи минтақаларида кейинги 15-20 йил ичида 1938 йилдагидек сув танқислиги кучли сезилмаган[3,1]. Ушбу деҳқончилик учун зарур бўлган сув муаммосини ҳал этиш ҳамда кўшимча янги ерларни ўзлаштириб пахта майдонларини ҳажм жиҳатидан кўпайтириш мақсадида 1939 йилнинг август-сентябрь ойларида халқларимизнинг меҳнат жасорати билан Фарғона водийсидаги энг катта ирригация иншооти бўлган 350 км узунликдаги Катта Фарғона канали бунёд этилди[4,407].

Катта Фарғона канали Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикаларида 500 минг ер майдонида сув таъминотини яхшилашга ва 70 минг гектар янги ерни ўзлаштиришга имкон берган[4,407] мазкур канал ирригация курилиши тарихига халқларимиз меҳнати ижодининг қимматбаҳо дурдоналаридан бири бўлиб кирди.

Каналнинг лойиҳаси “Сазгипровод” лойиҳа-қидирув трестининг муҳандислари И. Д. Лебедев, А. Н. Аскоченский ва В. В. Пославский, К.А. Янишевский, К. И. Синявский, И. Ф. Федодеевлар томонидан тўрт ой муддатда ишлаб чиқилди[5,188]. Фарғона шаҳрида канал курилиши ва тупроқ ишларини назорат этиш бўйича марказий штаб ташкил этилди. Канал курилишига Фарғона вилояти ижроия қўмитасининг раиси Тешабой Мирзаев раҳбар этиб тайинланди. Канал курилиши бошланиши олдида 1939 йил июль ойида Фарғона шаҳрида бутун водийнинг туман ва жамоа хўжалиklarининг раҳбарлари иштирокида канал курилишини муҳокама этиш мақсадида республика раҳбарлари У. Юсупов, А. Абдурахмонов, Й. Охунбобоевлар иштирокида 3 кунлик йиғилиш бўлиб ўтди ва унда ташкил этилган кишлоқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида канал курилишида ишлатиладиган қурол, асбоблар, кетмонлар, замбил, ағдарма аравалар, ағдарма ғилдиракли замбиллар, линча қоплар намуналар намойиш қилинди[8,40-41].

Катта Фарғона канали курилишига СССР ХКК томонидан давлат бюджетидан 20 млн сўм пул маблағи, 15 минг кубометр ёғоч курилиш материаллари, 10 минг тонна цемент, 1 минг тонна темир курилиш материаллари, 60 дона трактор ва 200 та автомашиналар ажратилди [6.188]. Канал курилишига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати давлат бюджетидан 20 миллион сўм, 60 та дизел трактори, 25 та автомашина ажратди [7,9].

Катта Фарғона канали курилишини ташкил этиш учун канал ўзани иккита катта участкага бўлинди. Бу участкаларнинг биринчиси, Норин дарёсидан бошланиб, Қорадарёга бориб қўшилувчи Тентаксойгача, иккинчиси эса Қорадарёдаги Куйганёр сув тўғонидан бошланиб, Тожикистон Республикаси чегарасигача бўлган ҳудудни ўз ичига оларди. Ўз навбатида каналнинг ушбу участкалари вилоятлар, туманлар, жамоа хўжаликлари ўртасида тақсимланиб, жами 33 та курилиш участкаларида тупроқ қазиш ишларини ташкил этиш режалаштирилди.

1939 йили канал курилиши, асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, қисман Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари ҳудудларида олиб борилди. Йил охиригача бунёд этилган каналнинг умумий узунлиги 280 километр, эни 25-30 метрни ташкил этди. 1940 йилда эса канал курилиши асосан Тожикистон Республикаси ҳудудида олиб борилди ва 70 километрли каналнинг иккинчи навбати курилди. Шу билан каналнинг умумий узунлигини 350 километрга етказилди.

Канал курилишидаги тупроқ қазиш ишларига Ўзбекистон Республикасидан 160 минг, Тожикистон Республикасидан 120 минг колхозчи-ҳашарчилар жалб қилинди[5,407]. Канал курилишига жалб этилган ҳашарчилар ўзлари билан курилишга 117 минг 881 та кетмон, 63 минг 105 та белкурак, 62 минг 298 та замбил, 35 минг 207 та лом, кирка, болға, 14 минг та пақир, 4 минг 800 та сув қайнатиш учун бак ва бочкалар, 3 минг 250 та қора молни олиб бордилар [8,18]. Ҳар бир курилиш қатнашчисининг кунлик иш нормаси қилиб 2 метр. куб тупроқ ишлари белгиланди [9,44]. Канал курилишида иштирок этиш учун Норин тумани, Дўмар кишлоқ советидан келган колхозчилар Дўнан Дўсमतов, Тожимат ота Хидиروف, Улуғбек Хасанов, Исматилла Дадабоевлар кунлик тупроқ қазиш нормасини 50-60 кубометрга бажариб ҳақиқий меҳнат намунасини кўрсатдилар [8,110].

Манбаларда қайд этилишича, канал қурилишидаги тупроқ қазуш ишларида 50 дан ортик миллат вакиллари иштирок этдилар [9,141].

Канал қурилишидаги тупроқ қазуш ишларига ҳар бир колхоздан 200 нафар кетмончи қазувчи 10 кун муддатда ишга сафарбар этилиб, муддат ўтганидан сўнг улар ўрнига янгилари алмаштириллар эди. Қазувчилар учун ётоқ жой, озиқ-овқат, дам олиш соатлари-барчаси канал трассаси атрофида уюштирилган эди. Халқимиз орасида хашар ишига содиқлик шунчалик кучли эдики, колхозлардаги бор эркаклар баъзан навбат кутмасданок канал бўйига кўчиб чиқиб олган ҳолатлар бўлган. Бутун моддий куч қазув ишига йўналтирилган. Республиканинг барча санъат, адабиёт намоёндалари, шоир ёзувчилар, журналистлар канал ишига сафарбар қилинди. Қазув ишларида аёллар ҳам иштирок қилиб тупроқ солинган қопларни елкаларида кўтариб энгашган ҳолда пастдан юқорига олиб чиқиб тўқардилар [8,76].

Биргина, 1939 йили канал қурилишида иштирок этган колхозчи-хашарчиларнинг меҳнат жасорати эвазига 18 миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилди, 38 минг кубометр бетон ётқизилди, 19000 кубометр ёғоч ишлари амалга оширилди, 40000 квадрат метр тош ётқизилди. Канал ўзанида 126 та дюкерлар, 175 та акведуклар қурилди [8,175-176]. Канал қурилиши якунида ҳаммаси бўлиб канал ўзани бўйлаб 1300 ортик катта-кичик гидроиншоотлари ва 5 та темир йўл кўприги, 74 та автотранспортлар учун кўприклар бунёд этилди [9,140].

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан канал қурилишида жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилди. Канал қурилишида қатнашаётган қурувчиларга 704 та тиббий ходимлар, 1072 та алоқачилар хизмат кўрсатдилар [10,18].

Канал қурилишида санъаткорлар томонидан 2686 та концерт, 39 та постановка намоёниш этилди. Ушбу томошаларни кўришга жами 4 миллион 700 томошабин келган. Бундан ташқари бутун канал трассаси бўйлаб 40 та кўчма кино кўрсатиш установакалари фаолият олиб борган. Ушбу кино установакалар билан 53 номдаги кинофильмлар намоёниш этилиб, жами 1500 сеанс кинофильмларни 1 миллион 700 минг томошабин томоша қилди [8,113].

Канал 45 кунда қуриб битказилди. Каналнинг ўзани Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларининг ҳудудларидан ўтган бўлиб, Ўзбекистонни 32 та пахтакор туманларини, 5 та шаҳрини, Тожикистоннинг 4 та туманида жумладан, кам сувли дарё ҳисобланган Хожабақиргон сувлари билан деҳқончилик қилинадиган Хўжанд ва Нау туманларининг ерларидаги сув тақчиллигига 1940 йилда қурилиши давом этирилган Катта Фарғона канали ишга туширилиши билан барҳам берилди ва Хожабақиргон суғориш тизимидаги сув таъминоти тубдан яхшиланди.

Катта Фарғона каналининг қурилиши билан Фарғона водийсининг марказий қисмида жойлашган тарихий манбаларда “Қорақалпоқ чўли” номи билан зикр этилган, марказий Фарғона чўли ерларини ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги айланмасига киритиш имконига эга бўлинди. Ўша даврда нашр этилган илмий тарихий адабиётларда, канал қурилишида елкама-елка туриб иштирок этган қардош халқларнинг меҳнат жасорати туфайли бунёд этилган каналнинг қурилиши “халқлар дўстлигининг ёрқин тимсоли” [4,407] сифатида эътироф этилди. Хорижий олимлар асарларида эса, канал қурилиши “оммавий-жисмоний меҳнат”дан фойдаланиш йўли билан қурилган суғориш иншооти деб баҳо берилган [11,172].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Фарғона водийси меҳнаткашлари томонидан қўлланилган анъанавий хашар усули билан Катта Фарғона каналининг бунёд этилиши, водий суғорма деҳқончилигида мавжуд бўлган суғориш иншоотларнинг сув таъминоти яхшилади ҳамда янги кўрик ерларни ўзлаштиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (асосан пахта хом ашёсини) миқдор жиҳатидан орттиришга эришилди.

Фарғона водийси қардош халқларининг бунёдкорлик меҳнати эвазига қурилган суғориш иншоотларидан энг йириги ҳисобланган Катта Фарғона канали мустабид тузум ҳукмронлиги даврида унинг манфаатлари йўлида хизмат қилган бўлса, мустақилликка эришилгандан сўнг канал ўзининг сувлари билан мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида катта аҳамият касб этиши билан бирга Фарғона водийси суғорма деҳқончилик тарихидаги қардош халқларнинг катта сув учун олиб борган меҳнати жасоратининг ёрқин намунаси сифатида муносиб ўрин эгаллайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек; “Буюк тарихда ҳеч нарса исиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [12,29].

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях. Т. 2. –Т.: 1988. – С. 912.
2. Аминова Р. Великое народное движение в ирригационном строительстве Узбекистана (1939-1940 гг.). –Т.: 1957. - С.384.
3. Правда Востока. // 1939. 8-февраль.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарк, 2001. – 687 Б.
5. Ирригация Узбекистана. Т.1. Т.: “Фан”, 1975.- С.352.
6. Третьяков Е. Народные стройки // Гидротехника и мелиорация. -Т., 1977. № 9. - С.13-19.
7. Ибрагимов Ю.И. Из истории борьбы коммунистов Узбекистана за строительство БФК //Труды САГУ. –Т.: 1958. – С.171-177.
8. Тиллабоев А. Келажакка мактублар (Хотиралар, ёдномалар, кўчирмалар, насиҳатлар) Т.: “Шарк”, 2004. -158 Б.
9. Абдулхамидов А. Орошение в предгорьях Узбекистана. Исторический и экологический аспекты традиционного земледелия .-Т.: “Фан”, 1990.-С.176.
10. Романов Ю. Прекрасное творение народа // Сельское хозяйство Узбекистана. 1980. № 2. -С.17- 21
11. Geoffrey Wheeler. The modern history of Soviet Central Asia. -London, 1964. - P. 172.
12. Мирзиёев Ш. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. I. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. -592 Б.

ЎУК: 93/94

## ХИВА ХОНЛИГИДА 1916-ЙИЛГИ ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛONI ТАРИХИДАН ЛАВХАЛАР

Х.М.Отегенов, ўқитувчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

**Аннотация.** Мақолада Хива хонлигидаги 1916-йилги халқ қўзғолони тарихига оид янги материаллар ва хулосалар берилган. Ушбу воқеалардан 100 йил ўтган бўлса-да қўзғолон тарихи долзарб муаммо бўлиб турибди. Мақолада янги архив ҳужжатлари, халқ ижоди намояндлари ва дала ёзувлари илмий муаммолага киритилади.

**Калим сўзлар:** Хива хонлиги, 1916 йил, халқ қўзғолони, Асфандияр хон, Авежсон хўжа, Хужайли, Мангит, Қипчақ, Колосовский, жадиждлар, Жунаид хон

**Аннотация.** В статье даны новые материалы и выводы по истории народного восстания 1916 года в Хивинском ханстве. Хотя и прошло сто лет после этих событий, тема является актуальной и сейчас. В статье введены в научный оборот новые архивные документы, произведения народного творчества и полевые записи.

**Ключевые слова:** Хивинское ханство, 1916 год, народное восстание, Асфандияр хан, Авежсон ходжа, Ходжсейли, Мангит, Кипчак, Косовский, Джунаид хан

**Abstract.** The article presents new materials and conclusions on the history of the popular uprising of 1916 in the Khiva khanate. Although a hundred years have passed since these events, the topic is still relevant today. The article introduces new archival documents, works of folk art and field records into scientific circulation

**Keyword:** The khanate of Khiva, 1916, a popular uprising, Asfandyar Khan, Evasion Hodge, Khodzheily, Mangit, Kipchak, Kolosovsky, Junaid Khan

Халқимизда яқин ўтмиш тарихий воқеаларига кизиқиш ортиб бормокда. Мақолада Хива хонлигида 1916 йил халқ қўзғолонининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий заминини ёритиш, моҳияти ва тарихий аҳамиятини очиб бериш мақсад қилиб қўйилган.

Биринчи жаҳон уруши Россия империясининг бошқа халқлари сингари, Хива хонлиги аҳолиси учун ҳам талофат келтирди. Иш қидириб кетганлар Хива хонлигида 20 000-га яқин бўлган. Маҳаллий аҳоли хонадониди ишлаётган деҳқонлар, хизматкорларнинг йиллик иш ҳақи ҳамма жойда бир хил бўлмаган. Бу деҳқонларнинг кадри, ишсиз деҳқонларнинг сони кўп ёки камлигига боғлиқ бўлган. Деҳқонларнинг оладиган иш ҳақи ўртача йилига 6-7 тилла танга, 8-10 ботмон ғалладан ошмаган [1].

Хива хонлигининг оғир солиғи ва бийлардан ҳар томонлама азоб кўрган халқнинг турмуш даражаси “Қорақалпоқ” тарихи шеърисида аниқ акс эттирилган [2].

1914 йили Хива хони урушга 100 тон (тулуп) берган бўлса, 1915 йилнинг декабрь ойида 10 000, 1916 йилнинг сентябрида 200 000 сўм ёрдам берган. 1916 йилнинг охирларида Хива бозорида дон топилмаган. 1915 йилдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотлари 3,4 баробар қимматлашган, кийим-кечак нархлари эса 100-300 фоизга ошган, бу халқнинг янада абгор бўлишига олиб келди [3].

Натижада 1915 йилда халқ ғалаёнлари бошланиб кетди. 1915 йилдаги ғалаёнларда фақат туркманлар иштирок этган бўлсалар, 1916 йилдан хон ҳукумати ва мустамлакачиларга қарши курашга хонликнинг бошқа аҳолиси ҳам қўшилди.

Асфандиёрхоннинг ҳарамига бекликлардан қизлар тўплаш ҳақида фармони хонлик аҳолиси ўртасида ғалаён бошланиб кетишига туртки бўлди. Хон малайлари туган соябон арава қайси қишлоққа борса, шу ерда кимнинг чиройли қизи бўлса зўрлик билан хон саройига келтирилди [4]. Хоннинг бундай ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари халқнинг сабр косасини тўлдириб юборди.

Тақсимот маълумотларига кўра, 1916 йил январининг илк кунларида хон саройига 2 қиз олиб келинган: бирининг ёши 15 да бўлиб, исми Энажон эди. У Хўжайли шаҳрида яшовчи, миллати қорақалпоқ бўлган қассоб Дўстниёз Юсуповнинг қизи эди. Бошқаси эса 14 ёшли бўлиб, исми Айман бўлиб, у Манғит қишлоғида яшовчи ўзбек миллатига мансуб Жаббор темирчи Полвоновнинг қизи эди. Бир неча кундан сўнг ҳар иккала қизнинг жасади яширин тарзда ота-оналарига олиб борилган. Уларнинг иккаласи ҳам хон нағмаларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатгани учун хон ҳарамиди ўлдирилган. Ичкиликдан маст бўлган хон қизларнинг бирини ўз қўли билан буғиб ўлдирган бўлса, бошқаси хон табиби томонидан заҳарлаб ўлдирилган.

1916 йилнинг 8 январиди Хўжайли беклигида яна қизларни мажбуран олиб кетиши мумкин деган хабар билан Хўжайли шаҳар, унга яқин ҳудудлардаги деҳқонлар кўзғолон кўтара бошлади [5].

Ҳикматулло оталиқ овули атрофидаги деҳқонлар Боғибекнинг ҳовлиси атрофларига тўпланиб, эски Хўжайли шаҳри томонга юради. Хўжайлининг эски шаҳрига кираверишда Қизил кўприкнинг ёнига ҳар томондан тўпланган шаҳар ва қишлоқ аҳли ҳам қўшилган.

Йўл бўйи кўзғолончилар ичидан Тиломурод «кал» сингари ҳайбатли сардорлар чиқа бошлайди. Кўзғолончилар амалдорларнинг Хива хони, вазирлари, туркман бойларининг фуқароларнинг номусига тегиш ҳолатларини чеклашни талаб қилган. Хўжайли беги Авазжан хўжага кўзғолончилар шартини қабул қилиш жуда оғирлик қилди.

1916 йил 14 январда Хўжайли беги 300-500 одамга яқин намойишчилар билан Хивага йўл олишди. Уларга Қипчоқ, Манғит, Порси, Кят, Тошқишлоқ ва бошқа жойлардаги намойишчилар қўшилиб, уларнинг сони 2000-3000га етди. 18 январда Хива томонга Шомми Кал бошчилигида пилта милтиқ, сойли милтиқ ва қилич билан қуроолланган 1 500 суворий юриш бошлади.

1916 йил 14 январда Манғит, Шоҳобод, Қипчоқ, Гурлан бекликларидан кўплаб ўқотар ва асосан совуқ қурооллар билан қуроолланган исёнчилар Хивага етиб келадилар. Подшо қўмондонлигининг расмий маълумотларга кўра, кўзғолончиларининг умумий сони 10 000 кишидан иборат эди. Уларнинг 6 000 тасидагина ўқотар қурооллар бор эди. Исёнчиларнинг етакчилари орасида яқдил фикр йўқ эди. Уларнинг айримлари хонга норозиликларини етказиш учун вакиллар сайлаб саройга жўнатиш керак деса, бошқалари хонга суиқасд уюштиришни таклиф қиладилар.

Амударё бўлимининг бошлиғи полковник Колосовский маълумотига кўра, кўзғолончиларнинг мақсади Асфандиёрхонни қатл этиб, Жунаидхонни хон қилиб кўтариш бўлган [10]. 1916 йил 7 январда Россия Ташқи ишлар департаменти эълон қилган ахборотномада: “Ёвмуд қабилиси, агар Хива хонлиги қўл остидан бутунлай ажралиб чиқса, ўзига Жунаидни хон қилиб, ташқи алоқаларида Туркияни танлаган бўлар эди”, - деган жумлалар бор эди [7].

Исёнчилар ёрдам сўраб туркманлар сардори Жунаидхонга мурожаат қиладилар. Жунаидхон Хива хони ва туркман сардорлари ўртасидаги ихтилоф эпкинлари чоғида сиёсий-ҳарбий майдонга чиқди.

Жунаидхонга Янги Урганч аҳолиси 50 минг сўм, ҳокими Абдурахмон Бакколов 18 минг сўм товон пул тўлайдилар. 10 февралда Жунаидхон Хивага қараб йўл олади. 12 февралдан 13 февралга ўтар кечаси қаттиқ жанглардан сўнг Хива шаҳрини қўлга киритадилар. Қалъада жойлашган рус қўшинлари билан кўзғолончилар ўртасида отишма бўлади. Асфандиёрхон ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун 36 минг сўм тўлайди. Бир неча туяларга қимматбаҳо ўлжаларни юклаб, 15-20 чоғли отлик кузатувида хон тахтининг омадсиз даъвогари Жунаидхон Қорақумга яшириниб, аввал Эрон томонга, сўнг Афғонистон томонга ўтиб кетди. Унинг қочиб кетиш сабабларидан бири кўзғолончилар уни кўзғолон пайтида субутсизлик қилгани ва сотқинлиги учун ўлдириш дағдағаси билан хавф солишганди.

Кўзғолончилар Хивани ҳар томондан ўраб, пойтахт ва Урганчни боғловчи телеграфларни кесиб ташлашди. Жумладан, полковник Колосовскийнинг 5 февраль куни Тошкентга жўнатган телеграммасида: “Ўтган тунда туркман отлиқлари томонидан Хива ва Урганч атрофидаги бой хиваликларга тегишли 12 та кўрғон талон-тарож қилинди. Манғит ва Қиличбой шаҳарларидаги беклар, иккита оқсоқол жойидан олиб ташланди ва хос навкарлари қўлга олинди. Миш-мишларга кўра, эртага Урганчни талаш белгиланган. Ҳамма ерга соқчи отлиқлар қўйиб чиқилган”, деб ёзган эди.



Полковник Колосовский тасарруфида 4 та замбарак ва 4 та пулемет билан қуролланган 300 дан 400 гача солдати бор эди.

Қўзғолончилар хон вазирлари Абдуллабой, Шихназарбой, Матвафо Баққоловнинг, кўплаб йирик савдогарларнинг ва ҳатто хон вазир, ёш хиваликлар етакчиси Хусайнбек Матмуратовларнинг уйларини ҳам талон-тарож қилишди. Улар хон харами ертўласидан хон ясуллари бошлиғи Абдурахмонбойни, хон вазирлари Матвафо Баққолов ва Абдуллабойларни топишди. Улар шаҳар ташқарисига олиб чиқилиб, отиб ташланди.

Шундан сўнг, 13 февралнинг туш пайтида хон зиндонини эгаллаб олиб, барча қамокқа ташланганларни озодликка чиқардилар.

Колосовскийнинг буйруғи билан Аўезжанхўжа, Маҳмудхўжа ва Клёт, Манғит, Гурлан бекликлари вакилларидан иборат қўзғолон раҳбарларидан етти киши ҳибсга олинди. Бошқаларга эса уйларига қайтишга буйруқ берилди.

Бу пайтда Хивада бўлган Амударё бўлими бошлиғи полковник Колосовский қўзғолонни бостириш учун Туркистон генерал-губернаторидан кўп сонли қўшин юборишни сўрайди. Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи билан Сирдарё вилояти губернатори генерал-лейтенант А.С.Галкин [8] бошчилигидаги катта қўшин Хива хонлигига жўнатилади. 14 февраль куни Хивага етиб келган отрядда 3 та дружина, 600 қозоқ аскарлари, 3 та пулемёт батареяси ва бир пулемёт командаси бор эди. 17 февраль куни Қорақум саҳросига чекинган туркманларни таъқиб қилиш ҳақида буйруқ берган А.С.Галкин Жунаидхон қўшинларининг Эронга ўтиб кетишига имкон берганлиги ҳужжатларда қайд этилади.

Галкин 15 мартдан жазо экспедициясини бошлайди. Генерал Галкин хонлик аҳолисини даҳшатга солиш ва рус қуроли кучини кўрсатиб қўйиш учун бутун Хива хонлигини айланиб чиқди. Россия қўшинлари шаҳар ва қишлоқларда қўзғолон иштирокчиларини жазолаш билан шуғулландилар.

1916 йилнинг апрелида жазолаш отряди раҳбари Галкин қўзғолончиларнинг бошловчилари сифатида 11 нафар одамни дорга осиб қарорига келди. Бу қарорни Хива хони ҳам қўллаб-қувватлади. Бу нохуш хабарни эшитганларнинг шашти тушиб кетди. Шу сабабдан Хўжайлидаги қўзғолон раҳбарларини дарғазаб қилиш вақтлари Хўжайли шаҳрини қамал қилиш бўйича буйруқ берилди. Қўзғолон раҳбарлари ҳозирги Хўжайли шаҳрига кираверишдаги мактабга яқин жойда дорга осилган.

Халқ орасида сақланиб қолган тарихий шеърлардан бири – “Аўезжан”. Бу шеърнинг тарихи Хива хони Асфандиёрхоннинг қиз масаласидаги зуғумларига қарши Хўжайли ва Манғит пунктларидаги 1916 йилнинг 10 январдаги халқ қўзғолонлари билан боғлиқ бўлган.

“Аўезжан” шеърида Авазжаннинг зулм билан дорга осилгани, болаларнинг эрта етим қолганлиги, барча мол-мулки подшоликка мусодара қилинганлиги, унинг халқ учун жонини фидо қилганлигини халқ яхши хотирлайди.

Жунаидхон қочиб кетгач, на генерал Галкин, ва на бошқа подшо қўмондонлигининг вакиллари уни тутиш учун бирор-бир жиддий ҳаракатлар қилишмади. Аксинча, Тахта туманига келиб, генерал Галкин, туркманлардан шафқатсиз ўч олиб, уларнинг уйларини ёқишни ва талашни буюрди. Галкин ўзининг расмий маърузалари ва маълумотларида Хива қўзғолончиларидан осилган, отилган, чопилганларнинг сони, талон-тарож қилинган бойликлар, ёқилган уйлар ва қўрғонларнинг миқдорини яширишга ва камайтиришга ҳаракат қилганлигини тушунса бўлади.

Хўжайли шаҳрининг 100 000 сўм жарима тўлаши билан бу қўзғолон мағлубият билан тугайди. Халқ бошига оғир кунлар келди. Халқ бахти учун қурбон бўлганлар ёди бугунги кунда ҳам халқ оғзаки ижодида марсиялар сифатида сақланиб келмоқда. Шулардан:

Аўезжан, Маҳмуджан халықтың гүли  
Молла Қудайберген исенген беги,  
Он бири кеткели сыныпты гүли  
Хожели шаҳриниң шайда бүлбили,  
Беглер дар астында кетти, найлеймиз [9],

Бу марсияда Авазжан ва бошқа дорга осилган одамларнинг ўз даврида адолатли раҳбар, салобатли инсонлар бўлганлиги ифодаланган.

Бу қўзғолонга алоқаси бор деб ҳисобланганлар Сибирга сургун қилинган. Шулардан бири Қутлихўжанинг (Қорақумдаги эшоннинг) набираси Сирожиддин эшоннинг фарзанди Идирис эшондир (1846-1926). Ислом динининг марказларидан бири Куфа шаҳрига (Сурия) қорақалпоғистонлик айрим эшонлар хат ёзган. У ердан Асфандиёрхонга: “Агар айтган гаплар тўғри бўлса, сизни йўқ қиламиз” – деган хат келган. Асфандиёрхон бу хатда Идирис эшоннинг муҳрини кўриб, уни таъқиб қилишга киришган.

Россия таркибида бўлганлиги сабаб Асфандиёрхон Амударё бўлимнинг бошлиғига: “Идирис эшонни сургунга жўнатиш керак, чунки у халқни Россияга қарши қайрамоқда, бошқа динларга уруш эълон қилмоқчи” – деган. Идирис эшон 1916 йилги Қорақалпоғистондаги подшоликка қарши кўзғолон ташкилотчиларидан бири, шунинг учун уни жазолашга ёрдам беришини маълум қилади.

1916 йили халқ кўзғолони мағлубият билан тугаб, унинг иштирокчилардан баъзилари дорга осилган, баъзилари Сибирга сургун қилинган бўлсада, бу кўзғолоннинг аҳамияти унинг халқ озодлиги учун бўлганлигида, халқ ор-номусини ҳимоя қилиб, турмуш тарзини яхшилаш учун курашганлигида намоён бўлади.

1916 йилги воқеага алоқадор Абдулла бийнинг, Кабил беклар бегининг уруғдошлари улар билан бирга руслар қўл остига қочиб ўтганлигидан жазодан омон қолишди. Шаҳарларда кўзғолон иштирокчилари намойишкорона қатл этилдилар. Илонлида 17 киши дорга осилди. Жазо экспедицияси йўлида учраган қишлоқ ва овулларни вайрон қилиб, кўплаб тинч аҳоли вакиллари йўлдирдилар. Жазо қўшинлари бутун хонлик бўйлаб тарқалган ҳолда йўл-йўлакай одамларни йўлдирдилар, пул ва мол-мулкни таладилар, уйларига ўт қўйдилар. Галкин босиб ўтган йўлдаги овуллар вайронага айланди. 1916 йилни халқ «Галкин йили» деб атади [6].

Жазо экспедициясига сарфланган маблағни ва аҳолига келтирилган зарарни қоплаш учун 3 ярим миллион сўм товон пули ундириб олинди [11].

Хонлик аҳолисига, биринчи навбатда, туркманлар оилаларига 4 млн. 554 минг сўм миқдорда ҳарбий ўлпон солинди. Жазо экспедицияси қарийб 2 ой давом этди.

Галкиннинг ўзи 1916 йил 12 июндаги 173-сонли маърузасида Хивага қандай кириб келганлиги ҳақида ҳикоя қилади. У: “Йўлда шаҳар деворларига қўйилган туркман назоратчи соқчиларини ва отлик кўрикчи бўлинмаларининг отишмаларини енгиб ўтиб, 15 феврал кечаси мен, беш кеча-кундуз давомида исёнчиларнинг бетиним хужумларни қайтариб турган полковник Колосовский отряди билан бирлашдим. Ярим тунга яқин исёнчиларнинг бирлашган қўшини бизга қарши ўқ отишни тўхтатди ва тонг арафасида шошинч равишда Хивани бўшатиша бошлашди”, деб ёзган эди.

Генерал Галкиннинг буйруғи билан асирга олинган 500 дан зиёд хивалик ва 200 га яқин туркман пойтахтда осилди. 14 март куни Галкин ўз кучини кўрсатиш мақсадида Хивада ҳарбий намойиш ўтказиб, унда 6-Оренбург казаклар полкининг 5 000 дан зиёд пиёда ва отлик солдатлари ҳамда 546-Қозон дружинаси 25та тўпи ва 30 та пулемети билан иштирок этди.

Генерал Галкин, жануби-ғарбий ва шимолий туманларни ва хонлик шаҳарларини кезиб чиқиб, 30 апрель куни Тошқовуз шаҳридаги қўнимгоҳида тўхтаб, у ердан Тошкенга: “Аҳолига бутун Хива хонлигида бузилган тартиб ўрнатилмагунча рус отрядлари шу ерда қолишини исботлаш учун мен отрядим билан фақатгина айрим, кўзғолон даҳл қилмаган Қўнғиротдан ташқари бутун шаҳарларни, айланиб чиқиб, отряднинг асосий ҳаракати йўлида таланган мол-мулкларни топиш, кўзғолончиларни ҳибсага олиш ва жазолаш учун алоҳида экспедицияларни жўнатдим”, деб хабар юборади.

2 май куни генерал Галкин Тошкентга: “Хонликдаги тартиб аввалгидек узил-кесил тикланди. Яқин йиллар ичида туркманлар бошқарувдаги тартибни бузади деб шубҳаланишга ҳеч бир асос йўқ. Жазо экспедициясини деярли яқунланган деб, ҳисоблаш мумкин”, дея маълумот берди.

Орадан уч кун ўтгач, 3 май куни Галкин ва Исфандиёрхон Тошқовуздалик пайтида Манғит, Гурлан ва Урганч туманларининг ўзбек аҳолиси ва туркманлари иштирокида подшо қўшинларини Хива хонлиги ҳудудидан чиқариб юборилишини ва Исфандиёрхонни тахтдан ағдарилишини талаб қилиб яна ғалаёнлар кўтарганлиги ҳақидаги янги хабарларни олишди. Галкин ўша туман ва шаҳар устига юриш қилиб, уч кунини мазкур ҳаракатни бостириш учун сарфлашга мажбур бўлди. Бошқа жойларда бўлгани каби, бу ерларда ҳам аҳолини ваҳшийларча жазога тортди: Манғит шаҳрида Жаббор темирчи бошчилигидаги 11 кишини, Гурланда 7 ва Урганчда 14 кишини дорга остирди.

Кўзғолон куч билан бостирилган бўлса-да, рус мустамлакачи ҳукумати мақсадига эриша олмади. Халқ норозилиги тўхтамади, вазият янада кескинлашди. Халқнинг хонга ва рус мустамлакачи ҳукуматига нисбатан нафрати янада ошди. 1917 йил Амударё бўлими бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига Хива хонлигидаги вазият ҳақида маълумот юбориб, «Ҳозир ҳаммаси аввалгидек қолган, хонга нисбатан халқнинг нафрати янада кучайган. Фақат бир нарса амалга оширилди бу рус куролли кучига қўрқув ва ишонч уйғотилди. Ҳозирча фақат шунгагина суяниш мумкин» [12].

1916 йилги Хива кўзғолонининг алоҳида эътиборга эга томонларидан бири шунда эди-ки, хон ҳукуматининг адолатсиз миллий сиёсат олиб боришига ва рус ҳукуматининг хонликдаги халқлар ўртасига аввалдан низо солишга қилган ҳаракатларига қарамай ўзбек, туркман, қозоқ ва қорақалпоқ халқлари хон ва мустамлакачи ҳукуматга қарши курашда бирлаша олдилар. Шунингдек, кўзғолончилар 1873 йилдан кейин биринчи марта рус қўшинларига қарши очиқдан-очиқ жанг олиб бордилар. Чунки улар «бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан» деган фикрга келган эдилар. Кўзғолон

етакчилари якдил фикрда бўлмадилар, аниқ ва белгиланган ҳаракат дастурига ҳам эга эмасдилар. Шунга қарамай, кўзғолон натижасида хонлик аҳолисининг сиёсий фаоллиги сезиларли даражада ошди.

1916 йил кўзғолон бостирилгандан сўнг Россия ҳукумати Хива хонлигида ўз ҳукмронлиги ва хон ҳукуматини ҳимоялаш мақсадида ҳарбий қисм жойлаштириш, шунингдек, хонликни Россия таркибига қўшиб юборишга тайёрлаш учун ҳарбий комиссар тайинлашга қарор қилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Төреев А. XIX асирдиң акыры XX асирдиң басында қарақалпақ үлкесинде дийханлар ҳаракети. — Нөкис, 1991. 45 бет
2. Қожықбаев Ғадилбай. Тарийхый қосықлар (Тарийхый қосық ҳам аңызлардың басқа жанрларға қатнасы ҳаққында). — Нөкис: Қарақалпақстан, 1980. 7 бет
3. Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги). —Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2007.125 бет
4. Сафаров Б. Хива хонлиги бўйича тарихий маълумотлар//ЎзР ФА ШИ қўлғезмалар фонди инв. № 10231. 40-6.
5. Төреев А. Қарақалпақстанда 1916-жылғы халық көтерилиси. - Нөкис: Қарақалпақстан, 1967. 13 бет
6. Непесов Г. Из истории Хорезмской революции. - Тошкент: Госиздат, 1962, Б. 626.
7. Қўшжонов О., Дурдиева Г. Хива хонлиги туркманлари (Тарихий лавҳалар рисоласи). Хива, 2008
8. Галкин Александр Семенович (1855 -1920). Маълумоти: Киевдаги Владимир ҳарбий гимназияси (1871), Михайловский артиллерия билим юрти (1874), Бош штабнинг Николаевский академияси (1884). Амударё бўлими бошлиғи (20.05.1896-27.02.1903), Амударё қўшинлари қўмондонлигига юборилган (27.08.1896-1.09.1899). Сирдарё вилояти Ҳарбий губернатори (1.02.1911-1916)
9. Есбергенов Х. Дала жазыўлары. 1996, №1,4, 6, 7.
10. УзР МДА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 1104-иш, 148-варақ
11. УзРМДА. И-1-фойд. 31-рўйхат. 1104-иш, 69-варақ
12. УзРМДА. И-1-фонд, 12-рўйхат. 1950-иш, 54-варақ.

УДК: 433-(12)

#### ЗАРУБЕЖНЫЕ ИСТОРИКИ О МЕСТЕ СРЕДНЕАЗИАТСКОГО КОНФЛИКТА В СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ XIX ВЕКА

*О.А. Раджабов, магистрант, Национальный университет Узбекистана, Ташкент*

**Аннотация.** Мақолада “Катта ўйин” сиёсати номини олган инглиз-рус рақобатчилигининг XIX асрдаги халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва бу масаладаги хориж тарихчиларининг фикрлари ёритилади.

**Калит сўзлар:** “Жахон империяси”, лорд Пальмерстон, Қрим уруши, Сайгон, Қошғардаги Ёкуббек давлати

**Аннотация.** В статье освещается роль англо-русского конфликт под названием «Большая игра» и его роль в сфере международных отношений в XIX веке и подходы зарубежных историков на эту тему.

**Ключевые слова:** «Территориальная империя», лорд Пальмерстон, Крымская война, Сайгон, Якуббекское государство в Кашгаре.

**Abstract.** The article covers the role of English-Russian confliction in the field of international relations in the XIX century and the views of foreign historians on this subject.

**Key words:** “Territorial empire, lord Palmerston, Crimean war, Saigon, Yakubbek’s state in Kashgar.

Современные зарубежные историки полностью отошли от локального анализа англо-русского конфликта в Средней Азии в XIX в. Они стремятся расширить рамки «большой игры» и связать его прямо с глобальными проблемами международных отношений. Английский историк, старший преподаватель университета в Глазго Д.Гиллард дал наиболее развернутую картину механизма действия «большой игры». Победа над Наполеоном, отмечает он, выдвинула Россию и Англию как две главные державы в мировой политике [1]. Ни одна держава в мире не могла сравниться с ними по военной мощи, природным ресурсам и влиянию на мировую политику. Даже французский император Наполеон III и германский кайзер Вильгельм II, армии которых на европейском континенте превосходили английскую и российскую, всегда раздражением обнаруживали, что их влияние не выходило за пределы европейского континента.

Д.Гиллард считает, что основы «большой игры» были заложены в период между 1798 и 1818 гг, когда Россия и Англия были ведущими силами в антинаполеоновской коалиции и когда устранение главного соперника в Азии-Наполеона позволило им заняться расширением своих империй. Россия

теперь могла заниматься решением судьбы Османской империи и Персии, а Англия завершить завоевание Индии и консолидацией здесь своих владений.

Творцы английской внешней политики рассматривали Англию как «мастерскую мира» и «территориальную империю» в Евразии, тогда как Россия рассматривала Европу как центр своей политики, а к Азии относилась как к периферии мировой политики. «Великобритания, – пишет Д.Гиллард, – вписывалась в общую картину, как мощная держава, чье влияние на ход европейской политики должно было быть под тщательным наблюдением, но которая не представляла непосредственной угрозы России». Империи обоих государств, казалось, были в безопасности, а Азия представлялась слишком большой, чтобы допустить здесь коллизии между двумя державами. Азия к тому же, в это время имела незначительное место в мыслях русских императоров и британских дипломатов.

Британские политические деятели начали активную кампанию по активизации политики в Средней Азии. Их инициатором и вдохновителем стал лорд Пальмерстон, премьер-министр, выдвинувший идею относительно опасности, которая угрожает Индии при каждом шаге вперед, сделанном Россией. Пальмерстон поставил во главу угла своей программы Хиву. Он считал, что, завладев Хивой Россия получит командное положение над Амударьей, которая в будущем может привести её к границам Индии. В связи с этим, как противовес российской агрессии, он предложил сделать краеугольным камнем внешней политики Англии Османскую Турцию и вправить её в средство борьбы против России в Азии. Эта универсальная концепция сводилась к тому, что всякая попытка России решить османский вопрос должна была наталкиваться на противодействие Англии, которая в свою очередь должна была расценивать всякое продвижение русских против владений Османской империи как угрозу Индии.

Крымская война явилась важным этапом на пути осуществления концепции Пальмерстона. Она расширила рамки «большой игры» и продемонстрировала, что Англия начала решительную борьбу за Азию. Но Д.Гиллард отмечает, что обе стороны и Англия и Россия – увидели здесь, что «большая игра» за господство в Азии могла быть решена лишь при содействии большинства европейских стран и главным образом наиболее влиятельных – Франции, Австрии и Пруссии. С другой стороны, по его мнению, Крымская война навсегда превратила Англию в главного врага России.

Англия попыталась воспользоваться поражением России и разом решить всю азиатскую проблему. Теперь она чувствовала себя здесь полноценной хозяйкой, которая может без помех прибрать к рукам все, что ей было нужно. Уже спустя несколько месяцев после окончания Крымской войны она начала в Азии сразу две двойне-С Персией и Китаем: Война с Персией началась в ноябре 1856 г и завершилась в марте 1857 г. Персидские войска были легко разбиты. Персия была объявлена «авангардом» русских войск и вновь была использована индийская карта и русская угроза Индии. Почти одновременно началась война в Китае, но в отличие от Персии здесь война затянулась почти на четыре года. Все же в октябре 1860 г. английские войска вступили в Пекин. Теперь очередь была за Россией.

В 1855 г. скончался русский император Николай I и его место занял его наследник Александр II. Его главной внешнеполитической задачей был подрыв антирусской крымской коалиции. Это было сделать нетрудно, т.к. сразу после окончания войны возобновился традиционный антагонизм среди бывших союзников- Англии и Франции. Трудней было с другой задачей – укрепление границ, уязвимость которых показала прошедшая война. Здесь было четыре главных проблемы- Черное море, Польша, противодействие британским интригам на Кавказе и азиатские границы.

Назначение в 1856 г. князя А.М. Горчакова на должность канцлера России было важным поворотом во внешней политике России. Бывший посол в Англии, А.М.Горчаков считал первоочередной задачей России восстановление влияния в Европе, и главные надежды его были связаны с Францией.

Вместе с тем определилось и другое направление в российской внешней политике. Ближайший советник императора князь А.Барятинский выдвинул идею, что главный враг России – Англия должна сосредоточить свои силы главным образом против неё. По его мнению, Россия должна была сконцентрировать войска в Азии и отсюда угрожать английским владениям в Азии. Россия могла бы получить выгодные стратегические позиции [2]. Д.Гиллард пишет, в связи с этим: «Александр II склонялся к позиции А.Барятинского относительно ситуации в Азии. Он верил в британскую угрозу и рассматривал активность Англии в Азии как тщательно рассчитанные действия, чтобы нанести непоправимый ущерб русской мощи и влиянию. Он считал необходимым принять контрмеры».

В целом концепция Д.Гилларда отражала идеи и подходы подавляющего большинства историков запада, которые занимаются проблемой англо-русских отношений в Средней Азии. С теми или иными незначительными отклонениями она принята ныне в западной литературе и наиболее серьезные исследователи стремятся строго придерживаться её основных положений.

Профессор Блумингтонского университета (Индиана) Барбара Джелавич поддерживает точку зрения о приоритете в российской внешней политике Европы и Ближнего Востока. Оборона российских западных границ, пишет она, была жизненно важным «для существования русского государства». Поэтому российские правящие круги всегда считали себя частью европейской цивилизации; Ближний Восток также привлекал русское внимание из-за державного отношения православия. «Константинополь, а не Самарканд, Дели и Пекин, - подчеркивает она, - возбуждали воображение русских и пробуждали её страстный энтузиазм» [3]. В связи с этим войны и завоевание на востоке, хотя и создавали военных героев из генералов, тем не менее не могли компенсировать потерь на западе. Кроме того, русский престиж, пошатнувшийся в Крымской войне 1856 г., требовал победы на Ближнем Востоке или континентальной Европе, а не приобретения дополнительных азиатских территорий» [4].

Для усиления своих аргументов она приводит один очень важный довод, который до сих пор не использовался ни в русской, ни в английской литературе - влияние панславизма на определение внешней политики России. Поражение в Крымской войне нанесло не только военное поражение России, - пишет Б. Джелавич, но и тяжелый удар по русской национальной гордости. Оно пробудило панславистское движение, целью которого было утверждение лидерства России среди славянских народов, их освобождение от власти Габсбургов и Оттоманов и организация в политическое единство, тесно связанное с Петербургом.

Английский профессор К.Миддлтон рекомендует связать среднеазиатскую проблему с общей структурой международных отношений в XIX в. и обе проблемы рассматривать во взаимосвязанной динамике. Обе державы в Средней Азии, пишет он, двигались навстречу друг другу, и было очевидно, что их встреча неизбежна, но обе преследовали свои собственные цели, обе искали здесь разрешение их антагонизма, раздиравшего их в Европе. Русские не делали секрета, пишет он, что угроза Индии казалась им эффективным средством удерживать англичан от вмешательства в русские интересы повсюду и особенно на Балканах. «Индийская граница создавала уязвимый пункт Англии, - считает он, и у русских были все основания использовать его пока обе нации оставались антагонистами» [5].

Таковы основные положения новой концепции, сформировавшейся в последние четверть века в отношении англо-русского конфликта в зарубежной литературе. Она является значительным шагом вперед в исследовании вопроса и отказом от прежних конфронтационных подходов. Взаимные подозрения и обвинения ныне преодолены и теперь цель заключается в преодолении её слабых сторон и устранении их так, чтобы в конечном счете научные интересы возобладали над практическими и политическими.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Gillard D. The Struggle for Asia: 1828-1914. L.1980. p.64.
2. Rieber A.J. "The Politics of Autocracy. Letters of Alexander II to Prince A.I. Baryatinsky. 1857-1864. Paris, 1960. P.71-72
3. Jeelavich B.V. St. Petersburg and Moscow Tsarist and Soviet Foreign Policy 1814-1974. Bloomington, 1974, p.172.
4. Хидояттов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии.-Ташкент, 1969.
5. Middleton K.W.B. Britain and Russia. In Historical Essay, London, 1982, p.74.

ЎУК 94(430).012

#### ЎЗБЕКИСТОНДА 1956-1960 ЙИЛЛАРДА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ ЖАРАЁНИ: РЕЖА ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

*Б.Н.Ризаев, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро*

*Аннотация. Ушбу мақолада 1956-1960 йилларда Ўзбекистонда вилоятлараро аҳолини кўчириш режаси ва амалиёти масалалари архив ҳужжатлари асосида тадқиқ этилган.*

*Калит сўзлар: вилоят, кўчириш сиёсати, режа, колхоз, совхоз, қарор, амалиёт, янги ер, пахтачилик, галла, уй-жой, моддий турмуш, кўчирилганлар аҳволи*

**Аннотация.** В статье на основе архивных документов рассматриваются вопросы переселения населения между областями Узбекистане в 1956-1960 гг

**Ключевые слова:** область, политика, переселения, план, колхоз, совхоз, распоряжение, практика, новая земля, хлопководство, зерно, дом, материальные быт, состояние переселенных.

**Abstract:** The article deals with issues of population Resettlement between the regions of Uzbekistan in 1956-1960 based on archive documents.

**Keywords:** region, policy of resettlement, plan, collective form, state form, decree, practice, new land, cotton, growing, grain, house, material culture, conditions of the resettled.

XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан Совет давлатида қишлоқ хўжалиги соҳаси ва тармоқларини замонавий асосда комплекс ривожлантириш, унинг негизида қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашга ихтисослашган алоҳида саноат зоналарини шакллантириш мўлжалланди. Ушбу мақсадни амалга оширишда янги ерларни ўзлаштириш орқали ғалла, пахта, чой каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган янги колхоз ва совхозлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Министрлар Совети ва КПСС Марказий комитетининг 1956 йил 11 сентябрда СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий кенгашини “Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРда пахта етиштиришни кўпайтириш учун чўл худудларидаги қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш” тўғрисида қабул қилинган қарорининг ижроси юзасидан махсус қарор қабул қилди. Қарорда Ўзбекистонда 1956 йилда 3 та совхоз, 1957 йил 2 та совхоз, 1958 йил 4 та совхоз, 1959 йил 5 та совхоз, 1960 йил 1 та совхоз ва 1961-1962 йиллар мобайнида 8 та янги совхоз ташкил этилиши белгиланган[1]. Ушбу қарор Республика аҳолисини янги ерларга режа асосида кўчирилишига эътиборни кучайтиришга туртки беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1951-1955 йиллар давомида амалга оширилган янги ерларга аҳолини кўчириш тадбирларида етарлича тажриба йиғишга муваффақ бўлган эди. Жумладан, 1951-1955 йилларда жами: 42.075 хўжалик режа асосида янги ерларга кўчирилди. Шундан 35.563 хўжалик колхозларга, 6515 хўжалик совхозларга кўчирилган. Бу даврда асосий ва жиддий муаммога айланган кўчирилган аҳолини уй-жой билан таъминлашда ҳам маълум даражада ижобий силжишлар кузатилган. Кўчирилган оилалар учун барпо этилган уй-жойларнинг жами сони: 33.206 мингтани ташкил этиб, шундан, колхоз базасида 29.857 та совхозларда 3349 уй-жой фойдаланишга топширилади [1:2].

1956-1960 йиллар республикада янги ўзлаштирилган колхоз ва совхозларга 49500 нафар аҳолини кўчириш режалаштирилди. Юқорида қайд этилган йилларда кўчирилиши режалаштирилган хўжаликлар сони, ўтган беш йил давомида кўчирилган умумий хўжалик сонидан 7.425 нафарга кўпайтирилди ёки 6,5 фоизга оширилган. Шундан 40.000 хўжалик колхозлар худудига, 9.500 хўжалик совхозларга кўчирилиши лозим эди. Табиийки кўчирилган оилаларни уй-жой билан таъминлаш режаси 50.500 тага оширилиб, колхозлар базасида 41.000, совхозлар учун 9.500 уй-жой қурилиши режалаштирилди [2: 3].

Республикада меҳнат ресурсларини тенг тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида миграциянинг мавсумий, маятник ва доимий кўринишларидан фойдаланилган. Шунингдек, иттифокдош республикалар ўртасида ва Ўзбекистонда амалга оширилган миграция йўналиш билан бирга режали ва ихтиёрий миграция шакллари гувоҳи бўлиш мумкин.

Биз Республикада аҳоли миграциясини вилоятлараро режалаштириш ва унинг бажарилиши хусусида фикр-мулоҳаза юритишга уринамиз.

1956-1960 йилларда вилоятлараро аҳолини кўчириш режаларини белгиланиши ва амалга оширилишини рақамларда аниқ кўрсатиш жуда мураккаб. Аҳолини кўчириш тадбирлари бир неча босқичда амалга оширилган бўлиб, ҳар бир чора-тадбирнинг самарали амалга оширилиши режани аниқ бажарилишини таъминлаши мумкин бўлган. Мисол учун 1957 йилда кўчирилишни сўраб 9600 хўжалик мурожаат қилган, шундан 1567 хўжалик танлаб олинган бўлса, 1070 хўжалик кўчирилган[3:21]. Қабул қилинган хўжаликларнинг аниқ сонини амалда кўрсатишни иложи йўқ. Қуйида келтириладиган жадвалда 1956-1960-йилларда вилоятлараро аҳолини кўчириш режаси ва унинг бажарилиши акс эттирилади[4:6,5:128, 6:50,7:108,8:396,9:4].

## 1956-1960 йилларда Республикада аҳолини кўчириш режаси

Аҳоли кўчирилган вилоятлар	Режада		Амалда, фоизда		Жами фоизда
	Колхоз	Совхоз	Колхоз	Совхоз	
Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд	6500	200	88,4	11,6	75
Андижон, Наманган, Фарғона	5200	4000	-	-	5,2
Фарғона, Андижон, Наманган Самарқанд	250	1250	-	-	-
Самарқанд, Қашқадарё	800	200	-	-	28,5
	<b>12750</b>	<b>5650</b>			

1956 йилда янги ташкил этиладиган колхоз ва совхозларга аҳолини кўчириш масаласи етарлича муҳокама этилиб, қатъий назоратга олинган бўлса-да режа 75 фоизга бажарилди. Янги жойларга кўчириб борилган аҳолини танлаб олиш жараёнида уларга берилган ваъдалар, яратилган имконият ва шароитлар бу натижага эришишда муҳим аҳамият касб этади. Лекин, янги ерларни ўзлаштирилиши билан алоқадор вазирлик, муассаса, ташкилотлар объектив ва субъектив сабабларга кўра ўзларига юклатилган вазифани белгиланган муддатда бажара олишмаган. Оқибатда, янги ҳаёт бошлаш илинжида чўл ва чала чўл худудларига кўчирилган хўжаликларни ястаниб ётган улкан кум барҳанлари-ю, вақтинчалик яшаш учун ҳозирлаб қўйилган палаткалар қарши олади. Бу ҳолат кўчирилган хўжаликлар руҳиятига салбий таъсир қилиш билан бирга, уларда иккиланиш ва хавотирни уйғонишига сабаб бўлади.

Натижада 1957 йилда режа 5,2 фоизга аранг уддаланди. Бу ҳолат барча манфаатдор вазирлик ва марказий органларда жиддий муҳокама қилинган. Кўчириш режаси бажарилиши ачинарли ҳолатга келишига Совхозлар вазирлиги, шаҳар ва колхоз қурилиш вазирлиги, қишлоқ хўжалиги вазирлиги, пахтачилик вазирлиги, давлат режа кўмитаси, давлат молия вазирлиги ва бошқа мутасадди идораларнинг ўз ишларига совуққонлик билан қараши натижасида содир бўлганлиги таъкидланади.

Ўтган йиллардаги мувоффақиятсизликларга қарамасдан 1958 йил учун аҳолини кўчиришга мўжалланган қарор шовша-шошарлик билан қабул қилинган. Ўзбекистон Марказий давлат архивида бу йилда белгиланган режани ижросига алоқадор бирор ҳужжатни учратмадик. 1958 йилдаги режанинг бажарилиши юзасидан архивда расмий ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги билан бир қаторда 1959 йил 2 декабрда Ўзбекистон Министрлар Советининг 892-сонли қарори қабул қилинди [10:4]. Мазкур ҳолатдан шуни англаш мумкин бўлади-ки, 1958-1959 йилларда аҳолини кўчириш тадбирларини ўтган йилда аниқланган камчиликларнинг салбий таъсирида амалга ошириш имкони бўлмаган.

1960 йилга келиб аҳолини кўчириш режасининг 28 фоизга бажарилишига қарамасдан, мигрантлар билан боғлиқ ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар талайгина эди. Жумладан, вилоятдан вилоятга аҳолини кўчириш катта маблағ талаб қиларди, транспорт муаммоси, мигрантларнинг ноқулай табиий иқлим шароитига мослашиши, кўчирилган оилаларни расмийлаштириш жараёнидаги ноаниқликлар ва тартибсизликларни қайд этиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, 1956-1960 йилларда Республика вилоятларига аҳолини кўчириш режасини амалда бажариш имкони бўлмади. Юқорида келтирилган жадвалдан аҳоли пунктларига яқин ёки маданий зоналар билан ёнма-ён жойлашган колхозларга аҳолини кўчириш ишлари қисман ўзини оқлаганлигини кўриш мумкин. Аксинча, чўл худудларида янги ташкил этилаётган совхозларга аҳолини кўчириш режаси муваффақиятсизликка учраган. Мавжуд ҳолат республика ҳукумати томонидан атрофлича ўрганилиб, 1960-йиллардан бошлаб 1970-йиллар охирига қадар совхозларнинг инфратузилмасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилади. Шунингдек, бу даврда туманлараро миграцияни салмоғи ортиб борган.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. ЎзР.МДА.Р-2347-фонд, 1-рўйхат, 26-йиғма жилд, 2-варқ
2. ЎзР.МДА.Р-2347-фонд, 1-рўйхат, 26-йиғма жилд, 3-варқ
3. ЎзР.МДА.Р-837-фонд, 38-рўйхат, 75-78 йиғма жилд, 21-бет,
4. ЎзР.МДА.Р-837-фонд 39-рўйхат, 309-йиғма жилд, 6-варак;
5. ЎзР.МДА.Р- 2347-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд, 128-варак,
6. ЎзР.МДА.Р-2347-фонд, 1-рўйхат, 74-йиғма жилд, 50-варак;
7. Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 997-йиғма жилд, 108-варак
8. Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 1079-йиғма жилд, 396-варак
9. Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 1156-йиғма жилд, 4-варак.
10. Бухоро вилояти давлат архиви 1023-фон, 1-рўйхат, 1156-йиғма жилд, 4-варак
11. Правда Востока//1956 год 14 сентября №217 (9973)

ЎУК: 9(575,1)

**БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА УСТОЗ – МУРАББИЙЛАР ЭЪТИРОФИ:  
ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ (1991-2018 йй.)**

**Т.А. Хатамов, т.ф.н., Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда 1991-2018 йиллар мобайнида мактаб таълим-тарбиясида асосий бўгинни ташкил этувчи устоз-мураббийларнинг фидокорона меҳнатлари, уларнинг моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан олиб борилган ислохотлар ва амалга оширилган чора-тадбирлар илк маротаба архив ҳужжатлари ва илмий манбалардан фойдаланилган ҳолда тарихий жиҳатдан таҳлил этилди.

**Калит сўзлар:** Мустақиллик, ўқитувчилар, миллий таълим-тарбия, “Йил ўқитувчиси”, орден ва мукофотлар

**Аннотация.** В статье впервые на основе архивных документов и научных источников анализируются самоотверженный труд наставников, составляющий основное звено школьного воспитания в Узбекистане в 1991-2018 годах, их материально-нравственная поддержка, проблемы и реформы, а также осуществленные конкретные меры по их решению.

**Ключевые слова:** Независимость, учителя, национальное воспитание, «Учитель года», ордена и награды

**Abstract.** This article discusses the issues of self-sacrificing work of mentors, their material and spiritual support, which are the main components of school education in Uzbekistan between the years of 1991 and 2018, and the ongoing reforms in the field of their decision-making and the measures undertaken for the first time historically have been analyzed using scientific sources.

**Key words:** Independence, teachers, education and national upbringing, reward and order “Teacher of year”

Истиқлол йилларида давлатимиз томонидан таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, шу жумладан, мактаб таълимини ривожлантириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларга бўлган эътиборни тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилсак энг аввало тарихий воқеа сифатида 1996 йил 27 декабрда “Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг[1, 67] қабул қилиниши юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатининг қанчалик юксак қадрланиши ва эътирофини кўрсатди. Фармонлар ва қарорлар асосида таълим муассасаларининг 119,775 нафар ўқитувчи-ходимларига ўзлари яшаётган давлат ва ташкилотлар тасарруфидаги уйлар хусусийлаштирилиб берилди. 38,879 нафар ўқитувчилар шахсий қурилиш учун ер майдонлари билан таъминландилар. Берилган барча имтиёزلардан республиканинг халқ таълими тизимида хизмат қилаётган устоз-мураббийларнинг 489,256 нафари баҳраманд бўлди.

Ўқитувчиларимизга шаҳарларда турар-жой ва маиший хизмат учун тўловлар 50 фоиз чегирма билан, қишлоқ жойларда эса, бу тўловлардан тўлиқ озод этилган ҳолда коммунал хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Биргина 1999 йилда шаҳар жамоат транспортидан имтиёзли фойдаланаётган мактаб ўқитувчиларининг сони 83 минг 343 нафарни ташкил этди[2].

Шунингдек, ўқитувчи-педагог ходимларда ижодкорлик, изланувчанлик хислатларини шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан республика доирасида кўрик-танловлар ва кўргазмалар ташкил этилди. “Йил ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши мактаб психологи” ва шу каби кўрик-танловларни ўтказиш анъанага айланди, танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Масалан, “Йил ўқитувчиси-2001” республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловида Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактабининг она-тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Раҳима Мирҳолиқова қатнашиб 1-ўринни эгаллади ва Президентимизнинг махсус совғаси “Тико” автомашинаси билан тақдирланди[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 сон қарори[4] замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларини ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит ва имкониятлар бермоқда.

Чет тили ўқитувчилари Давлат тест маркази томонидан доимий равишда синовдан ўтказилиб, уларнинг маошига қишлоқ жойларда 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорида кўшимчалар бериб борилмоқда. Жами 47 та узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида чет тиллар



ўқитувчилари ихтисослиги бўйича етишмайдиган кадрларни тайёрлаш учун 200 нафар абитуриентлар олий таълим муассасаларига мақсадли қабул қилинди.

Хукуматимиз томонидан тизимда фаолият кўрсатаётган фидоий, жонкуяр ва ўз касбининг устаси бўлган изланувчан педагогларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида бир қатор имтиёзлар берилди.

Жумладан, қишлоқ жойларидаги умумтаълим мактабларида ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устамалар тўлаб келинмоқда.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари, концерт мейстерлари ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари 2012 йил 1 январдан бошлаб 20 фоизга оширилди[5].

Педагог ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида ҳукумат томонидан кўрилган амалий саъй-ҳаракатлар натижасида 2004 йил 1 январга нисбатан 2009 йил декабр ҳолатига таққослаганимизда ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи 4,8 баробарга оширилганини кўраемиз.

2004 йил август ойида комиссиялар ҳулосаларига кўра умумтаълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган жами 422,210 нафар ўқитувчилардан 70,126 нафари (16,6 %) га касбий маҳорати учун, 60,604 (13,7 %) нафарига тарбиявий ишлар учун ойлик маошларига кўшимча устама ҳақи белгиланди[6]. Устамалар белгиланган ўқитувчиларнинг энг кўп миқдори Наманган вилояти умумтаълим мактабларида қайд этилган бўлиб, вилоятнинг 55,9 фоиз ўқитувчилари кўшимча имтиёзга эга бўлганлар. Ўқитувчиларнинг умумий сонига нисбатан энг кам устама ҳақи белгиланган ўқитувчилар Жиззах вилояти таълим муассасаларида қайд этилган эди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларидаги бошланғич синф ўқитувчилари ва логопед-ўқитувчиларининг дарс соатлари ҳафтасига 20 соатдан 14 соатга, барча хилдаги умумтаълим мактаблари, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари (V-XI синфлари) ўқитувчиларининг дарс соатлари қисқартирилиши ҳисобига ойлик маошлари оширилди.

Ўрганилаётган даврда устоз ва мураббийларнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги фидокорона меҳнатини давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинганини ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Биргина 2004 йилда халқ таълими ходимларининг 413 нафари “Халқ таълими аълочиси”, 28 нафар “Халқ таълими ҳомийси” кўкрак нишони, 155 нафар халқ таълими фидоийлари эса вазирликнинг турли мукофотлари билан тақдирланиб қарийб 140 млн. сўмлик қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилган бўлса, “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан 161 нафар устоз-мураббийлар юксак мукофотлар билан тақдирландилар[7]. 2008 йилда ҳам 71 нафар педагог кадрлар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Шундан 9 нафари фахрий унвонлар билан, 22 нафари орденлар, 40 нафари эса медаллар билан тақдирландилар. 1991-2008 йилларда жами 3155 нафар ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак орден ва медаллари, 5 нафари эса “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони билан тақдирланди[8:7].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги [9:185-200] қарорига мувофиқ, 121,674 нафар бошланғич синф ўқитувчиларига ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасининг 20 фоизигача, 234,181 нафар ўқитувчиларга синф раҳбарлиги учун энг кам иш ҳақининг 100 фоизигача, 261,451 нафар ўқитувчиларга дафтар текширганлиги учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача, халқ ўқитувчисига энг кам иш ҳақининг 3 бараваригача, хизмат кўрсатган халқ таълими ходимига энг кам иш ҳақининг 1,6 бараваригача, фан докторига энг кам иш ҳақининг 70 фоизигача, фан номзодига энг кам иш ҳақининг 45 фоизигача миқдорида кўшимчалар бериб борилди. Бундан ташқари давлатимиз халқ таълими ходимлари иш ҳақларини мунтазам ошириб боришга эътибор қаратди.

Жумладан, ҳукуматимизнинг педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича изчил амалга оширган ишлари натижасида ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи 2006 йил 1 сентябрдан 2014 йил 1 сентябргача 1,2 бараварга оширилиб, устама ва кўшимчалар билан бирга ўртача иш ҳақи 1 млн. 235 минг сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ таълими тизимидаги методистлар иш ҳақи миқдорлари 1,5 бараварга ошириб тўланиши йўлга қўйилди [10].

Таълим муассасаларида давлат томонидан ўқитувчиларни моддий кўллаб-қувватлаш мақсадига қаратилган жамғармаларнинг тузилиши ҳам ўқитувчиларнинг турмуш шароитларини яхшиланишига хизмат қилди. 2007-2008 ўқув йили мобайнида республика миқёсида 9765 та умумтаълим муассасаларида “Директор жамғармаси” томонидан 441,670 нафар педагог ходимлардан 212,568 (жами ўқитувчи сонига нисбатан 48,1 %) нафарига устама ва моддий ёрдам тўлаш мақсадида жами 135 млрд. 310 млн. сўм маблағ сарфланди. Хусусан, касбий маҳорати учун 130,460 нафар ўқитувчига (жами ўқитувчи сонига нисбатан 30,4 %) 19,1 млрд. сўм, синфдан ташқари тарбиявий ишлари учун

102,931 нафар ўқитувчига (жами ўқитувчи сонига нисбатан 23,7 %) 11,1 млрд. сўм, мукофотлаш учун 13,8 млрд. сўм, моддий ёрдам учун 2,1 млрд. сўм, кутубхоначиларнинг 4241 нафарига 256,9 млн. сўм устама ҳақлари тўланди. 2008-2009 ўқув йилига келиб ҳукуматимиз томонидан халқ таълими муассасалари ўқитувчи-ходимлари иш ҳақи учун жами 1 трлн. 127 млрд. 589 млн. сўм, “Директор жамғармаси” учун эса 135 млрд. 310 млн. сўм ажратилди. Натижада 2009 йил декабр ҳолатига кўра ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи устама ва қўшимчалар билан биргаликда ҳисобланганда 328,696 сўмни ташкил этди[11].

Мамлакатимизда амалда бўлган таълим сиёсати ўқитувчи ва мураббийлар касбини улуғлаш, уларнинг обрў-эътиборини оширишга қаратилгандир. Шу боис мустақиллик йилларида таълим соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси ва фидокорона меҳнати учун 1997 йилдан 2016 йилгача жами 200 нафарга яқин бошланғич таълим ўқитувчилари юксак давлат мукофотлари билан, 2000 нафари «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, 4000 нафарга яқини вазирлик фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Бундан ташқари бошланғич синф ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақлари охириги 10 йил давомида (01.01.2006 й. – 01.01.2016 й.) 15,7 бараварга оширилди. Уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 918,0 минг сўмни устама ва қўшимчалар билан ҳисоблаганда ўртача 1 млн. 234 минг сўмни (2016 йил) ташкил этди. Бошланғич синф ўқитувчисининг ойлик иш ҳақи фан ўқитувчисининг ойлик иш ҳақидан ўртача 12,8 фоизга ортиқдир.

1991-2014 йиллар давомида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги жами 3954 нафар устоз ва мураббийлар турли давлат мукофотлари ва унвонлари билан тақдирланди. Шулардан 6 нафари «Ўзбекистон қаҳрамони», 122 нафари «Эл-юрт ҳурмати» ордени, 32 нафари «Фидокорона хизматлари учун» ордени, 301 нафар Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, 311 нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, 392 нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, 291 нафари «Меҳнат шуҳрати» ордени, 506 нафари I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени, 381 нафари «Дўстлик» ордени, 20 нафари «Жасорат» медали, 1351 нафари «Шуҳрат» медали ва бошқа давлат мукофотлари билан тақдирланди[12].

2016 йилда юртимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, чуқур билим ва касб-ҳунарга эга малакали кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун уч киши «Фидокорона хизматлари учун» ордени, 14 киши «Меҳнат шуҳрати» ордени, 3 киши II даражали «Соғлом авлод учун» ордени, 14 киши «Дўстлик» ордени ва 50 киши «Шуҳрат» медали билан тақдирланди[13].

2018 йил 14 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарори асосида ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Шу жумладан, умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари 2018 йил 1 сентябрдан бошланғич синф ўқитувчилари учун 1,1 бараварга, юқори синф ўқитувчилари учун ўртача 1,24 бараваргача, директор, унинг ўринбосарлари ва ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилди.

2019 йил 1 январдан олий тоифали ўқитувчилар учун 1,25 бараварга, биринчи тоифали ўқитувчилар учун 1,2 бараварга, иккинчи тоифали ўқитувчилар учун 1,15 бараварга, мутахассис ўқитувчилар учун 1,1 бараварга, директор, унинг ўринбосарлари, ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилди.

Устамалар, синф раҳбарлиги ва дафтар текширганлик учун тўланадиган тўловларни ҳисобга олган бошланғич синф ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари тоифалар бўйича ўртача ҳисобда 24 фоиздан 39 фоизгача, юқори синф фан ўқитувчиларининг базавий тариф ставкаси 37 фоиздан 49 фоизгача, мактаб директори ва уларнинг ўринбосарлариники ўртача 27 фоизга, ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилариники ўртача 26 фоизга оширилди.

Шунингдек, мактаб психологларининг базавий тариф ставкалари 2018 йил 1 сентябрдан мутахассис ўқитувчилар базавий тариф ставкаларининг 90 фоизига тенглаштирилди ҳамда 2019 йил 1 январдан 1,1 бараварга оширилди. Натижада мактаб психологларининг базавий тариф ставкалари 96 фоизга ошди.

Қарорда ҳудудий, республика ва халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрларга энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 50 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартибини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари қарорда ҳар йили қишлоқ ва шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш дастурлари асосида қурилаётган уй-жойларнинг бир қисмини халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга 25 йил муддатга имтиёзли ипотека кредити сифатида бериш, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида педагог ходимларнинг оила аъзоларига имтиёзли кредитлар бериш, автотранспорт воситаси сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун кредитлар бериш белгиланди.

Қарорда 2018-2020 йилларда педагогик касбининг юксак ижтимоий мавқеи ва обрўсини тарғиб қилувчи “Ўқитувчи ва мураббийлар хийбонлари”ни ташкил этилиши белгиланди.

Қарорнинг яна бир ўзига хос жиҳати 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари, шу жумладан ихтисослаштирилган мактаблар, санъат ва маданият мактаб-интернатлари, олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда академик лицейлар битирувчиларига олтин ва кумуш медалларни бериш тартиби жорий қилинди[14].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги, «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» 998-сон қарори билан “Халқ таълими фидойиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низом тасдиқланди. Кўкрак нишони билан халқ таълими соҳасида фидокорона меҳнат қилган ҳамда халқ таълими соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган фуқаролар тақдирланади. Нишон ҳар йили Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами арафасида Халқ таълими вазири томонидан тантанали вазиятда топширилади. Нишон билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдоридagi бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади[15].

Ўрганилган тарихий даврга оид таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва мураббийлар моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги ислохотларни амалга оширишда давлатимиз бош ислохотчи бўлиб келган. Бугунги кунда давлатимиз раҳбариятининг халқ таълими ходимлари ва устоз-мураббийларини янада рағбатлантиришга бўлган алоҳида эътибори сабабли юртимиз мактабларидаги ўқитувчилар фаолиятида кўтаринки кайфият ва ижодкорлик руҳиятининг ортишига ҳамда таълим ислохотларининг янги босқичларга кўтарилишига хизмат қилмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.-Тошкент, 2008. -Т.1. -Б. 67.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жорий архиви (бундан буён ЎзР ХТВ) 3845-фонд. 64-рўйхат, 9-иш, 75-76-варақлар. 14-иш, 23-25-варақлар.
3. “Маърифат” газетаси. 2001, 18 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875 сон қарори [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. ЎзР ХТВ жорий архиви. 3125-фонд. 13-рўйхат, 54-иш, 5-18-варақлар.
6. ЎзР ХТВ жорий архиви. 2935-фонд. 21-рўйхат, 39-иш, 55-63-варақлар.
7. Халқ сўзи. 2004 йил, 2 октябрь.
8. Таълим тараққиёти журнали. 2009 йил 5-сон, Б. 7.
9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.-Тошкент, 2008. Т.1. -Б. 185-200.
10. ЎзР ХТВ жорий архиви. 2315-фонд. 54-рўйхат, УМББ бошқармаси ҳисоботлари. 37-иш, 56-68-варақлар.
11. ЎзР ХТВ жорий архиви. Молия бўлимининг ҳисоботлари. 74-иш, 3-21-варақлар, 54-иш, 16-17-варақлар.
12. ЎзР ХТВ жорий архиви. 2354-фонд. 52-рўйхат, 62-иш, 18-29-варақлар.
13. ЎзР ХТВ жорий архиви. 3561-фонд. 14-рўйхат, 11-иш, 62-74-варақлар.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» 998-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## ЖАҲОН ДИНЛАРИ ИБОДАТХОНАЛАРИНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

*И. Ҳайдаров, таянч докторант, Ўзбекистон Халқаро ислом академияси, Тошкент*

**Аннотация.** Мақола жаҳон динлари ибодатхоналарига бағишланган. Унда масжид, черков ва буддавийлик ибодатхоналари айрим ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ёритилган.

**Калим сўзлар:** Дин, жаҳон динлари, буддизм, христианлик, ислом, ибодатхона, черков, масжид, Будда, Исо Масиҳ, меҳроб, алтарь, руҳонийлик, роҳиб, целибат.

**Аннотация.** Статья посвящена сравнительному анализу храмов в мировых религий. В ней сравниваются схожие и отличительные черты храмов в мировых религиях.

**Ключевые слова:** Религия, мировые религии, буддизм, христианство, ислам, храм, церковь, мечеть, Будда, Иисус Христос, алтарь, священство, священник, целибат.

**Abstract.** The article is devoted to a comparative analysis of temples in world religions.

**Key words:** Religion, world religions, Buddhism, Christianity, Islam, temple, church, mosque, Buddha, Jesus Christ, altar, priesthood, priest, celibacy.

Дин инсон ҳаётини тартибга солувчи омил. Дин мажбурият бўлиб, у эътиқод қилувчиларга баъзи амалларни бажаришни буюрса, айрим ишларни бажаришдан қайтаради. У ёки бу динни танлаш инсонга ана шу дин қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилишни, муқаддас манбаларидаги кўрсатмалар асосида шаклланган кундалик, ҳафталик ибодатлар, йилда бир маротаба тантана қилиниши лозим бўлган байрам ва муқаддас кунлар билан боғлиқ маросимлар ҳамда умр давомида бир маротаба бажариладиган маросимларни бажариш мажбуриятини юклайди.

Барчамизга маълумки, диний анъана ва маросимлар ибодатхоналарда ўтказилади. Ушбу мақолада жаҳон динларида ибодатхоналарнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Жаҳон динлари деб дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва ирқидан қатъи назар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динларга айтилади [8:15]. Унга буддавийлик, христианлик ва ислом динлари қиради. Буддавийлик жаҳон динлари ичида энг қадимийси саналса [2:124], христианлик эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради [12].

Христианлик ва ислом динлари яққахудоликка асосланган бўлса, буддавийликда илоҳ ҳақида тушунча мавжуд эмас [4:96]. Бу эса ўз навбатида мутахассислар томонидан ушбу фалсафий таълимотни диний деб аташ мумкинми деган ўринли савол туғилишига олиб келган. Шунини айтиб ўтиш керакки, ислом таълимотига кўра, худо ҳеч бир мавжудотга ўхшатилмади [8:24:11]. Христианликда эса, худо инсонни ўзининг шакл-шамоилига биноан яратган. “*Худо инсон зотини яратганда, уларни Ўзига ўхшаган қилиб яратган эди*” [5:1:26.]. Шунингдек, христианликда худо 3 кўринишга эга бўлиб, у ипостасъ – “Муқаддас учлик” (Ота-худо, Ўғил-худо-Исо ва Муқаддас Рух) ақидасига таянади.

Христианликда ибодатлар (чўқинтириш каби айрим маросимлар бундан мустасно) фақатгина черковда, руҳонийлар бошчилигида бажарилиши талаб этилса, исломда маросимларни масжидда бажариш афзал саналади. Христианликдан фарқли равишда ибодатларни уйда бажаришса, ибодат қабул бўлади. Буддавийликда бу ҳолат ўзгача шаклда намоён бўлади. Биринчидан, Будданинг фалсафий таълимоти диний таълимот сифатида қабул қилинган бўлсада, аввалига унда эътиқод қилувчилар томонидан кундалик, ҳафталик, йиллик ёки умр давомида бир маротаба бўлса ҳам бажарилиши талаб этилган ибодат, диний анъана ва маросимлар, хайр-эҳсон қилиш, қурбонлик қилиш ҳамда байрамларни тантана қилиш тизими мавжуд бўлмаган. Иккинчидан, Будда бу дунё азоб уқубатлардан иборат эканлиги, азоб-уқубатларнинг сабаби ва ечими борлиги ҳақидаги қарашлардан иборат бўлган “Тўрт ҳақиқат” ва Пратимокша – одобсизликни енгиб ўтиш [7:154.], қармани бошқариш борасидаги ғояни илгари сурган. Учунчидан, буддавийликда Будда тимсолини илоҳийлаштириш кейинчалик шаклланганини инобатга олсак, ибодатхона ва унда бажарилаётган ибодат ва маросимлар тизими кейинчалик бошқа диний таълимотлар таъсирида шаклланганини кўриш мумкин.

Христианликнинг муқаддас манбаси “Библия”да ибодатхона (“Скиния”) қурилиши, таърифи, тарихи, унинг таркибий тузилиши, ундаги диний атрибутларнинг мазмун-моҳияти ҳақида, шунингдек, манбада нафақат маъбаднинг шакл-шамоили, балки уни қуришда фойдаланиш лозим бўлган қурилиш моллари борасидаги кўрсатмалар ҳам батафсил баён этилган бўлса [5: 25:8-31], ислом дининг муқаддас манбаси Қуръони Каримда насронийликдан фарқли равишда ибодатгоҳни

каерга ва қандай қурилиши, унинг таркибий тузилиши, ундаги ибодат атрибутларининг шакл-шамоили ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кўрсатмалар келтирилмаган. Масжиднинг таркибий қисми ва қурилиши тўғрисидаги кўрсатмалар ҳадислар билан тартибга солинган. Ушбу масала буддавийликда ўзгача шаклда намоён бўлади. Буддавийлик муқаддас манбаси “Трипитака”да ибодатхона қурилиши борасида ҳеч қандай кўрсатмалар учрамайди. Манбада диний жамоа “Сангха”ларни бошқариш бўйича кўрсатмалар келган. Бироқ, мазкур қоидалар ҳам мутлоқ ўзгармас кўрсатма сифатида қабул қилинмаган. Чунки, Будда ҳаётлик чоғида ўзининг фалсафий таълимоти борасида фикр юритишга чорлаган. Рус буддологлари Т.В.Ермакова ва Е.П.Островскаяларнинг фикрига кўра “Буддавийликнинг асоси ҳар бир эътиқод вакили томонидан бажарилиши лозим бўлган маълум бир диний қоида ва кўрсатмалар, одоб-ахлоқ нормаларидан иборат эмас. Бақли, ҳар бир инсон ўзини-ўзи бошқара олиши ва керак бўлганда ушлай олиши лозим бўлган одоб-ахлоқ қоидаларига тарғиб қилади”. Шунинг учун Будда ўз таълимотида фалсафий музокаралар олиб боришга тарғиб қилган [7: 154-158.]. Бундан кўриниб турибдики, буддавийлик таълимотининг асоси нирванага эришиш бўлиб, бироқ уни ҳар қайси тўғри услуб билан бажарса бўлади.

Христианлик ва ислом динларида ибодатхонани номлаш учун бир атама: христианликда черков [3:316] (маҳаллий ва уй ибодатхоналари бундан мустасно), исломда масжид [6:298] номлари қўлланилса, буддавийликда ибодатхонанинг номи йўналишга қараб турлича номланади. Япон буддавийлигида ибодатхона гаран, тэра, дэра ва дзи деб, қалмиқ ва туваликларда хурул (хурал – йиғилиш) деб, бурятларда дуган, Тибетда дацан деб номланган бўлса, Мўғилистонда улар хурэ (хүрээ), сумэ (сүм), хийд (хийд) каби номлар билан аталганини кўриш мумкин.

Японияда ибодатхона 寺 – дзи иероглифи билан қайд этилади. Ушбу иероглиф икки ҳил тарзда талаффуз қилинади. Агар ибодатхона унинг асосчиси ёки у жойлашган ҳудуд номига аталган бўлса, 寺 – дзи иероглифи тэра ёки дэра деб ўқилади. Асука-дэра – Асука ҳудудида жойлашган ибодатхона, Киёмидзу-дэра – Киёмидзу шаршараси яқинидаги ибодатхона, Татибана-дэра – Татибана сулоласи асос солган ибодатхона кабилар шулар жумласидан. Агар ибодатхона маълум илоҳга бағишланган бўлса, унда 寺 – дзи иероглифи ўз холича талаффуз қилинади. Якусидзи ибодатхонаси табиб-Будда Якуси номига атаб қўйилган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, айрим ибодатхоналар подшоларга атаб қурилади. Унинг номланиши подшолар бошқарув давридан далолат беради. Энрякудзи ана шундай ибодатхоналар сирасига киради. Энрякудзи атамаси Энряку хукмронлик давридаги ибодатхона маъносини англатади. Шу билан япон Будда ибодатхоналарига нисбатан 伽藍 - гаран атамаси ҳам ишлатилади [10]. У санскрит тилидаги «сангхарама» атамасидан олинган бўлиб, қисман истиқомат қиладиган жой, жамоавий яшаш маскани деган маънони англатади. Бу атама Японияда қадимги ибодатхоналарга берилган бўлиб, бундай ибодатхоналарга Ганго:дзи-гаран киради [11].

Жаҳон динларида ибодатхоналарни уч турга ажратиш мумкин. Биринчиси, жамоавий ибодатга мўлжалланган (одатда шаҳарларда) “катта ибодатхона”, иккинчиси, якка ёки оз сонли жамоа билан маълум бир ибодатларни бажариш имкониятига эга бўлган “маҳаллий” ибодатхона. Учинчиси, эса “уй ибодатхона”лари.

Ислом динида ибодатхоналарнинг икки кўриниши (маҳаллий ва катта) мавжуд бўлса, христианлик ва буддавийлик динларида ибодатхоналарнинг юқоридаги уч кўринишдан барчасини учратиш мумкин.

Исломда масжид икки: маҳаллий ва жоме масжидлардан иборат бўлиб, маҳаллий масжид деб оз сонли жамоага мўлжалланган, меҳробли, минбарсиз масжидга айтилади. У асосан кундалик беш вақт намозни ўқишга мўлжалланган бўлса, жоме масжидларига меҳроб, минбар каби ибодат атрибутларига эга бўлган, катта жамоа билан жума ва бошқа ибодатларни бажариш имконияти мавжуд масжидлар киради.

Христианликда маҳаллий ибодатхона деб якка ёки оз сонли жамоа билан айрим ибодатларни бажаришга мўлжалланган кичик ҳажмдаги меҳробсиз черковга айтилади. Бундай маъбадлар православликда “Часовня”, католикларда “Капелла” [18] деб аталади. Кичик ҳажмдаги бундай черковлар одатда қабристонларга, қишлоқларга, йўл четларига алоҳида бино сифатида қурилади. Шуни айтиб ўтиш керакки, православларда “Часовня” иконастась билан жиҳозланган бўлса, католикларда “Капелла” Исонинг хога миҳланган ҳайкалчаси ўрнатилганини кўриш мумкин.

Христианлар уйда ибодат учун бир хона ажратиб, уни иконастась, аналой, санок чўплари ҳамда шамдон билан жиҳозлайдилар. Христианликда уй ибодатхонаси ҳам меҳробсиз бўлиб, унда

христианлар якка ёки жамоавий тарзда кундалик ва айрим байрамлар билан боғлиқ ибодат ва маросимларни бажарадилар [13].

Ушбу анъанани ўзига хос кўринишини буддавийликда ҳам кузатиш мумкин. Уй ибодатхоналари атамаси буддавийликнинг айрим йўналишларига хос бўлиб, ушбу анъана ҳиндуйлик ва синтоийлик каби миллий динлар таъсирида шаклланган. Узоқ Шарқ давлатларидаги Будда тарафдорлари ўзлари яшаб турган уйнинг бир хонасига буздан – меҳроб ўрнатиб, уй ибодатхонаси ташкил этганлар. Одатда меҳроб уйнинг жануби ёки шарқий деворига ёруғ ва қулай бурчакка ўрнатилади. Буздан кичик ҳажмдаги икки эшикли жавон. Унда Будда тасвирланган сурат (хондзон) ва ҳайкалчалар, ширин тутатқи ва уларга мўлжалланган шамдонлар, қўнғироқчалар каби ибодат атрибутлари сақланади. Одатда жавон эшиклари ёпиқ ҳолда бўлади. Ибодат жавони байрам кунлари очилади [14].

Христианликда ибодатхона асоси маълум диний (базилика – нажот кемаси, ротонда – доира ва хоч) рамзлар асносида қурилса, буддавийликда эса, христианликдан фарқли равишда ибодатхона асоси тўртбурчак шаклда қурилади. Ислом динида аксинча, ибодатхонани қуришда айнан бир шакл танланмай ҳолат ва имкониятга қараб қулай тарзда қурилаверилади.

Христианликда ҳар бир белгининг маъноси бор. Масалан, базилика – нажод кемасини рамзи саналиб, чекровга келган ҳар бир зиёратчи Нуҳ пайғамбар бошчилигидаги қавм буюк тўфондан айнан кема ёрдамида нажот топгани каби черковда нажод топишига ишонади. Шунинг учун айрим ибодатхоналар базилика – кема рамзи асносида қурилади [9:146.].

Ротонда доира ёки ярим доира шаклидаги гумбазли бино. У Яратган билан боғланиш макони деб тарифланади. Ратонда доирасимон бўлиб, унинг асосий қисми (*неф* католикларда) (*наос* православларда)га тўғри келади. Неф (католик) ёки наос (православлик) атамалари христианликда ибодат қилишга мўлжалланган черковнинг ўрта қисмига қўлланилади. Одатда черковнинг асосий гумбази ибодатхонанинг ўрта қисмига тўғри келади. Черковлар ратонда шаклида 1810-1820 йилларда қурила бошланган.

Хоч рамзи христианликда миҳланган Исо Масих тимсоли сифатида қабул қилинади. Христианлик таълимотига мувофиқ Исо Махис инсонларнинг гуноҳини ўз зиммасига олиш мақсадида ўзини қурбонликка келтирган. Шунинг учун хоч тимсолида қурилган ибодатхона нажот топиш маскани деб эътиқод қилинади.

Мусулмонлар ибодатни муқаддас саналган Каъбага юзланган ҳолда бажарганликлари [1:2:144] сабабли масжид меҳроби Каъба тарафга ўрнатилса, черковда меҳроб шарққа [17], буддавийлик ибодатхонасида эса, меҳроб шимол ёки жанубга қаратиб ўрнатилади [15].

Буддавийлик ва христианлик динларида руҳонийларсиз амалга оширилган ибодатлар қабул қилинмайди. Ушбу икки жаҳон динларида руҳонийлик диний лавозим ва мансаб сифатида эътироф этилиб, хаттоки руҳонийлик иерархиясига эга. Уларда руҳонийлик мартабалари мавжуд бўлиб, роҳибликка эркак ва аёллар бирдек қабул қилинади. Шунингдек, роҳибларнинг махсус ибодат либослари белгиланган бўлиб, махсус руҳонийлик либосларисиз бажарилган ибодат ва маросимлар қабул қилинмайди. Айрим руҳонийлар (католик ва православликда) целибат – турмуш қурмаслик аҳдини берадилар.

Исломда диний лавозим, ибодат либослари, руҳонийлик мартабалари деган тушунча йўқ бўлсада, мусулмонлар диний анъана ва маросимларни ислом кўрсатмалари асносида, белгиланган тартибда бажаришларини таъминлаш учун масжидда имом, ноиб имом, мутавалли ҳамда муаззин каби масчит хизматчилари фаолият олиб боради. Исломда аёл кишига имомлик вазифаси юклатилмайди.

Христианлик ва буддавийликда меҳроб алоҳида диний атрибутлар билан жиҳозланса, ислом динида эса, аксинча, меҳроб ҳеч бир диний атрибутлар билан жиҳозланмайди.

Православликда черков меҳробидидаги атрибутлардан бири престол. Престол деб христианликда черков меҳробининг марказида жойлашган муқаддас столга айтилади. У христианлик таълимотига кўра, Исо Масихнинг сирли маскани ҳисобланади. Христианлар ипостасъ – худонинг уч кўринишидан бири – “Муқаддас Рух” престолда яшайди деб эътиқод қиладилар. У тахминан бир метр баландликда, тош ёки тахтадан тўрт бурчак шаклида қурилади. Христианликда ибодат ва маросимларни бажаришда фойдаланадиган престол катасарка ва индития (престол ёпинчиғи), “Хуш хабар” (Евангелие), антиминос, хоч, евхаристия маросимидаги айрим атрибутлар сақланадиган қути, чўқинтириш маросимида ишлатиладиган қути, еттители шамчирок, илитон (евхаристия маросимидан

кейин оғизни артишга мўлжалланган дастрўмол) каби ибодат атрибутлардан ташкил топган бўлади [16].

Христианлик ва буддавийлик таълимотларига кўра черков меҳробига фақатгина руҳонийлар киради, исломда эса, меҳроб буддавийлик ва христианликдаги каби алоҳида белгилар билан ажратилмаган ҳамда меҳробга кириш таъқиқланмаган.

Буддавийлик ва христианликда дин асосчиси, диний тарихий воқеа-ҳодисалар, илоҳ ва илоҳаларни расм ёки ҳайкалтарошлик ёрдамида тасвирлаш диний маданият даражасига кўтарилган бўлса, исломда Оллоҳни тасвирлаш, унга бир шакл-шамоил бериш у ёқда турсин, инсонни расмини чизиш ёки ҳайкалини ясаш қаттиқ таъқиқланади.

Христианликнинг Исо Масих мессия эканлиги, инсон туғма гуноҳкор бўлиб, Исо Масих инсон киёфасида дунёга келиб (Ўғил худо), “ўз кулларини” – Ер юзидаги инсониятни гуноҳдан халос этиш учун ўзини қурбон қилгани ҳамда Одам боласини ўзининг шакл-шамоилига биноан яратгани тўғрисидаги таълимоти [5:1:26.] кейинчалик динда Исони миҳланган ҳайкалини ясаш, суратларини чизиш маданиятини шаклланишига туртки бўлди десак муболаға бўлмайди. Бунга яққол мисол тариқасида католик черкови меҳробига ўрнатилган Исони хочга миҳланган ҳолдаги ҳайкалини ёки православлик черкови меҳробига иконастась ҳамда черков деворларига илинган азиз-авлиёлар иконасини келтириш мумкин. Шунингдек, православ черковининг шифтидаги христианлик тарихига оид тасвирлар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Исонинг ҳайкалини ясаш ва уни черков меҳробига ўрнатиш фақатгина католикларга хос бўлса, Исонинг суратини чизиш, турли иконаларга сиғиниш эса, православликнинг ўзига хос анъаналаридан саналади. Протестантлик йўналишида аксинча, иконаларга сиғиниш бидъат ва ширк ҳисобланиб, черков меҳробига Исонинг миҳланган ҳайкалини ўрнатиш таъқиқланади.

Ушбу анъананинг буддавийликда ўзига хос тарихи ва кўриниши бор. Биринчидан, буддавийликда Будданинг суратини чизиш ёки ҳайкалини ясаш ҳинд маданиятидан ўзлаштирилган бўлса, иккинчидан, буддавийликнинг реинкарнация ҳамда инсонларни ҳидоятга бошлаш учун будданинг бир неча маротаба қайта тирилиши ҳақидаги таълимоти будданинг турлича тасвирланишига олиб келган. Кейинчалик эса, ушбу анъана диний маданият даражасига кўтарилган. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида, яъни мазкур дин тарқалган мамлакат кўчаларида, шаҳарлар марказида, шунингдек, буддавийлик ибодатхонасининг меҳробига будданинг ётган, ўтирган ҳамда тик турган ҳолатларда тасвирланган ҳайкалини учратиш мумкин. Будда ҳайкалининг тасвирланишида минтақанинг аҳамияти сезилиб туради. Масалан, Ҳиндистон худудидаги Будда кўнғироқ сочли, юмалоқ кўзли, ғарибона кўринишга эга бўлган, қора танли озғин инсон сифатида тасвирланса, Бурятия ва Хитойдаги ибодатхоналар марказида жойлашган меҳробда буддистлар Буддани қисик кўзли, хитойликларнинг миллий кийимини кийиб олган, тўлишган, ҳаётда ҳеч қандай муаммоси бўлмаган, ўзига тўқ инсон кўринишида тасвирланганини кўриши мумкин.

Буддавийликда илоҳ ёки илоҳлар ҳақидаги таълимотнинг йўқлиги, шунингдек, унинг инсонларни азоб-уқубатлардан қутилиш йўллари ҳақидаги фалсафий таълимоти уни маҳаллий халқнинг эътиқоди ва диний тасаввурларини инкор этмасликка олиб келган. Натижада буддавийлик янги худудларга тез тарқалган. Шу билан бирга буддавийлик аҳолининг диний тасаввурлари билан қоришиб, янги кўринишларда намоён бўла бошлаган. Диннинг синкретизация жараёни асосан анимизм, фетишизм, шаманизм ва тотемизм каби диний тасаввурларга эътиқод қилувчи халқлар орасида кенг авж олган. Натижада япон буддавийлиги, корейс буддавийлиги, хитой буддавийлиги каби буддавийликнинг янги тармоқлари пайдо бўлган.

Ҳинд миссионерлари одамларни ибодатхоналарга жалб қилишнинг энг яхши йўлини топганлар. Улар халқнинг эътиқодини инкор қилмаган ҳолда ибодатхоналар барпо этиш ва уларда аҳоли томонидан ҳурмат қилинган ва муқаддас деб топинилган илоҳ ва илоҳларнинг тасвирини нақш ва расм ёрдамида деворларга чизиш билан бирга, лой, сопол, мис, кумуш ва олтин каби турли металллар ёрдамида ҳайкалларни ясаб, ибодатхона меҳробига ўрнатиш орқали аҳолини ибодатхонага кенг маънода жалб этган бўлсалар, кейинчалик эса, маъбадга келган инсонларни даъватлар воситасида буддавийлик динига тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратганлар. Бунга мисол тариқасида Корея, Япония, Хитой будда ибодатхоналарида бир вақтнинг ўзида кўплаб илоҳларнинг тасвирланганини келтириш мумкин.

Хитойда бир вақтнинг ўзида бир нечта (буддавийлик, даолик ҳамда ҳиндуийлик) илоҳ ва илоҳларга бағишланган ибодатхоналар қурилган. Бундай ибодатхоналарда илоҳларни жойлаштиришда ҳам ўзига хослик сезилиб турган. Биринчидан, бир ибодатхонада бир нечта динга

оид илоҳларнинг тасвирланиши мазкур динлар Хитой ҳудудида фаолият юритаётганидан далолат берса, икинчидан, Хитойдаги Будда ибодатхоналарида конфуцийлик, даолик ҳамда ҳиндуйлик илоҳларининг ҳайкали илоҳийлаштирилган Будда тимсолига нисбатан тобелик асосида тасвирланади. Бу ибодатхонада будда учун меҳробнинг марказидан жой ажратилиши ёки Будданинг тик турган ҳолда қолганларнинг эса ўтирган ҳолда тасвирланишида намоён бўлади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан хулоса сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Биринчидан, кўпмиллатли, поликонфессионал давлатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда диншуносликка оид билимларнинг ўрни катта. Диншуносликка оид билимларни диннинг таркибий қисми ҳисобланган ибодатхона, ибодат, диний анъана ва маросимлар, маъбад таърифи ва тахири, унинг таркибий тузилиши, ундаги рамз ва ибодат атрибутларининг мазмун-моҳиятини ўрганмай туриб эгаллашнинг имкони йўқ.

Иккинчидан, ибодатхоналарнинг қиёсий таҳлили жаҳон динлари таълимотининг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга хизмат қилади.

Учинчидан ибодатхона таърифи, тарихи, ундаги диний рамзлар, руҳонийлик иерархияси ҳамда ибодатхонани зиёрат қилиш тартиб-қоидаларини ўрганиш ўзга эътиқод вакиллари орасида диний ксенофобиянинг вужудга келишини олдини олишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, жаҳон динлари ибодатхоналарини қиёсий ўрганиш ёшларга ўзга динга эътиқод қилувчиларнинг диний қадриятларини ҳурмат қилиш, янгича маданият билан яқиндан танишиш имконини беради. Бу эса аҳолининг турли қатламларида диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қуръони Карим.
2. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996. – 304 с.
3. Шафф Ф. История Христианской Церкви. Том VII. Современное христианство. Реформация в Германии и Швейцарии СПб.: Библия для всех, 2009. — 459 с.
4. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари / Масъул муҳаррирлар К.Камилов, А.Мансуров. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. 552 б.
5. Библия книги священного писания Ветхого и Нового завета. Исход.
6. Ан-Наим ул-кабир/арабча-ўзбекча лугат. – Наманган.: “Наманган”, 2014. – 810 б.
7. Ермакова Т.В., Островская Е.П.Классический буддизм. – СПб.: “Азбука-классика”, “Петербургское Востоковедение”, 2004. – Б.
8. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н., Нажмидинов Ж. Дунё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2011. – 260 б.
9. Жон Янг. Христианство / Пер. с англ. К.Савельева. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001.
10. <http://trubnikovann.narod.ru/Hram.htm>
11. <http://www.turistos.net>
12. [https://zn.ua/SOCIETY/sotsiologi\\_podschitali\\_kolichestvo\\_veruyuschih\\_na\\_zemlebolshe\\_vsego\\_hristian\\_i\\_musulman.html](https://zn.ua/SOCIETY/sotsiologi_podschitali_kolichestvo_veruyuschih_na_zemlebolshe_vsego_hristian_i_musulman.html)
13. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
14. <https://mishajp.livejournal.com/487991.html>
15. <https://www.google.com/>
16. <https://azbyka.ru/prestol>
17. <http://www.orthedu.ru/katehizacia/17050-ustroystvo-altarja.html>
18. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>



ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

UDK 81-13

THE USE OF INNOVATIVE AND COGNITIVE TECHNOLOGIES IN TEACHING GRAMMAR  
IN FOREIGN LANGUAGE LESSONS*N.S. Abduraxmonova, teacher, Tashkent State Technical University, Tashkent*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada innovatsion va kognitiv texnologiyaning zamonaviy metodlari, uning mazmuni, ta'lim jarayonida xususan ingliz tili darslarida grammatikani o'qitishdagi o'rni yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** innovatsiya, kognitiv texnologiya, grammatika, chet tili, zamonaviy metodlar, ta'lim jarayoni.

**Аннотация.** В данной статье освещаются современные методы инновационной и когнитивной технологии, ее содержание, роль в преподавании грамматики в процессе обучения, особенно на уроках английского языка.

**Ключевые слова:** инновации, когнитивные технологии, грамматика, иностранный язык, современные методы, образовательный процесс.

**Abstract.** In this article, the role of modern methods of innovative and cognitive technology, its content, in the educational process, in particular in the teaching of semantics in English language lessons, is highlighted.

**Keywords:** innovation, cognitive technology, grammatics, foreign language, modern methods, educational process.

Learning foreign languages is impossible to imagine without the use of multimedia learning tools. The ability to illustrate the real process of communication in English, the need to bring the educational environment closer to the real conditions of the functioning of the studied language and culture, of course, are urgent tasks of foreign language teaching methods.

Innovative and cognitive technologies are most often used in modern methods of teaching a foreign language. Innovative technologies are new ways and methods of interaction between teachers and students, ensuring the effective achievement of the result of pedagogical activity.

Cognitive technologies are information technologies that are specifically focused on the development of human intellectual abilities. Cognitive technologies develop human imagination and associative thinking [2].

The process of learning a foreign language in the context of cognitive theory is interpreted as the interaction between man and the world reflected in the language. Using a cognitive approach in teaching a foreign language, we can not only differentiate the individual characteristics of students, but also apply different strategies for mastering a foreign language. According to Sitnov Y.A. "cognitivism is an important and essential concept in the communicative-cognitive paradigm of teaching foreign languages. Cognitivism in this context, provides consciousness and foreign language explicatively master phenomena" [5].

In all foreign languages for its mastering an integral part is the study of grammar, the new standards are not put in the teaching of foreign languages and in General in such an educational field as Philology, unified complex, complex tasks for the study of the theoretical foundations of the language, the deep foundations of grammar. The main emphasis is on teaching students to communicate in the target language, the development of communication. The main difficulty that arises when teaching grammar in foreign language lessons is to master certain facts of the language. You can identify the basic requirements for grammatical exercises:

- To reflect psychophysiological and linguistic patterns of developing types of speech activity.
- Have a communicative orientation.
- Teach how to act with grammatical material.
- Arrange in order from easier to more difficult.
- To activate mental activity of students (to set problem tasks).
- Diversify the job. Another major difficulty faced by every teacher in the classroom is that it is difficult for students to learn articles, prepositions and grammatical forms of verbs. Since it is very different from their native language. But having reliance on the native language with the use of cognitive approach it is easier for the student to master a simple algorithm for choosing the correct verbal form in discourse. The proposed cognitive approach in teaching English grammar makes it possible to see that there are no fundamental differences of functional character between the species-modern forms of English and Russian

verbs. In other words, systems of verbal forms in two languages are arranged and function in the same way. In order to understand how English verb forms function, you just need to understand — at the level of rational understanding — what determines the peculiarities of the functioning of verbal forms in the Russian language.

It is this understanding that is given by the cognitive theory of time and form, which allows us to formulate a simple algorithm for choosing a particular form of verb in discourse - which, unfortunately, traditional grammars are not able to do. [6] there Are many techniques in teaching grammar of a foreign language. One of the most common is the game. This method can be used in teaching children of primary school age and older.

The teacher can use already existing types of games:

– linguistic;

– doubles;

– team. Such games are aimed at the joint solution of problems and competitive nature. The project method is also relevant today. This method teaches children to cooperate. In the process of work, students develop creative abilities, the ability to empathize, to help. The use of information and communication technologies remains an integral part of modern education. Teaching grammar skills, the teacher can use ready-made software products, as well as create their own. To date, all teaching kits are equipped with an electronic manual application, which is an integral part of the educational process. As well as presentations, tests, and other electronic materials created by the teacher contribute to the effective assimilation of grammatical material in foreign language lessons. At the present stage of school education reforms, major changes are associated with the introduction of information and cognitive in the educational process.

Modern pedagogical science is committed to the use of new technologies in teaching. The above-mentioned interactive media also receive their worthy application. Most of the most diverse interactive computer programs for learning English are aimed at independent study of phonetic and grammatical aspects and bring them to automatism in use.

The features of these programs are interactive dialogues, speech recognition systems and pronunciation visualization, animated videos showing articulation of sounds, exercises for the development of all kinds of speech skills, videos with translation, tracking their own learning outcomes. Since the purpose of teaching English is the communicative activity of students, that is, practical knowledge of the language, the teacher's task is to activate the activity of each student in the learning process, to create a situation for their creative activity. The use of modern tools such as information programs and Internet technologies, as well as training in cooperation and project methodology allow to solve these problems.

The implementation of the reform is carried out by the school through the solution of tactical, methodological and organizational tasks. It is the use of information and cognitive technologies that makes it possible to solve the main contradiction of the modern education system — the contradiction between the rapid rate of knowledge increment in the modern world and the limited opportunities for individual learning.

#### REFERENCES:

1. Akhmetov N. Grammar games//English. Appendix to the newspaper "September 1". - 2004. - №34. - P. 6-9.
2. Baryshnikov V. N. The cognitive perspective on learning technology in foreign language // Cognitive paradigm (proceedings of the International. Conf.). -Pyatigorsk: Pyatigorsk state linguistic University, 2000. -P. 10-13
3. Kravchenko, A. V. Cognitive Grammar and EFL Methodology: the Case for "Tenses". Actual problems of Philology and pedagogical linguistics Vol. 14. Vladikavkaz, 2012. P. 343-358

UDK 81-13

### CREATIVE METHODS OF WORK IN TEACHING ENGLISH

*N.Sh. Agzamova, teacher, Tashkent State Technical University, Tashkent*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada kreativ metodlar va ularning ta'lim jarayonidagi ahamiyati, xususan ingliz tilida kreativ metodlardan foydalanish va uning samaradorlik xususiyatlari yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** innovatsiya, kreativlik, kreativ metod, ingliz tili, o'qitish texnologiyasi.

**Аннотация.** В этой статье освещены креативные методы и их значение в процессе обучения, в частности, использование креативных методов на английском языке и особенности его эффективности.

**Ключевые слова:** инновации, креативность, креативный метод, английский язык, технология обучения.

*Abstract.* This article highlights the creative methods and their importance in the learning process, in particular, the use of creative methods in English and features of its effectiveness.

*Key words:* innovation, creativity, creative method, English language, learning technology.

Language teaching in a modern education involves updating the forms, methods and content of language education on the basis of personality-oriented approach with maximum consideration of the interests of students and the use of modern technologies [1]. One of the challenges facing modern education is the formation of graduate's key competencies that are able to meet the needs of employers, which means the willingness to effectively organize their internal and external resources for decision-making and achieving the goal.

To implement the current requirements of today's education, new forms of education should be developed that will allow to formulate doubts and gain experience in the development of controversy. A significant part of the researchers comes to the conclusion that it is possible to improve the efficiency of the educational process by using methods and forms of interactive learning that ensure the development of cognitive abilities of students: the ability to analyze information and identify the problem; the ability to find opportunities and resources to solve the problem; the ability to develop a strategy to achieve goals and plan specific actions; the ability to discuss and negotiate, the ability to listen to the interlocutor, reasoned to convince and make a collective decision.

Communicative competence implies the ability to use all kinds of speech activity: reading, listening, speaking (monologue, dialogue), writing. The concept of "game educational technology" includes a fairly extensive group of methods and techniques of organizing the educational process in the form of various educational games. Communicative game technologies facilitate the formation, development and improvement of communicative skills, contribute to the development of communicative competence. One of the tools for solving the problem of formation of key competencies should be considered creative methods of training.

Traditional education distinguishes two main approaches to education-behavioral and cognitive. When the behavioral approach is training to perform specific behavioral operations in accordance with the instructions of the teacher, the cognitive approach is focused on the development of the formation of a sustainable image, which at the right time will be used as a model of action. The latter approach is still the main one in the training of specialists in Universities, which makes it impossible to get really valuable experience [2].

Modern requirements for the preparation of a competent specialist are that in conditions of limited training time it is necessary to achieve a double result: to expand and systematize the consciousness of students in the context of knowledge of the English language and to develop functional communication skills in English. The solution of these problems is possible through the use of methods of creative learning. In recent years, actively began to use interactive technologies, among which is to highlight the platform Class Craft.

After the advent of games in our lives, they have become a full-fledged cultural product: in North America, people prefer games to watching movies and listening to music. More specifically, 58% of Americans play video games, 45% of them are women, and 58% of parents play video games with children to strengthen relationships. The games have become part of the cultural landscape and are not going to give up. Although Class craft is not a game in the usual sense of the word, its creators were inspired by the game culture. The popularity of games explains the effectiveness of game training.

The teacher's job is to refer to the experience of the individual student and try to link that experience to the course material. All children at least once played video games, and so they easily understand the basic principles of Class craft, and the process of playing them like. Class craft is a free educational online role-playing game that teachers and students play in class. Using the principles of modern games, it gives students the opportunity to improve their level, work in a team and get the ability to interact with the real world. As a game background for the curriculum, Class craft completely transforms lessons for the entire school year. [3] Of the hours allotted for study, setting up the game takes no more than five minutes. Class craft can be played on the same computer with a projector connected, or on students' tablets or laptops. The platform is gladly accepted by the students due to the fact that it is a game. However, as in every game, there are elements of encouragement (experience points for certain activities) and punishment (bad teachings do not survive in the game). Interactivity of the learning process makes it possible to develop communicative competence through the organization of all communication between students in English.

Benefits for teachers [4] - the issuance of assignments and tutorials can be made through interactive forums - students earn points directly on the forums when they answer questions and help each other; - integrated Analytics of progress allows parents to get full information about the success of their child. Among the creative ways of forming communicative competence in English lessons it is also worth highlighting the creation of presentations in Google.

Google's capabilities have expanded in recent years to allow you to create presentations online. Cooperation of students in the work on one project on the English language in the framework of the presentation makes it possible not only to understand the issues of the English language, but also to form a creative approach to the creation of the project. Among the ways of formation of communicative competence in English lessons can also be identified online program Witty Comics! which allows you to create dialogues between the two characters, and also allows you to develop a full story. This technology allows you to teach conversational skills. Another method of improving communication competence is to create surveys using Google tools and launch them in foreign social networks, which makes it possible to study the opinion on any issue among native speakers, to create a forum for discussion and as a result to develop communication skills.

Thus, modern technologies allow to develop communication skills in English lessons. In the pedagogical process, as a means, method and technology of training are widely used a variety of games. Each game is unique, contains various functions, promotes the development of cognitive activity of students. Each type of games helps in the development of a child, both a healthy person and a healthy personality. So, with the right selection of methods and techniques, you can plan and create effective conditions for the normal development and socialization of the child. The mechanics of working with interactive tools are different, which expands the range of tools used and allows the formation of various communication skills - reading, listening, speaking (monologue, dialogue), writing.

#### REFERENCES:

1. Zakieva A.V. Creative learning: from knowledge to competencies through interactive technologies//Youth and scientific and technical progress. - 2017. - P. 80-83.
2. Gizzatov G. F. the Use of technology of critical thinking development at the lessons of English and native language for the formation of communicative competence//Modern educational environment: theory and practice. - 2018. P.64.
3. Litovkina I. V. The use of heuristic tasks for the formation of communicative competence of students in the English lesson // Education and pedagogical Sciences in the XXI century: topical issues, achievements and innovations. - 2018. -P. 46-48.
4. Official site ClassCraft. - [Electronic resource.] - Mode of access: <https://www.classcraft.com/ru/>

UDC 81-13

### LINGUODIDACTIC BASIS OF TECHNICAL TERMS TEACHING IN ENGLISH

*R.F. Atamammedova, senior teacher, Tashkent State Technical University, Tashkent*

**Аннотация.** Мақолада талабаларга техник терминларни ўқитишнинг лингводидактик асослари таҳлил қилинган. Чет тили ўқитиш методикасига кўра техник терминларни ўқитишда уларнинг лингвистик хусусиятларини эътиборга олишнинг ахамияти хусусида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** методика, лингводидактика, лексика, технология, техник термин, чет тили, таржима.

**Аннотация.** В статье анализируются лингводидактические основы обучения студентов техническим терминам. Согласно методике преподавания иностранного языка, важно учитывать лингвистические особенности преподавания технических терминов.

**Ключевые слова:** методология, лингводидактика, лексикология, технология, техническая терминология, иностранный язык, перевод.

**Abstract.** The article analyzes the linguodidactic basis of teaching technical terms to students. According to the foreign language teaching technique, the importance of considering the linguistic features of teaching technical terms.

**Key Words:** methodology, linguodidactics, lexicology, technology, technical terminology, foreign language, translation.

At present, one of the most important problems in all stages of the education system, including higher education, is to find new methods and methods of foreign language teaching, radically change the foreign language teaching process.

The foreign language teaching method is an integral part of linguodidactics. Linguodidactic involves considering the internal capacities of the language while teaching a foreign language.

Today, English is one of the leading places in the world in practice. The ability of every specialist to have English language skills in science, technology, culture, education, economics and other fields, particularly in professional work, has a demand for time.

It is important to clearly define the concept of terminology and the near-term bureaucracy dealing with terminology in linguistics and to distinguish between them. The term "terminology" is derived from the Latin termus and the Greek logos, which means "science about terms (terms)."

According to A.A.Reformatsky, the main function of the terminology is to name things and phenomena, which means that in terms of terms, objects.

In R.Doniyorov researchs Uzbek language technical terminology, believes that "only terminological terms can be the object of terminology."

Students should be knowledgeable about the specifications of technical terms, ie methods of their preparation. Therefore, it is necessary to consider their linguistic characteristics during the English language teaching. Until now, any term is an integral part of the spoken language.

It is important to consider the following linguistic features of the terms in English:

- Basic English terms consist of a single lexical unit and are not divided into meaningful morphs. For example: technique - техника, check - назорат, term - муддат, transport - транспорт, tools - ускуна;
- It is important to consider the multidisciplinary approach to teaching technical terms;
- The combination of terms is divided into two multilanguage compositions, two-lexem and three-or multiple-letter combination of terms: ишлаб чиқариш – production, асбоб - ускуна – equipment and others.
- One-component terms are considered to be relative to them in the system, but not more than: renew - кайта ишланган, unconvertible - ўзгармайдиган (алмаштирилмайдиган), uncleared - тозаланмаган.

Handling lexical material in working with technical texts takes two steps:

1. Get acquainted with new words.
2. Use terms to talk, start the process (this is the time of initial reinforcement of the material).

At the introductory stage, information on the form, meaning, and application of the term is given. It is a traditional method to describe the meaning of the term, which is not considered a special step in the functional methodology. The terminology in the native language is provided before the terminology in the language is studied.

In the experimental tests at technical faculties, it was found to be effective in comparing terms with English and Uzbek in terms of terms.

Compared to English terms, the following features have been identified:

- Partial correspondence of English to the term "English";
- Terms which are not available in the technical Uzbek language;
- The pronunciation of the English word is inaccessible to the pronunciation of the Uzbek word;
- There are several complementary terms in English such as English;
- Definition of English terms in terms of meaning in English and so on.

In teaching English technical terminology, students need to take into account their language experience.

The language experience of the student on the technical terminology of the English language influences teaching the pronunciation, reading, and writing of English technical terms. This effect is positive and negative, and interference can occur as a result of adverse effects.

The student's native language experience has a positive effect on the English language technical terminology in the following two cases:

- When the student uses the term, he / she writes some words in his native language because the terms in English are in the Uzbek language;
- learn how to use the English language in English, using the English language terminology, considering the linguistic features of technical terms in English and Uzbek.

It is difficult for the student to remember the technical terms in English as a result of a lack of knowledge of the terminology used by the student in his native language.

There are two ways to get acquainted with the meaning of the new term - the translation or interpretation. There are two types of interpreting, both internal and external. The methodological methods used in choosing the meaning of the new lexical unit have the following elements: active / passive termination; level of education and level of students; the form to which the new term is presented (hearing or reading); the place of presentation of new unit (lesson, textbook, dictionary).

The presentation process is organized as follows. The new vocabulary is taught in a non-translatable manner by describing, illustrating, drawing, texting, audio, and presenting approximately the following tasks:

- falsify the meaning of the term;
- translate;
- use the word, and so on.

Thus, the purpose of the study of technical English terminology is to increase students' vocabulary and to develop their ability to work in English with technical texts. The goal of this course is to find out the benefits of contemporary livelihoods, to summarize the modern English language terminology of students, and to develop a new generation of textbooks on terminology teaching, as well as improve the quality and effectiveness of teaching English terms.

#### REFERENCES:

1. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. - Т.: «Фан», 1977.
2. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. - Т.: «Ўқитувчи», 1996.
3. Реформатский А.А. Мысли о терминологии. // «Современные проблемы русской терминологии». - М., 1986.

UDC 801.8

#### NEMIS VA O'ZBEK TILLARIDA JUFT SO'ZLARNING TASNIFI *Sh.A. Bekmuratova, o'qituvchi, Toshkent davlat texnika universiteti, Toshkent*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada barcha tillarning boy lingvistik imkoniyatlarini ko'rsatib beruvchi vositalardan biri frazeologizm hamda nemis va o'zbek tillarida juft so'zlarning tasnifi yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** nemis tili, o'zbek tili, frazeologiya, grammatika, juft so'zlar.

**Аннотация.** В данной статье описывается один из инструментов, демонстрирующих богатые лингвистические возможности всех языков -фразеологизм и классификация пар слов на немецком и узбекском языках.

**Ключевые слова:** немецкий язык, узбекский язык, фразеологизм, грамматика, пара слова.

**Annotation.** This article describes one of the tools that demonstrate the rich linguistic capabilities of all languages - phraseology and classification of words pair in German and Uzbek.

**Key words:** German, Uzbek, phraseology, grammar, pair words.

Frazeologiya har bir tilning muhim qatlami hisoblanib, uning o'ziga xos hususiyatlarini yaqqol ko'zga tashlanishida muhim rol o'ynaydi. Frazeologizmlarning tilda qanchalik ko'p bo'lishi til imkoniyatlarining shunchalik kengligini ko'rsatadi. Frazeologizmlar (maqol, matal va idiomalar) xalqning o'tmishi, tarixi, an'analari, urf-odati va madaniyatini o'zida yaqqol aks ettiradi. Shu bilan birga, frazeologizmlarda xalqning yorqin milliy hususiyatlari mujassam bo'ladi, ular chuqur va boy ma'noga ega bo'lishi bilan bir qatorda, nutqqa alohida ko'rk va ta'sirchanlik bag'ishlaydi.

Frazeologizmlar nemis tilshunosligida o'rganila boshlagach, frazeologik birliklarni tasniflash, tizimlashtirish masalasi ko'tarila boshlandi. Nemis tilshunos olimlari frazeologizmlarni turlicha yondashuvlar asosida klassifikatsiyalashgan. Masalan, M. D. Stepanova hamda I.I.Chernishyovalar frazeologizmlarning strukturaviy hamda semantik jihatdan tasniflagan. Teo Shippan ham frazeologizmlarning ikki turini ajratib ko'rsatgan, ya'ni frazeologik butunlik va turg'un birikmalar. Yana bir tilshunos olim U. Fiks esa, frazeologizmlarni erkin gap bilan taqqoslaganda, fe'llar ma'nosining mos kelishi yoki mos kelmasligiga ko'ra ikki turini farqlaydi. Demak, tilshunos olimlar frazeologizmlarni turli xil jihatlarini o'rganishga urinishgan.

Barcha sohalarda bo'lgani kabi frazeologiya ham o'zining o'rganish obyektiga ega. Frazeologiyaning o'rganish objekti o'z navbatida shunday murakkab va o'ziga xoski, uni o'rganish jarayonida yuqorida sanab o'tilgan tilshunoslik fanlari rivojlanishiga yangi manbalar yaratadi.

Frazeologiya nemis tilshunosligida umuman olganda asosiy mavzu ekanligi allaqachon isbotlab ko'rsatib berilgan. Avvalombor, muhokamada tasniflash masalasi turadi. Frazeologizmlarda so'z yasalihidagidek struktur tiplari va yasali elementlari (affikslar) ning alohida sistemasi mavjud emas.

Nemis tilida juft so'zlar ham frazeologizmlar sanaladi. Tilshunoslikda ba'zi bir olimlar juft so'zlarni frazeologik birliklar sirasiga kiritgan. Ko'p tillar materialida tadqiq qilishgan, jumladan: rus tilida V.V.Vinogradov, nemis tilida I.I.Chernesheva, V. Flaysler, A. Lenkova va A. Iskos, o'zbek tilida esa Hojievlar tomonidan o'rganilgan.

Bu olimlar o'z nazariyalarida juft so'zlarni frazeologik birlik deb hisoblashadi. Juft so'zlarning asosiy jihati va hususiyati funksional stilistik bo'yoqdorligidadir. Ikki bir-biriga yaqin bo'lmagan nemis va o'zbek tillarida juft so'zlar muommosi hanuzgacha o'rganilmagan.

Ko'plab frazeologik olimlarimiz ilmiy ishlarida juft so'zlarga nisbatan turli atamalardan foydalanishgan. Nemis tilida bu frazeologik birliklar "Paarformel", "Wortpaar", "Binomiale", "Zwillingsformeln", "sprichtwörtliche Formeln", "Wortgeschwister"[1], „Doppelungen“[2], "formelhafte Wendungen" kabi nomlar bilan ataladi.

A. Iskos va A. Lenkova o'zlarining "Lesestoffe zur deutschen Lexikologie" kitobida juft so'zlarga nisbatan "Zwillingsformeln", "sprichtwörtliche Formeln", va "Wortpaare" atamalarini qo'llashgan[3].

Wernfried Hofmeister "Sammlung der gebräuchlichen Zwillingsformeln in der deutschen Gegenwartssprache" kitobida esa "Wortpaar", "Binomiale" atamalaridan foydalangan.

E.H. Assenine ham o'zining ilmiy maqolasida "Wortpaare" terminidan, I. Brandsh esa "Paarformeln" atamasidan frazeologik birlik sifatida foydalangan.

Sh.S.Imyaminova o'zining "Nemis va o'zbek tillarida juft so'zlar" kitobida "Bugungi kunda juft so'zlar ko'pgina tillarda bir necha nomlar bilan atalgan va aynan nemis tilida inobatga olingan alohida nomi mavjud emas. Shuning uchun nemis tilida "Wortpaare" va "Zwillingsformeln" atamaları ko'proq qo'llaniladi"[4] deb ta'kidlab o'tgan. Juft va takroriy so'zlarning ma'no mohiyati va termin sifatida ham bir-biriga o'zaro yaqinligi va o'xshashligi va bu ikki xil so'z turkumi va ularning bir-biriga munosabati haqida turli tuman fikrlar paydo bo'lishiga sabab bo'ladi.

Ko'plab olimlarimiz juft so'zlarni ikki guruhga, ya'ni sof juft so'zlar va takroriy juft so'zlarga ajratadi. Boshqa bir guruh tadqiqotchilarimiz esa juft va takror so'zlarni umumiy belgilarga ega bo'lgan turli so'z kategoriyalar deb ta'riflashadi va ularni alohida guruhlariga bo'lib tekshirishni taklif qilishadi. V.Reshetov va U. Tursunovlarning fikricha, juft so'zlar alohida bir guruh bo'lib, takroriy so'zlar esa qo'shma so'zlar tarkibiga kiradi. O'zbek tilida esa juft so'zlarga oid alohida e'tiborga molik tadqiqot olib borgan professor A. Hojiev juft va qo'shma so'zlar uchun umumiy holda "qo'shma so'z" atamasini qo'llash mumkin emas deb ta'kidlaydi. Uning fikricha, "juft so'zlar mustaqil leksik ma'noli yoki leksik ma'noga ega ikki tarkibning teng bog'lanishi asosida tashkil topib, umumlashtirish, jamlik kabi ma'nolarni ifodalovchi so'z, so'zning juft formasi"[5] hisoblanadi. Juft so'zlar o'rtasidagi masofa juda yaqin bo'ladi. Misol qilib oladigan bo'lsak; yaxshi-yomon, bog'-rog' va boshqalar.

Nemis tilida esa juft so'zlar yasalishi muommosiga to'xtaladigan bo'lsak, juft so'z yasalishida yangi so'z yasalishi hodisasi uchramaydi. Ular so'z birikmasi ham bo'lolmaydi. E. Agrikola juft so'zlar haqida "Juft so'zlar har doim ikkita o'xshash so'zlardan iborat bo'ladi. Ular o'zaro yaqin munosabatdagi so'zlardir"[6].

Tilshunos olim F.Zeller juft so'zlarni qoidaga asosan und (va) bog'lovchisi orqali ayrim hollarda esa oder (yoki) bog'lovchisi orqali bog'lanishini tushuntirgan. Masalan:

es geht alles drunter und drüber (umg)

es herrscht Unordnung; grosses Durcheinander sein.

разг. все идет кувырком (или вверх дном); полный ковардак (или сумбур); страшная путаница (или не разобрался, сумятица) –сам черт ногу сломает.

Ish chappasiga ketmoq, Hammasi ag'dar-to'ntar bo'lib ketmoq.

(M.I.Umarxo'jaev, K.N. Nazarov, Deutsch-russisch-usbekisches Phraseologisches Wörterbuch. S. 23)

I.Chernesheva va M.Stepanovlar juft so'zlarning quyidagicha ta'rifini keltirishgan. "Juft so'zlarning struktural belgisi ma'no jihatidan bir-biriga yaqin bo'lgan so'zlardan tashkil topgan. Ya'ni bu ikki so'zning birlashishi demakdir".

Shu o'rinda aytish mumkinki, nemis tilida juft so'zlar bir so'z turkumiga oid ikki so'z yoki aksariyat hollarda uch bir xil ma'nodagi yoki qarama-qarshi ma'nodagi so'zlardan hosil bo'ladi.

O'zbek tilida esa juft so'zlar tilning qonun-qoidalariga muvofiq holda ikki so'zning teng bog'lanishidan hosil bo'lgan birliklardan kelib chiqadi. Yuqorida ta'kidlaganimizdek nemis tilida juft so'zlar und, oder bog'lovchilari orqali hosil bo'lsa, o'zbek tilida esa juft so'z bog'lovchi orqali o'z juftlini hosil qilmaydi. Aksincha "chiziqcha" (-) belgisi bilan ifodalanadi.

fix unf fertig (fam)

1. vollständig fertig
2. vollständig erschöpft

1. БЫТЬ ГОТОВЫМ, БЫТЬ В ПОЛНОЙ ГОТОВНОСТИ
2. тайёр бўлмоқ, тап-тайёр, буткул тайёр бўлмоқ.

(M.I.Umarxo'jaev, K.N. Nazarov, Deutsch-russisch-usbekisches Phraseologisches Wörterbuch. S. 39)

Juft so'zlar nemis tili uchun juda muhim sanaladi. Ular gapning mazmunini bo'yoqdorligini aks ettirib, ma'no kuchaytirish xususiyatiga ega. Ammo ular ma'no kuchaytirish vazifasini turli xil yo'llar bilan amalga oshiradi. Bu borada tilshunos olim K.A. Levkovskaya juft so'zlarni ma'no ko'chaytirish usullarini to'rtga bo'lib o'rganadi.

1. Bir xil so'zni takrorlash yo'li orqali (durch und durch, über und über, nach und nach, halb und halb).
2. Sinonim so'zlar yoki bir-biriga yaqin so'zlarni bog'lanish yo'li bilan (auf Schritt und Tritt. Hof und Gut, Angst und Bange).
3. Turli ma'no kasb etuvchi so'zlar, ammo ular orasida juda yaqin bog'liqlik mavjud. (Haus und Hof, Dreck und Speck.)
4. Ma'no jihatidan bir-biriga butunlay qarama-qarshi bo'lgan so'zlarning bog'lanishi yo'li bilan (Himmel und Hölle, Himmel und Erde, Hund und Katze).

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Agricola. E. Wörter und Wendungen. Leipzig. VEB Bibliographisches Institut, 1968, S. 791
2. Hähnel E., Putzung: Zur Wörbildung und Wortbedeutung. Leipzig, 1995, S.89.
3. Hojiev A. Lingvistik terminlarning izohli lug'ati. Toshkent "O'qituvchi", 1985, B.36
4. Iskos A., Lenkova A. Lesestoffe zur deutschen Lexikologie. Leningrad, Procvischinia, 1975, S.150,162.
5. Sh.S.Imyaminova, Nemis va o'zbek tillarida juft so'zlar. Toshkent. 2008. B.4
6. Wilke E. Schriftdeutsch und Volkssprache. Leipzig, 1925, S. 62.
7. Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. Москва, 1956
8. M.I. Umarxo'jaev, K.N. Nazarov, Deutsch-russisch-usbekisches Phraseologisches Wörterbuch. Toshkent. "O'qituvchi", 1994

O'UK 81-132

### “DEVONI LUG‘ATIT TURK”DA IFODALANGAN “GO‘ZALLIK” KONSEPTINING LINGVOMADANIY VA LINGVOKOGNITIV XUSUSIYATLARI

Z. Boynazarov, o'qituvchi, Samarqand Davlat Universiteti, Samarqand

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada “Devonu lug‘at-it turk” asarida ifodalangan “go‘zallik” konsepti bilan bog‘liq birliklar lisoniy tahlil qilingan. “Ayol” va “go‘zallik” konseptining tarixi, tilimiz va madaniyatimiz tarixida go‘zallik ramzlari, ushbu konseptlarning OLM va konseptosferadagi o‘rni haqidagi mulohazalar berilgan hamda “Devon” dan olingan misollar bilan dalillangan.

**Kalit so‘zlar:** til, tafakkur, madaniyat, olamning lisoniy manzarasi, konsept, konseptosfera, ayol, go‘zallik, go‘zallik razmlari.

**Аннотация.** В данной статье анализируется лингвистический анализ единиц, связанных с концептом «красота», который изложен в книге «Словарь тюркских наречий» («Дивану лугат-ит турк») Махмуда Кашгарского. Освещены история понятий «красота» и «женщина», символы красоты в истории нашего языка и культуры, а также роль этих понятий в языковой картины мира и её концептосферы, которые подтверждены языковыми фактами из “Дивана”.

**Ключевые слова:** язык, мысль, культура, языковая картина мира, концепт, концептосфера, женщина, красота, парадигмы красоты.

**Abstract.** This article analyzes the linguistic analysis of units related to the concept of “beauty”, which is set forth in the book “The Dictionary of the Türkic dialects” (“Divanu lugat-it Turk”) by Mahmud Kashgari. The history of the concepts “beauty” and “woman”, symbols of beauty in the history of Turkic language and culture, as well as the role of these concepts in the linguistic picture of the world and its concept-sphere, which are confirmed by the linguistic facts from “Divan”, are highlighted.

**Key words:** language, thought, culture, language picture of the world, concept, concept sphere, woman, beauty, beauty paradigms.

Til inson ongu tafakkuri hamda xalq madaniyati bilan bog‘liq murakkab tuzilma bo‘lib, uning tadqiqi yo‘lida olib boriladigan ishlar serqirra va mashaqqatli bo‘lishi bilan doimo yangi va ilg‘or tahlil



metodlarini taqozo etadi. Tilning antropotsentrik mohiyati va tilda inson tafakkuri va uning individum va sotsium sifatidagi faoliyati xususidagi ma'lumotlar kodlangan axborot sifatida mavjudligi tan olinmoqda. XX-asr boshida, fanda nihoyat, antropologik lingvistik paradigma qaror topdi va u tadqiqotchilarning diqqat-e'tiborini tilning egasi – insonga qaratdi. Lingvistika endi lisoniy hodisalar va unsurlarni inson, uning tafakkuri, ma'naviy-ma'rifiy dunyosi va amaliy harakatlari, uning ko'pqirrali ijtimoiy faoliyati bilan bog'liq ravishda tahlil qilishni boshladi. Kognitiv lingvistika fani chekiga ana shu sermashaqqat vazifa – inson tasavvur va bilimlarining tilda aks etishi va hukm surishini tekshirish vazifasi qo'yilgan. “Devonu lug'at-it turk”da ifodalangan olamning lisoniy manzarasi masalasini ham ana shunday yondashuvlar asosida amalga oshirish maqsadga muvofiqdir.

“Devonu lug'at-it turk”dagi maqolalarda Mahmud Koshg'ariy sinchkov tadqiqotchi va kuzatuvchi sifatida XI-asr turkiy xalqlari ijtimoiy, siyosiy, madaniy, adabiy hayotining sohalariga oid ko'plab ma'lumotlarni bayon qilgan. Bu esa “Devon”dagi leksema, so'z, kontseptlarning XI-asrdagi turkiy til va shevalar vositasida ifodalangan olamning lisoniy manzarasi (OLM)ning juda katta qismini qamrab olganini ko'rsatadi. Binobarin, madaniyatni ma'naviy qadriyatlar, normalar, bilimlar va an'analarni yaratadigan, saqlaydigan, tarqatadigan va iste'mol qiladigan jarayonning mahsuli deb qabul qilsak, tilni inson va jamiyatning ma'naviy dunyosini shakllantiradigan qadriyat deb hisoblash zarur. Chunki, til turli lisoniy-madaniy guruhlariga mansub millat madaniyatining birlashtiruvchi unsuri (kontsentrati) sifatida namoyon bo'ladi. “Devon”da qoraxoniylar davri adabiy tili materiallari bilan birga 30 dan ortiq turkiy urug' va qabilaning tiliga mansub ma'lumotlari keltirilishi va muallif bu shevalarni chuqur o'zlashtirib va hatto “diliga jo qilib olgani” ana shunday xulosa chiqarishga asos bo'ladi. Mahmud Koshg'ariy “Devon”da turkiy xalqlarga xos bo'lgan OLM va uning kontseptosferasini 20 mavzuiy guruhda ifodalab beradi. Ana shu mavzuiy guruhlardan biri “go'zallik” (ayol-go'zallik) kontseptosferasi hisoblanadi.

“O'zbek tilining izohli lug'ati”da “go'zallik” leksemasi quyidagicha ta'riflanadi: *Go'zallik* 1 chiroy, husn. U (Gulnor) bukun shod, bahor uning... go'zalligiga go'zallik qo'shgan. Oybek. Tanlangan asarlar. 2-tom. Tabiat va jamiyatdagi narsa va hodisalarning, inson faoliyatining kishida mehr-muhabbat, quvonch, zavq tuyg'ulari uyg'otuvchi xususiyatlarini ifodalovchi estetik tushuncha [9;531].

Yuqoridagi ta'rif va misollarda ko'ringanidek, o'zbek tili uchun go'zallik tushunchasi avvalambor “ayol” tushunchasi bilan bog'liq, undan keyingi o'rinlarda “tabiat va jamiyatdagi narsa va hodisalarning, inson faoliyatining kishida mehr-muhabbat, quvonch, zavq tuyg'ulari uyg'otuvchi xususiyatlarini ifodalashi” tushuniladi. Bu holat tilimizda ming yillardan beri mavjud bo'lib kelganligi ma'lum. Chunki tildagi tamal “ezgulik”, “go'zallik”, “tinchlik”, “do'stlik” kabi tushunchalar zamiridagi ko'p hamda zalvorli ma'nolarning shakllanishi asriy tajribalarni talab qiladi. Afsuski, globalizatsiya davrining ba'zi nojo'ya ta'sirlari tufayli “ayol” va “go'zallik” tushunchalarining ham ma'nalan qashshoqlashuviga olib kelayotgani sir emas. Turk tadqiqotchisi Ebru Guzel haqli ta'kidlaganidek, “Til, din, irq, mahzab, jinlar ayrimi tushunchalari kabi “go'zallik tushunchasi” ham jamiyatlar yaratadigan va yashatadigan tushunchadir. Ma'lum ijtimoiy muhitda yashovchi individlar qanday kiyinish yoki boshqalarga qanday ko'rinish ko'nikmasini madaniylashtirish, madaniyatni qabul qilish va madaniyatga moslashish jarayonida o'rganadilar. Ammo aksariyat madaniyatlarda “go'zallik” tushunchasining ayollarga nisbatan qo'llanilishi xotin-qizlarni faqatgina estetik (tashqi) go'zallikka yo'naltirmoqda, o'z navbatida ular go'zal ko'rinish uchun ortiqcha iste'mol va isrofga yo'l qo'ymoqda, kundalik hayotdan hamda qadriyatlardan uzoqlashmoqdalar. Tashqi ko'rinish-odamiylik dilemmasi mavjudligi tufayli go'zal bo'lishga intilish ayollarni bezalgan vosita va jinsiylik simvoliga aylantirmoqda. Bugungi kundagi go'zallik tushunchasini ana shu tarzda o'zgacha anglash tufayli bu xususiyat hammadan oldin faqat ayollar uchun mutlaqo kerakli ekanligiga urg'u berilmoqda. Haqiqiy ayollik va har jihatdan etuklik tushunchalarini bir chetga surib qo'ygan bunday yondashuv bugungi kunda ayollar zimmasiga har doim yosh, go'zal va durkun bo'lib qolish kabi og'ir yukni yuklamoqda. Boshqa tarafdin, go'zallikning tarixi tadrijiylikka asoslangan inson tarixi bilan bog'liq, boshqacharoq aytganda, u lingvokulturologik va antropologik ildizlarga egadir”.

Yozuvchi va olim Abdulla Sherning talqinlariga ko'ra “go'zallik falsafiy – estetik istilohlar orasida nisbatan keng qamrovli tushuncha hisoblanadi. Biroq go'zallikni uning ziddi bo'lmish xunukliksiz durustroq tasavvur qilish qiyin. Chunki bu ikki estetik xususiyat o'zaro doimiy dialektik munosabat tufayli mavjud. Ular biri ikkinchisining namoyon bo'lishi uchun ko'zgu vazifasini bajaradi: go'zallikning mohiyatini anglasak, xunuklik nima ekanini bilib olamiz, xunuklikning mohiyatini tushunib etsak, go'zallik haqida to'g'ri tasavvurga ega bo'lamiz. SHu sababli bu ikki estetik xususiyatni anglatadigan tushunchalarni bir-biridan ajratib emas, aksincha o'zaro bog'liq juftlik istilohlar tarzida olib qarash maqsadga muvofiq. Zero,

hech bir zid tushunchani fanda salbiy deb chetga chiqarib qo'yish yoki unga jiddiy e'tibor bermasdan qarash mumkin emas"[1].

«Go'zallik» tushunchasi xususida qancha – qancha faylasuflar o'z qarashlarini bildirgan: buyuk yunon faylasufi Aflotun birinchi bo'lib, «go'zal» tushunchasi bilan «go'zallik» tushunchasini falsafiy farqlash asnosida go'zallikning mutlaqlik va nisbiylik xususiyati mavjudligini, faqat mohiyatni anglatuvchi ilohiy go'zallikka mutlaqligini, qolgan barcha go'zalliklar nisbiylik tabiatiga egaligini ta'kidlaydi. Uning fikriga ko'ra, masalaga «Nima go'zal?» degan nuqtai nazardan emas, balki «Go'zallik nima?» degan nuqtai nazardan yondashish lozim. Chunki biz «Nima go'zal?» degan savol orqali go'zallikni hodisadan, «Go'zallik nima?» degan savol orqali esa, uni mohiyatdan qidirishimiz kerak bo'ladi. Ya'ni «go'zal qiz», «go'zal baytal», «go'zal lira», «go'zal guldon»ning go'zalligi faqat birgina, o'zigagina xos bo'lgan narsa-hodisa uchun go'zallikdir, xolos. Ularning hech biri boshqa narsa-hodisalar uchun umumiy tarzda go'zallik bo'la olmaydi. Ular go'zalligining asosi nisbiylikdadir. «Eng go'zal qiz ham ma'budaga nisbatan xunukdir», – deydi Aflotun. Ya'ni eng go'zal qiz faqat bir xildagi narsa-hodisalar – boshqa qizlarga nisbatan go'zal, ma'buda esa barcha narsa-hodisalar uchun go'zaldir. Zero, go'zallikka asos bo'lgan muhabbat hissi – erkindir, demak go'zallik ham erkinlikning o'ziga xos ko'rinishidir[1].

Islomgacha bo'lgan qadimgi turkiy xalqlarda «go'zallik» tushunchasining ayollarga nisbat berilgani eski turk ko'k Tangri dinida maxsus go'zallik ma'budalari mavjudligi va ular go'zal, qahramon, uddaburon, sarishta ayollar qiyofasida tasavvur etilgani kuzatiladi:

**1. Umay ona (Umay ana)** oq sochli va oq kiyimli, farishtasimon ayol qiyofasida tasvir etilgan hamda bu ma'buda homilador ayollar va go'daklarning himoyachisi hisoblangan[10].

**2. Ayizit (Ayizit)** qadimgi turklardagi go'zallik simvoli bo'lgan va oqqush siymosida tasavvur etiladigan ma'budadir. U qadimgi shumerlarda Ishtar va grek afsonalaridagi Afrotida kabi eski turklar o'rtasida mashhur bo'lgan. Go'zallik ma'budasi Ayizit yosh bolalar, ayollar va hayvonot olamining himoyachisi deb tasavvur qilingan. Turkiy xalqlarda go'zal ayollar va sevgilini oqqushga o'xshatish an'anasining ko'k Tangri dinidagi Ayizit kultiga borib bog'lanishini taxmin qilish mumkin[10].

Jadval-1

“Go'zallik” (ayol) kontseptosferasi			
Mavzuiy guruhlar	Mavzuiy guruhlar tavsifi	“Devonu lug'at-it turk” asaridagi kontseptlar ro'yxati (qavs ichida sahifa nomerlari)	
		kontsept, manba	izohi
<i>Go'zallikning jismoniy va ruhiy belgilarda aks etishi</i>	Tashqi ko'rinish, qaddiqomat, muomala, mehribonlik, hayo, ishq-muhabbatga doir holatlar	eñ (eng) (30)	yuz yanog'i; qizi eñ – qizil yuz yanog'i.
		uwut (uvut) (34)	uyalish, hayo.
		ulas (ulas) (37)	ulas kōz – suzilgan, yoqimli ko'z; xumor ko'z.
		özök (o'zo'k) (41)	xotinlar laqabi; “sof; oltin kabi toza; pok xotin” mazmunida.
		irin (irin) (43)	lab.
		örgüç (o'rguch) (51)	o'rilgan soch, xotinlar kokili.
		amraq (amraq) amraq köñül (53)	sof ishq bilan isigan ko'ngil.
		örçüg (o'rchug) (54)	o'rilgan soch (o'g'uzcha); bu so'z örgüç (co'zi) ning o'zgartirilgani.
		arsal (arsal)] arsal saç.(55)	qizilga moyil soch
		örmä (o'rma)] örmä saç (65)	o'rilgan soch.
		isiglik (isiglik) (75)	sevgi muhabbat.
		közik (ko'jik) (157)	gajak, kokil.arg'ucha.
		qabaq (qabaq) (153)	qovoq; kōz qabaqi – ko'z qovog'i.
qiw (qiv) (136)	baxt, tolix.		
küdän (kudan) (162)	ziyofat.		
külgü (kulgu) (17)	kulgi.		
señil (sengil) (191)	yuzdagi sepkil.		
mündariü (mundaru) (207)	ipaklar bilan bezatilgan kelin uyi.		
yaş (yash) (324)	ko'kat, sabza, barra, yosh, o't.		

		<p><i>yarp</i> (yarp) (325)</p> <p><i>sīn</i> (sīn) (370)</p> <p>qīlinč (qīlinch) (450)</p> <p>suwlaŋ (suvlang) suwlaŋ sač (454)</p> <p>örgüč (477)</p>	<p>kishi sevinganda bo'ladigan yuz ochiqliq'i.</p> <p>qomat gavda.</p> <p>xotinlarning nozu istig'onosi.</p> <p>yoyiq soch.</p> <p>o'rilgan soch, xotinlar kokili.</p>
<p><i>Go'zallik tushunchasining kiyinish madaniyati orqali ifodalanishiga doir tushunchalar</i></p>	<p>Kiyim-kechaklar, matolar va ularning turlari</p>	<p><i>čöz</i> (chuz) (134)</p> <p><i>sep</i> (sep) (132)</p> <p><i>kiz</i> (kiz) (135)</p> <p><i>didim</i> (didim) (159)</p> <p><i>čikin</i> (chikin) (166)</p> <p><i>torqu</i> (to'rqu) (171)</p> <p><i>burta</i> (burta) (167)</p> <p><i>suwluq</i> (suvluq) (187)</p> <p><i>tolwir</i> (to'lvir) (182)</p> <p><i>sarağuč</i> (sarag'uch) (192)</p> <p><i>qoturma</i> (qo'turma) ] <i>qoturma bōrk</i> (194)</p> <p><i>mindätü</i> (mindatu) (194)</p> <p><i>qirğağ</i> (qirg'ag') (297)</p> <p>Yipkin (yipkin)] yipkin ton (339)</p>	<p>qiz kizil va qora rangli zar tikilgan šin ipak gazmoli.</p> <p>kelinlar sepi, moli.</p> <p>mushk qutichasi, taxt, sandiq, chamadon va boshqalar.</p> <p>nikoh kechasi kelinga kiydiriladigan toj [qimmatbaho toshlar to'g'nalgan bosh kiyimi].</p> <p>ipak; čikin yipi – ipak ip.</p> <p>ipak kiyimlik.</p> <p>kiyimlarga chatiladigan girdak shaklidagi yupqa zarlar.</p> <p>dastro'mol.</p> <p>parda, xotinlar pardasi u ipakli gazmollardan ishlanadi.</p> <p>xotinlarning boshga yopinadigan narsalari, ro'molchalari.</p> <p>qaytarma qalpoq; uning oldida ham, orqasida ham qaytarmasi bo'ladi.</p> <p>ipak gazlama.</p> <p>to'n jiyagi, chalmasi.</p> <p>arg'uvon rangi to'n.</p>
<p><i>Go'zallikning zargarlik va kosmetik buyumlar vositasida ifodalanishiga oid tushunchalar</i></p>	<p>Zargarlik buyum va ashyolari, ularning turlari hamda kosmetik vositalar</p>	<p><i>eŋlik</i> (englik) (59)</p> <p><i>altun</i> (altun) (61)</p> <p>arubat (<i>arubat</i>) (69)</p> <p>erdini (<i>erdini</i>) (70)</p> <p><i>bitig</i> (bitig) (155)</p> <p><i>bezäk</i> (bezak) (155)</p> <p><i>burta</i> (burta) (167)</p> <p><i>činčü</i> (chinchu) (167)</p> <p><i>tarğaq</i> (targ'oq) (186)</p> <p><i>munčuq</i> (munchuq) (189)</p> <p><i>kiršan</i> (kirshan) (174)</p> <p><i>yipar</i> (yipar) (332)</p> <p><i>yinčü</i> (yinju) (333)</p> <p><i>sata</i> (sata) (399)</p> <p><i>küpä</i> (kupa) (398)</p> <p><i>sačü</i> (sachu) (399)</p> <p>közünü (<i>ko'zungu</i>) (452)</p>	<p>xotinlar yuzlariga (yonoqlariga) pushti qizil rang, upa elik.</p> <p>oltin, tilla.zargar.</p> <p>tamari hindiy.</p> <p>toza marvarid; durri g'alton.</p> <p>tumor (o'g'uzcha).</p> <p>bezak. bir tilda.</p> <p>kiyimlarga chatiladigan girdak shaklidagi yupqa zarlar.</p> <p>marvarid, inju (o'g'uz va qipchoqcha).</p> <p>taroq.</p> <p>munchoq, qimmatli toshdan qilinadigan marjon.</p> <p>qo'rg'oshin upa.</p> <p>ifor, mushk.</p> <p>inju, dur.</p> <p>marjon.</p> <p>zirak, isirg'a</p> <p>tun, ro'mol va shu kabilarning hoshiyasi, shokilasi.</p> <p>ko'zgu, oyna.</p>

**3. Ko'pay xotin (Kübey Hatun)** ko'k Tangri dinida va o'sha e'tiqodning izlari saqlanib qolgan Oltoy xalqida daraxt shaklida yashagan hamda barcha turk alp va qahramonlariga ko'krigidan sut bergan, tug'ilish (dunyoga kelish) ma'budasi sifatida tasavvur qilinadi [10].


Islomgacha bo'lgan turkiylarning dini va mifologiyasidagi mavjud go'zallik ma'budalari juda go'zal ayollar va go'zallik timsoli bo'lgan hayvonlar (qushlar) timsolida tasvirlanish bilan birga, ularning ham jisman, ham ma'nan go'zalligining tildagi qarshiligi "ko'rkli" va "ko'rklik" ("körkly", "körklülük") so'zlari bilan ifodalangan. Eski turklarda ayolga "ko'rkli" (go'zal) deyish bilan uning jismoniy go'zalligi, avlod-ajdodining ulug'ligi, insoniy fazilatlar va Tangriga bo'lgan yuksak e'tiqodi ham nazarda tutilgan [10].

Mahmud Koshg'ariy yashagan davrda, "Devonu lug'at-it turk"da ham qayd etilganidek, turkiy xalqlarning asosiy qismi islom diniga e'tiqod qilar edi, ammo ularning madaniyati, yashash tarzida va

mentalitetida qadimgi ko'k Tangri dinining ta'siri saqlanib qolgan edi. Go'zallik tushunchasi haqidagi tasavvurlarni ham shu toifaga kiritish mumkin [6,7,8].

“Devonu lug‘at-it turk”dagi maqolalarda go‘zallik tushunchasi “urağut/qız/eşlär/qadın/kışı” shaklida ifodalangan ayol kontsepti bilan bog‘liq holda ifodalanganini ko‘rish mumkin.

Yuqorida bayon qilinganlardan kelib chiqqan holda “Devonu lug‘at-it turk”dagi go‘zallik kontseptosferasining asosiy xususiyatlarini asardagi ma‘lumotlardan kelib chiqqan holda quyidagicha guruhlar ajratish mumkin:



Yuqorida bayon qilingan ma‘naviy guruhlarga oid “Devonu lug‘at-it turk” asarida ifodalangan kontseptlarning ayrimlari 1- jadvalda keltirib o‘tilgan.

Jadvaldagi ma‘lumotlardan ko‘rinib turibdiki, XI-asrdagi turkiy tilda “go‘zallik” kontseptining ayol shaxsi, uning jismoniy va ruhiy-ma‘naviy go‘zalligi, kiyinish madaniyati hamda zargarlik va kosmetik buyumlar bilan uzviy bog‘langan holda tasvirlovchi bir-biri bilan ko‘zga ko‘rinmas ma‘naviy-semantik bog‘lar bilan bog‘langan jami 100 dan ortiq kontsept mavjud bo‘lgan. Bu birliklardan ayrimlari hozirgi o‘zbek tilidagi ifodalardan fonetik va leksik-semantik jihatdan farqli bo‘lsa-da, mazmun-mohiyati ko‘lamli emas.

Umuman, har qanday kontseptual tizim o‘zgaras, barcha davrlar uchun bir xil bo‘lib qolmaydi. U absolyut, abadiy emas, chunki qarama-qarshiliklar mavjudligi unga ham xosdir. Har bir kontseptual tizim nafaqat faoliyat ko‘rsatadi, balki, shu bilan birga rivojlanadi; u o‘z ibtidosiga ega, u yaralish davrini o‘taydi, tarkib topadi va rivojlanadi. Kontseptiv tizimning yashash vaqti uning asosiy tavsifiy belgilaridan biri hisoblanadi. “Devonu lug‘at-it turk”da ifodalangan kontseptosfera va kontseptiv tizimning semantik (mazmunan) jihatdan ancha barqaror saqlangani, struktur (shaklan) birmuncha o‘zgarishlarga uchragani kuzatiladi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Абдулла Шер. Гўзаллик ва хунуклик ><https://abdullasher.wordpress.com/2015/06/13/guzallik-va-hunuklik> (март, 2019)
2. Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Автореферат. – Тошкент.: 2012
3. Кдырбаева Г. К. «Ман» - «адам» концептосфераси бирликларининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари (инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида): филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017
4. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғати-т-турк). Нашрга тайёрловчи: Қосимжон Содиқов Т.: Ғ.Ғулом НМИУ, 2017.
5. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017.
6. Норматов С. Қадимги Туркистон ва Туркистон мусулмонлари. - Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2007 й. -72 б.

7. Рахмонов Н.А. Орхоно–Енисейские памятники и тюркские эпосы: Автореф. дисс. на соиск. докт. дисс. -Ташкент, 1991. –35 С.
8. Отахўжаев С. А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: Art-flex, 2010. -220 Б.;
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I том. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.
10. Eski Türk kadınlarında güzellik ><http://www.kadinlar.tc/eski-turk-kadinlarinda-guzellik/> (December, 2018)
11. Güzel, Ebru. Kültürel bağlamda kadın ve güzellik. Türkiye’de Bir İktidar Alanı Olarak Elitler Üzerinden Güzellik Anlayışına ve Bir Tüketim Nesnesine Dönüşen Kadın Sorununa Bakış. Doktora tezi. -İstanbul, 2013.

UDK 808.5

## INFORMATION AND INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN TEACHING ENGLISH LANGUAGES

*F.Sh. Djurayeva, teacher, Tashkent State Technical University, Tashkent*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada axborot-innovatsion texnologiyalarning ingliz tili fanida qo'llanilishi, uning o'ziga xos jixatlari, ma'lumotlarni qabul qilishdagi ahamiyati yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** informatsion-innovatsion texnologiya, ingliz tili, o'qitish texnologiyalari, modernizatsiya.

**Аннотация.** В этой статье описывается применение информационно-инновационных технологий в науке на английском языке, его особенности, их значение в восприятии информации.

**Ключевые слова:** информационно-инновационные технологии, английский язык, образовательные технологии, модернизация.

**Abstract.** this article describes the use of information and innovative technologies in science in English, its features, their importance in the perception of information.

**Key words:** information and innovative technologies, English language, educational technologies, modernization.

In the educational process, new information and innovative technologies do not separate from each other, as the widespread introduction of new innovative technologies will change the paradigm of education and only modern information technologies ensure the effective use of new innovative technologies.

The Decree of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan “On the development and implementation of the State educational standard for the continuous education system”, the Decree of the President “On measures to strengthen the material and technical base of higher education institutions and radical improvement of training of highly qualified personnel” put forward requirements for the revision and reform of the education system in our country, which are successfully implemented [1]. To this end, continuous education has now been introduced, educational institutions are equipped with the latest equipment, new pedagogical and information and communication technologies are used in the educational process, which contribute to improving the efficiency of the educational process, and through the introduction of the latest achievements of science implements the task of educating a creative, active, spiritually rich, fully developed personality.

The relevance of teaching English is currently not in doubt, but there are a number of problems in the organization of the educational process and teaching methods. Problems of the educational process-are connected, first of all, with the development of methods of use of information technologies in the educational process, that is, what technologies and to what extent to use in training.

The introduction of information technology in the educational process changes the traditional view of education, making it possible:

- improvement of methodology and strategy of selection of the contents, methods and organizational forms of training corresponding to tasks of development of the personality of the trained in modern conditions of informatization of society;

- creation and use of computer testing, diagnosing, controlling and evaluating systems;

- implementation of the possibilities of electronic textbooks as a learning tool, the object of study, management tools, communication tools, information processing. For the process of learning English, there is always its own technology, characteristic of the methods and means that the teacher uses in the organization and conduct of classes. Learning technology, on the one hand, is perceived as a set of methods and means of processing, presentation, measurement and presentation of educational information, and on the other hand — it is the science of how to influence the teacher on students and interact with them in the learning process using the necessary technical or information tools [2]. The use of information technology in

the study of English language can replace many traditional means of learning. In many cases, this replacement is effective, as it allows students to maintain interest in the subject, allows you to create an information environment that stimulates the interest and inquisitiveness of the child.

Multimedia computer technology gives the teacher the opportunity to quickly combine a variety of tools that contribute to a deeper and more conscious assimilation of the studied material, save lesson time, saturate it with information. Methods of teaching English have a close connection with the nature of the presentation and perception of information, and in this regard, it should be noted that the use of multimedia technology has a significant impact on the nature of the presentation of information, and, consequently, on teaching methods. The latest advances in data technology, considering the latest inventions in the field of English language teaching, offer unlimited possibilities for data processing and transmission. The introduction of new innovative technologies can more effectively organize the learning process, provide the student with new tools, methods and sources of educational material. To improve the educational activity of students with the use of innovative technology requires basic knowledge of modern information technology, the technical capabilities of communication technologies, you need to be able to use information resources, be able to work independently with the help of modern computer technology, as well as to actively act, make decisions to changing living conditions. Innovative technologies have an integrating property in relation to all other technologies that new technologies, methods and ways of learning are developed in order to ensure that the student can succeed in life, using all its capabilities. In the process of teaching English with the use of innovative technologies, the computer acts not only as a source of information, but also as a means of learning and a powerful tool that allows you to activate the process of cognitive activity, contributing to the development of flexibility of thinking and the formation of the ability to navigate and adapt to their activities. Therefore, the teacher should set a goal - to provide a positive motivation for learning, to enhance the cognitive activity of students, and to achieve this goal, in addition to the development of knowledge, it is equally important to master the techniques with which you can receive, process and use new information.

At the moment, the teaching of English for the development of cognitive and creative activity of students using modern innovative technologies that improve the quality of education, effectively apply the study time and reduce the reproductive activity of students by reducing the time. Innovative technologies in teaching English are aimed at individualization, distance and mobility of the educational process, despite the age of students and the level of knowledge, as well as a large number of methods of innovative technologies that can be used in the classroom in the learning process. The method of using innovative technologies in teaching English involves [4]:

- improving the quality of training and education, which will increase the information culture of students;
- mastering the skills to work with different types of information using a computer and other means of information technology, to organize their own information activities and plan its results;
- development of cognitive interests, intellectual and creative abilities by means of information technology;
- demonstration of the possibilities of modern means of information technology in the educational process. Thus, the organization of English language teaching on the basis of information and innovative technologies provides a higher quality of knowledge of the student s due to a clear lesson planning, increasing motivation in the study of the subject. In the process of learning English, students form the ability to work with information to perform the task, to put forward their ideas, to analyze educational material.

#### REFERENCES:

1. New pedagogical technologies in the education system. /Under the editorship of doctor of pedagogical Sciences, Professor E. E. Polat, Moscow ACADEMY, 2001.
2. Cherkasov M. N. Innovative methods of teaching students // XIV international correspondence scientific-practical conference "Innovations in science". - Novosibirsk, 2012.
3. Modern technology training sessions. N. Moreva, 2007.

UDC 81-13

### USING MEDIATECHNOLOGIES IN THE TEACHING FOREIGN LANGUAGE

*M.B. Ganixanova, senior teacher, Tashkent State Technical University, Tashkent*

*Annotatsiya. Ushbu maqolada texnik oliygohlari talabalariga ingliz tilini o'qitishda multimedia vositalaridan foydalanish, yangi kommunikativ medialarning o'ziga xos xususiyatlari va ko'zlangan natijalar ko'rsatib berilgan.*

**Kalit so'zlar:** *axborot texnologiyalari, multimedia, multimedia ta'lim dasturi, xorijiy tillarni o'qitish.*

**Аннотация.** *В данной статье представлены результаты исследования особенностей использования новых коммуникативных медиа, в частности мультимедийных средств для обучения английскому языку студентов технических вузов.*

**Ключевые слова:** *информационные технологии, мультимедиа, мультимедийная обучающая программа, обучение иностранным языкам.*

**Abstract.** *The article focuses on the investigation of the main peculiarities of using modern communication media, namely multimedia, while teaching English in technical university.*

**Key words:** *information technology, multimedia, multimedia tutorial, teaching foreign languages.*

Мисраларга эътибор берилса, уларнинг барчасида гужум – нарвон дарахти ҳақида сўз кетар экан, албатта унда икки севишган қалбнинг дил туғёнлари акс этганини илғаб олиш қийин эмас. Бундан маълум бўладики гужум севги, фарзанд, оила рамзи ва умуман ҳосилдорлик культлари билан боғланиб кетади.

Жийда дарахти Хоразмда ҳамма жойда, ҳатто шўрҳок ерларда ҳам ўсиб, мўл ҳосил берадиган дарахтдир. Жийда магик дарахт. Унинг тагида ухлаш мумкин эмас, бошни гаранг қилади. Қурилиш материали сифатида ишлатиш мумкин эмас, бехосиятлик келтиради. Лекин ҳосилдор дарахт. Шу боис айрим жойларда баҳорги экиш пайтида экин учун сепиш олдиан жийда уруғидан бир ҳовучни далага сепиб юборишади[9].

Кўшиқларда жийда севги, оила рамзида берилиб, меваси фарзанд рамзи сифатида қайд қилинади:

Бораман, келаман жийда қатора,

Овозинг олишгай бола, дутора (“ХХК”, 180-бет).

Жийдани гули исли,

Мани ёрим гул юзли.

Ҳовуз бўйида жийда,

Жийдани гули майда (“ХХК”, 108-бет).

Бинобарин, гужум мустаҳкамлик, соябонлик, гўзаллик, жийда серҳосиллик хусусиятлари билан оила рамзига келиб боғланади.

Хоразмда илиштирик (бояришник), анор, олма, анжир каби дарахтлар ҳам магик хусусиятлар билан боғланади ва ҳосилдорлик культлари билан алоқага эга. Уларнинг негизида ҳам оила рамзи мавжуд.

Ўсимликлар билан алоқадор рамзийлик ҳақида сўз кетганда гулга тегишли расм-русумлар, рамзийлик хусусиятларига алоҳида тўхталишга тўғри келади. Гулнинг муқаддас ўсимлик саналишини шундан ҳам билиш мумкинки, Хоразмда ўз фарзандларига гул билан алоқадор исм кўйиш анъанаси юксак даражада давом этиб келмоқда. Бу анъананинг негизида гул билан алоқадор гўзаллик, нафислик каби рамзий хусусиятлар бор. Масалан, қизларнинг исми: Гул, Гулчехра, Гулзода, Гуллола, Гулрух, Гулноз, Гулчаман, Гулхадича, Гулойша, Гулмадина, Гулсум, Гулранг, Гулором, Гулмира, Гулжамол, Гулхоним, Гулнора, Гулбаҳор, Гулзира, Гулзевар, Гулнаҳор, Гулжамила, Гулрухсор, Гулзебо, Гулпошша, Гулбадан, Чинигул, Гулираъно, Гулирайҳон, Гулистон, Гулнур, Гуласал, Гулойим, Гулшан, Онагул, Сарвигул, Гулжаҳон, Гулсора, Соригул, Моҳигул, Гулшода, Дастагул, Гулҳумор, Гулзор; ўғил болалар исми: Гулмон, Гулмирза.

Ушбу исмларнинг ҳар бирида ҳам ўзига хос рамзийлик мавжуд. Масалан, Хоразмда Гулчехра исми аёлнинг неварасига Онагул исми кўйилади. Негаки, тўғридан-тўғри Гулчехра исмини кўйиш Онага нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади. Онагул исми қиз эса она рамзида қабул қилиниб, унга сўкиш, койиш мумкин эмас. Онаси ёки отаси вафотдан сал кейин туғилган қизга Соригул исми кўйилади. Чунки Сори (сарик) ранг жудоликнинг рамзи ҳисобланади. Гулпошша – гулларнинг подшоси маъносига эга бўлса, Гулмадина Мадина шаҳрига нисбатан диний эъзоз рамзи саналади. Гулойша, Гулхадича исмлари ҳам шу тушунча доирасига киради.

Гул ўсимлиги қадимдан магик қудратга эга бўлган инонч сифатида эъзозланади. Г.П.Снесаревнинг тадқиқотларида таъкидланишича, қадимда Хива шаҳри яқинидаги Боварис бобо қароргоҳи (қабристон) яқинида “наврўз байрами арафасида” қизил гул байрами ўтказилган. Бу ерда барча қизиқувчи ёшлар ташриф буюришган. Қизлар ва ёш жувонлар қароргоҳ яқинидаги тор сўқмоқдан бирин-кетин ўтганлар. Ёш йигитлар эса йўл ёқасида туриб, уларга гуллар, олмалар, бўялган тухумларни отишган. Маросим якунида халқ учун ош дамланган. Бу ердаги қизилгул байрами асосан севги ва янги қурилган оиланинг рамзи ҳисобланган[10].

Гулнинг севги-муҳаббат рамзи эканлиги масаласига Хоразм дostonларида ҳам кенг ўрин берилган. “Маликаи Завриё” дostonида Сўнажон туш кўради. “Сўнажоннинг қўлинда бир даста гул

очилмиш. Ул вақтда ҳаводан бир булбул келиб, шу гулдин тўрт япрокни олиб ғойиб бўлди[11]. Сўнажон уйғониб, бу тушни канизақларига айтиб берганда улар сен гул, булбул ошиғинг деб жавоб беришади. Туш таъбирини ошиқликка, севгига боғлаб изоҳлашади.

Дарҳақиқат, гул, асосан қизилгул бокира қиз, гўзаллик рамзи сифатида баҳоланади:

Кўшангана сочоғи сочилади ёр-ёр,  
Ичинда бир қизил гул очилади ёр-ёр[12].

Ушбу мисралардаги “Қизил гул” келин сиймосини англатади. Гул муҳаббат рамзи бўлганлиги сабабли келин тушгандан кейин йигитлар кўшангана устига гуллар сочишади:

Жоним болам тўйида боғни очинг ёр-ёр,  
Кўшагана устига гуллар сочинг ёр-ёр [13].

Кўшиқларда қизлар тилидан сўзлайдиган лирик қаҳрамон ҳам ўзини «қизил гул» сифатида тушунади:

Қизилгулнинг донасиман бўйингдан,  
Гулзорингга эксанг униб, битарман (“ХХҚ”, 79-бет).

Мисраларда дил изҳор қилаётган лирик қаҳрамон ўзини қизил гул рамзида кўрсатар экан, ошиғига “эксанг, униб битарман”, тарзида яна бир рамзий иборани тақдим қилади. Бу ишора оила қуриш маъносига эга. “Экиш” ниҳол ўтқазиб – келин тушириш бўлса, “униб битмоқ” фарзандли бўлиш тушунчасига тўғри келади.

Муҳаббатга ошно бўлган ҳар бир ёш албатта қизил гулни тилга олади, севгининг ҳар бир дақиқасини унинг рамзи орқали тасаввур қилади:

Қизил гул ёнида юрасим келар,  
Қизил гул боғига кирасим келар.  
Қизил гулли боғларда ёр юрганда,  
Ёнида қўл бериб юрасим келар (“ХХҚ”, 79-бет).

Биринчи мисрадаги “Қизил гул” маъшуқа рамзи, иккинчи мисрадаги ифода муҳаббат рамзи, қолган мисраларда эса уларнинг бирлашиб кетишига майл билдирилади. Кўшиқларда “оқ гул”, “қизил гул” каби рамзлар алоҳида, алоҳида таъкидланади:

Хиванинг йўлинда оқ гул битибди,  
Оқ гулни оралаб ёрим ўтибди.  
Оқ гулни кўрсангиз омон дегайсиз,  
Бепарво ёримга салом дегайсиз (“ХХҚ”, 66-бет).

Кўшиқ маъшуқа “қизил гул” томонидан айтилади. “Бепарво оқ гул”га ошиққа у салом йўллаётди. Демак, “оқ гул” – йигит, “қизил гул” – қиз рамзини ифодалаётди. “Қизил гул”нинг қиз тимсоли эканлиги қуйидаги кўшиқда айниқса конкрет кўринади:

Эшиқдан ўтади отни сундириб,  
Орқасина бегонани миндириб.  
Ҳар кўрганда ичим ўта куйдириб,  
Қизил гулга сув куймасдан сўлдириб (“ХХҚ”, 164-бет).

Кўшиқнинг охиридаги мисрада ички маънога эга бўлган иккита рамзий ишора бор. “Қизил гул” маъшуқа, “сув куймаслик” унга илтифот, эътибор қилмаслик маъносига эга бўлган ифодадир. Умуман, “қизил гул” билан алоқадор мисраларда ҳамиша севги, унинг тақдири, оила масалалари уюшган ҳолда берилади:

Қизил гуллар айтар: ҳеч сўлмагайман,  
Ёмонинг қўлида хор бўлмагайман.  
Ёмоннинг боғига экилиб, униб,  
Охири ер билан тенг бўлмагайман (“ХХҚ”, 183-бет).

Ушбу кўшиқда аллегорик (жонлантириш) тасвир орқали лирик қаҳрамоннинг ички руҳий олами акс эттирилган. Лирик қаҳрамонни бировнинг боғига экилиши унинг турмушга чиқишини рамзий ифодасидир. Ўзи эса юқоридаги кўшиқлардагидек “Қизил гул” сифатида намоён бўлаётди.

Айрим кўшиқларда гулнинг магик хусусиятларига эътибор қаратилиб, уни поклаш, даволаш рамзи сифатида қараш ҳоллари ҳам учрайди:

Ёр учун ёнган юракнинг дориси бир кандипар.  
Кандипар ичган киши дарддан халос бўлмаймикан? (“ХХҚ”, 47-бет).

Кандипар кумда ўсадиган гулнинг бир тури бўлиб, аслида «Қон тепар» сўзининг ўзгарган шаклидир. Халқ наздида бу гулнинг поясини қайнатиб ичган киши қон босими касалидан фориг

бўлар экан. Шу сабабли кўшиқдаги гул номи даволовчи, магик қудратга эга бўлган халоскорлик рамзига тенглаштирилади.

Олма рамзи ҳам халқ кўшиқларида жуда фаол ишлатилади. Ушбу тимсол ҳақида гапирганда мева тушунчасигина эмас, балки дарахт тушунчасини ҳам бирга олиб қараш лозим. Чунки олма дарахти ҳам илоҳий ўсимлик ҳисобланиб, уйланиш тўйларида унинг шохидан олинган қаламчалар гўшанганинг боғичига маҳкамланади. Фарзанд туғилиб, уни бешикка белашда эса кўлбоғларнинг боғичига ҳам ушбу дарахтдан олинган қаламчалар биркитилади. Мазкур ҳолатга маънолар нуқтаи назаридан қараганда, олма балоғатга етиш, севги, оила рамзи сифатида кўзга ташланади. Шу сабабдан ҳам у ҳосилдорлик инончларига бориб боғланади [14]. Рамзийлик масаласида олма ҳақидаги дастлабки маълумотлар Ҳомернинг «Киприя» достонида учрайди. Унда Парис энг гўзал аёл Афродитага олма тақдим этади. Шундан бошлаб олма энг гўзал аёл муҳаббатининг ифодасига айланган [15].

Хоразмда бир вақтлари Хива атрофидан Боварис бобо қабристони яқинида махсус “Қизил гул” байрами ўтказилиб. Унда йигитлар ўз севикли қизларига олма отишган [16]. Ушбу одат келинни кўёвнинг уйига туширган пайтда ҳам қўлланилиб, уни “олма отишган” номи билан юритишади. Бу жараёнда тушаётган келинга қайнона олма отади [17]. Олма отишнинг мазкур кўриниши энди фарзанд рамзи билан боғланиб кетади.

Ушбу кўринишларнинг моҳияти халқ ижодиётида, хусусан, кўшиқларда ўзининг тўла ифодасини топган. Халқ кўшиқларида олма ошиқ, нор (анор) маъшуқа рамзида келади:

Эшигимдан ўтар бўлсангиз борман,

Сиз олма бўлсангиз, ўзим анорман.

Сиз қизил гул, мен шу гулнинг япроғи,

Сиз баҳорсиз, мен гул очган гулзорман (“ХХҚ”, 143-бет).

Ушбу тўртликда олма ва анор рамзлари жуда аниқ қайд қилинган. Мазкур ҳолатни қуйидаги мисраларда ҳам кўриш мумкин:

Олмани нетарман нори бўлмаса,

Номусни нетарман ори бўлмаса (“ХХҚ”, 50-бет).

Олмани ошиқ севги рамзи сифатида севгилиси – норга отмоқчи, бироқ ўша нор бўлмаса, олманинг кераги йўқлиги ўкинч билан таъкидланаётир. Ошиқ олмани кўксига қўйиб, маъшуқасини кутади. Чунки ўша олмани отиш орқали севгисини изҳор қилади:

Олмали бокқа кириб, бир ғазал айтган йигит,

Кўксига олма қўйиб товланиб ётган йигит (“ХХҚ”, 4-бет).

Ошиқ йигит олма отишга ҳамиша шай, шу сабабли маъшуқани бокқа таклиф қилади:

Боғимга кел пишибди севганинг қизил олма,

Олма отсам гулёрим, юз қизартириб уялма (“ХХҚ”, 150-бет).

Маъшуқага отилган олма муҳаббатдан нишонадир. Шу сабабли у ёр отган олмани қўйнига солиб эъзозлайди. Ушбу ҳолатнинг ўзи муҳаббатни қалбга жо қилиш маъносини ифодалайди:

Ёшинг сўрсам ўн саккизнинг бошинда,

Олма отди ёрим, қопчидим, олдим,

Ёрдан нишона деб қўйнима солдим (“ХХҚ”, 145-бет).

“Олма отиш” ибораси Хоразм халқ кўшиқларида жуда фаол ишлатиладики, бу ҳолат унинг қадимийлиги ва анъанавий ифода эканлигидан далолат беради; унда ошиқ ва маъшуқанинг орзу-армони акс этади:

Ёз бўлиб олма пишарди

Олмалар отмасмидинг?

Кечалар истаб келиб,

Ёнгинамда ётмасмидинг? (“ХХҚ”, 170-бет).

Кўшиқларда яна бир лавҳа кўзга ташланадики, олмани отиш ошкора севги изҳор қилишни билдирса, олмани ёрнинг кўзи тушадиган жойга қўйиб кетиш ҳам муҳаббатга ишора сифатида ифодланади. Ошиқнинг олма отиши оддий ҳодиса саналиши мумкин. Маъшуқа эса бу масалада аёллик ифратини сақлашга ҳаракат қилади. Олмани бирор жойга қўйиш орқали андиша билан ўз севгисини ёрига билдиришга ҳаракат қилади: “Олма қўйдим дарвозангни қошинда” (“ХХҚ”, 180-бет).

Кўшиқларда севги-муҳаббат, маиший турмуш масалалари кенг акс этади. Бу борада шундай рамзлар танланадики, олма тушунчаси оила тушунчасига баробар келади:

Олмани айирдилар,

Шохасини қайирдилар,  
 Яхши кўрган ёримни,  
 Гап-сўз билан айирдилар (“ХХК”, 84-бет).

Демак, олмани иккига бўлиб, айириш, унинг шохасини қайириб, синдириш оилага, севги-муҳаббатга тажовуз қилиш билан тенгдир. Бинобарин, кўшиқлар таҳлили шуни кўрсатадики, олманинг мева сифатидаги кўриниши ҳам, дарахт сифатидаги шакли ҳам севги-муҳаббат ва оила, фарзанд рамзи билан бирикиб кетади. Уни ёрга отиш ёки унинг йўли тушадиган жойга қўйиб кетиш севги изхори ва висол соғинчини ифода этади. Олмани айириш, бутокларини синдириш эса ушбу тушунчаларга мутлақо зид тушунчаларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, олма рамзи энг қадимий тушунчаларга бориб боғланади ва ҳосилдорлик ишончлари сифатида ҳозирда ҳам эъзозланиб келмоқда.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Курочкина А.В. Растительная символика календарной обрядности украинцев // обряды и обрядовый фольклор. – М.: Наука, 1982. – С.141.
2. Ермина В.И. Миф и народная песня // Миф, фольклор и литература. – М.: Наука, 1978. – С. 6-7.
3. Ошиқ Маҳмуд // Анаш халфа (шеърлар ва дostonлар). – Тошкент: Миллий кутубхона нашриёти, 2006. – 60 бет.
4. Лазутин С.Г. Поэтика русского фольклора. – М.:Вқсшая школа, 1981. – С.113.
5. Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях. АКД. – Ташкент, 1987, - С.10.
6. Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари ва бадиияти: Филол.фанлари докт.дисс.автореф. – тошкент, 1995. – 30 бет.
7. Снесарёв Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.203.
8. Ожиза. Шеърлар ва дostonлар. Нашрга тайёрловчи. С.Рўзимбоев. – Тошкент, 2003. – 30 бет.
9. Снесарёв Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.200.
10. Снесарёв Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.202.
11. Ошиқнома (Хоразм дostonлари) I-китоб. – Урганч: “Хоразм” нашриёти, 2006
12. Анаш халфа (шеърлар ва дostonлар). Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи. С.Рўзимбоев. – Тошкент, 2006. - 48 бет.
13. Ўша жойда.
14. Мусакулов А. Ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий асослари. – Тошкент, 1994. – 32-бет.
15. Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Тошкент, 1978. – 34 – бет.
16. Снесарёв Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.206.
17. Жўраев М. “Қизил гул” сайлининг этнофольклористик таҳлиliga доир// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – 4-сон. – 13-19-бетлар.

УЎК:398.83(=512.133):8201(043.3)

#### ҚЎШИҚЛАРДА МОТАМ МАРОСИМИ ФОЛЬКЛОРИГА ОИД РАМЗЛАР

*Н.Э. Сабирова, ф.ф.д.(PhD), УрДУ ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ, Урганч*

**Аннотация.** Мақолада мотам маросими билан алоқадор аллалар таркибидаги рамзлар, ўлимни, кафанни, мазорни, азадорликни англатувчи рамзий тасвирлар, шунингдек ислом дини билан боғлиқ рамзий ифодалар ҳақида сўз юритилади. Уларнинг қўшиқларда тутган ўрни ёритиб берилди.

**Калим сўзлар:** Рамз, мотам, қўшиқ, аза, ўлим, кафан, мазор.

**Аннотация.** В статье идёт речь о символике, имеющей отношение к похоронному обряду, которая содержится в некоторых колыбельных песнях, о символических изображениях смерти, савана, могилы, траура, а также о символических выражениях, связанных с исламской религией. Освещается место, занимаемое ими в песнях.

**Ключевые слова:** Символ, траур, песня, смерть, саван, могила.

**Abstract.** The given article is devoted to speaking about the symbols in the lullabies meaning the death, blanket for the corpse, grave, symbolic pictures expressing the mourning condition, and also expressions associated with the religion of Islam. Their roles in the-songs are brightened up.

**Key words:** Symbol, funeral, song, mourning, death, blanket for the corpse, grave.

Инсон ҳаётида мотам маросими алоҳида ўрин тутади. Фарзанд туғилиши нақадар қувонч келтирса, инсон вафоти шу қадар ғам – алам олиб келади. Инсон ушбу ғам – аламларни айтиб йиғлаш

билан ифода қилмоқчи бўлади. Шу боисдан бўлса керакки Хоразмда марсиялар “Айтимчилик” деб номланади.

“Вафот этган кишига марсия айтиб йиғлаш дунёнинг кўплаб халқларида учрайди. Бу одат илдизлари ибтидоий даврларга бориб тақалади. Қадимда ўлим ҳаётнинг якуни ҳисобланмаган. Жонсиз кўринишда ётган ўлик аслида физиологик ва рухий ҳаёт бўлиб, эшитади ва кўради. Шунинг учун яқинларининг дастлабки қайғуси табиий равишда марҳум билан айрилиқ ноласи, яккаланишдан ҳасрат, ожизлик марҳумнинг мардона ҳатти – ҳаракатларидаги баланд овозли бўзлаш шаклини олган”[1].

“Бу ҳолат ягона вазифавий магик тузилишга эга бўлиб, унда ҳаракат, ритм, товуш кучи, турли ҳатти – ҳаракатлар сўз сеҳри воситасида амалга ошади”[2].

Мотам маросимидаги сўз сеҳрига асосланган жанр эса марсиялардир.

Марсиялар айтилганда Хоразмдаги мотам маросимларида садрга тушиш удумлари ҳалигача сақланган. Аёлларнинг халқа бўлиб садр тушиши ҳақида Г.П.Снесарев ишларида ҳам маълумот берилган[3].

Фарзанд туғилиши, никоҳ тўйи каби маросимларда ижро этиладиган кўшиқларда тасвирийлик учун қўлланиладиган рамзий ифодалар аза маросимида айтиладиган марсияларда ҳам кўп бўлиб, қатор ўзига хосликларга эга. Жумладан, мазкур рамзлар аксарият ҳолларда бирикмали шаклда қўлланилади. “Ёғоч от”, “Чўбин от”, “Ўчган чироқ”, “Синган пиёла”, “Йиқилган чинор” каби. Бунинг асосий сабаби ушбу бирикмалардаги предметлар ижобий маънода яқка ҳолда қўлланилади. Уларга салбий маъно юклаб ҳам – аламини ифодалаш учун албатта рамз учун олинган предмет олдида аниқловчи сўз бириктиришга тўғри келади.

Хоразмда яратилган марсияларда “Қора ер” бирикмаси кўп қўлланилади:

Ойлар қиёлаб ботарми,  
Ерда олтинлар ётарми,  
Олтиндан ортиқ қиблагоҳим  
Қаро ерларга ботарми...  
Ота жоним... [4]

Бу дунёга келган кетиб боради,

Қаро ер барчани ютиб боради. (“Тил, адабиёт ва фольклор институти” фольклор бўлими архиви, № 1636, 299-бет)

Кўшиқларда инсон ўлими билан алоқадор анчагина рамзий ишоралар ишлатилган. “Қаро ерларга ботиш”, “Ойларнинг қиёлаб ботиши”, “Ерда олтинларнинг ётиши” каби иборалар замирида ўлим тушунчаси ётади.

“Қаро ернинг ютиши” ибораси анимистик тушунчаларга бориб боғланади. “Ойларнинг қиёлаб ботиши” иборасида “қиёлаш” - эгилиш, йиқилиш тушунчалари билан алоқадордир.

Умуман “Ойнинг ботиши”, “Юлдузнинг ботиши” ўлим рамзини англатади:

Ҳаводаги қирқ юлдуз  
Ҳаволаб кетди ботгани.  
Шундай арзанда онам

Қиёмат кетди ётгани. (архив, № 1636, 298-бет)

Куйидаги мисраларда ушбу рамзий ифодаларнинг бошқа бир шаклини кўраимиз:

Бўйи чинори йиқилди,  
Олма – анорим тўкилди,  
Онангни бўйи букилди,

Вой, болажоним... (Хоразм хазинаси, 155-бет)

Мисралардаги “Йиқилган чинор”, “Тўкилган олма – анор”, “Букилган бел” каби иборалар юқорида айтилган фикрларимизни тасдиқлайди. Ушбу бирикмаларнинг негизида албатта бахтсизлик тушунчасига ишора қилувчи рамзийлик ётади. Хоразмда “Айтимчилик” деб аталувчи мотам кўшиқларида бундай иборалар фаол ишлатилиб, барчаси азадорлик билан боғланади.

Марсияларда асосан куйидаги масалаларга нисбатан рамзий ифодалар ишлатилади.

**Аза аллаларида қўлланилувчи рамзий образлар:** Марҳум тилидан айтилган алла:

Ёғоч отга эгар қўйдим,  
Жиловдор бўлмади ҳеч ким.  
Охиратга йўл бошладим,  
Тавалло қилмади ҳеч ким.

Алла раббим бир алла[5].

Мархум тилидан айтилган нолиш:

Мени ўлсам кўмишарлар,

Учим ўтмай кулишарлар,

Моли мулким бўлишарлар,

Мен йиғламай, ким йиғласин. (архив, № 1636, 259-бет)

Излари ўчган онам,

Қора ер кучган онам. (Хоразм хазинаси, 154-бет)

Бу типдаги нолишларда дунёнинг фонийлиги, бевафолигидан шикоят асосий ўринни эгаллайди.

Отага бағишланган йиғи:

Чўбин отингизга миниб,

Қоронғуликка сингдингиз.

Мани – суйган фарзандийизи,

Кимларга ташлаб кетдингиз [6].

Кўшиқ намуналаридаги “Ёғоч от”, “Чўбин от” (ёғочдан ишланган от) каби ифодалар тобутнинг рамзий ифодалари бўлиб ҳисобланади.

Рус олими Р.С.Липецнинг маълумот беришича, илгари туркий халқлар ўликни қўлда кўтариб бориб дафн қилганлар. Кейинчалик мурдани муайян бир замбилга солиб, икки от ўртасига орқон устига қўйиб, дафн қилиш жойига элтганлар.

Ушбу асосда тобут юзага келган. Туркий халқлар дostonларида ишлатиладиган “оғоч от” бирикмаси уни элтувчи ўша отлар билан алоқадордир [7].

Ушбу фикр фараз албатта. Унинг қанчалик ҳақиқат эканлигига баҳо бериш қийин.

Бизнинг фикримизча, қадимда асосий уловлардан бири от бўлган. Шу сабабли мурдани тобутда олиб бориб дафн қилишда “улов” вазифасини тобут бажаради. Ўша вазифа жиҳатидан поэтик кўчим юзага келган. Қолаверса, “Ёғоч от” поэтик кўчимининг юзага келишида от тотемининг ролини ҳам унутмаслик лозим.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўтган асрларда Хоразмда ўлик устида ёр – ёр айтиш удуми ҳам бўлган.

С.Рўзимбоевнинг ёзишича, Мунис ва Огаҳийларнинг “Фирдавс ул иқбол” асарида Қутлуғмурод инонинг дафн маросимида ёр – ёр айтиб, ўлик устига танга сочилганлиги ҳақида маълумот берилган. Бироқ ушбу удумлар билан боғлиқ ёр – ёрлар ҳозиргача сақланиб қолмаган.

**Ўлимни англатувчи рамзий ифодалар.** Инсон ҳаётининг сўниши кишилар учун катта йўқотиш саналади. Шу сабабли бу сўз ҳамisha эвфемик воситалар оқали ифода этилади. Бу воситаларнинг юзага келишида қадимги табу ҳодисаси ҳам катта роль ўйнаган. Кейинчалик ўша эвфемик ифодаларнинг айримлари поэтик кўчим даражасига кўтарилиб, рамзий ифодани юзага келтирган. Ўлим маъносини ифодаловчи бирикмалар анчани ташкил этади.

Шамол келмай ўчди чироғим, вой отам,

Куз келмай хазон бўлди боғим, вой отам. (Гулёр, Фарғона халқ кўшиқлари. Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1975, 217-бет).

Билагим синди саридан,

Чиноримдан айрилиб... [9].

Ўлим бузди маконимни,

Қуриб қўйган дўконимни,

Ўчирди шамчироғимни. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 16-бет).

Учай дейман учолмайман,

Қанотим қайрилиб қолди. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 13-бет).

Ипақдан тўқилган арқоним,

Узилиб кетди, вой отам.

Темирдан курган қўрғоним,

Бузилиб кетди, вой отам. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 30-бет)

Мисралар таркибидаги “чироқ ўчиши”, “чинордан айрилиш”, “шамчироқнинг ўчиши”, “Қанотнинг қайрилиши”, “арқоннинг узилиш” каби бирикмаларнинг барчасининг негизида ўлим тушунчаси ётади. Шунингдек, кўшиқ сатрлардаги “дўкон”, “қўрғон” сўзлари уй, оила рамзини англатади.

“Чирок” рамзи якка олганда фарзанд, оила маъносига эга эканлигини илгариги фаслларимизда баён қилган эдик. Марсияларда чирокнинг ўчиши “ўлим”ни англатади ва ўз навбатида ушбу восита мотам маросимида ашё сифатида ҳам хизмат қилади.

Г.П.Снесаревнинг кўрсатишича, Хоразмда ўлиқ дафн қилгандан кейин мотам тутилаётган уйда чирок ёқиб, уйнинг дарвозаси ҳам очиб қўйилади. Ўликнинг руҳи кечқурун ўз уйига келиб, чирок ёқиб қўйилганидан хурсанд бўлади, ўзининг унутилмаганлигини англайди [10].

Демак, чирок ушбу ҳолатида яна оила рамзини ўзида намоён қилади.

**Кафани англатувчи рамзий ифодалар.** Мурдани кафанлаш асосий анъаналардан бири бўлганлигидан қўшиқларда тез – тез тилга олинади:

Кийибсиз охират тўнин,  
Ёқаси била энги йўқ. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 28-бет).

Чўбин отга минган-ей,  
Ёқасиз куйлак киган-ей... (Бўзлардан учган ғазал-ой, 76-бет).

Мисралар таркибидаги “ёқаси била энги йўқ тўн”, “ёқасиз куйлак” кафанга рамзий ишорадир.

**Мозорни англатувчи рамзий ифодалар.** Ўзбеклар яшайлиган ҳудуднинг каттагина бир қисмида мурда лаҳадга дафн этилмасдан мазорга қўйилади. Қўшиқларда унинг рамзий ифодалари ҳам кўзга ташланади:

Оиласига бир сарой соларлар,  
Дарвозасинда кулфи йўқ.  
Унинг минган отининг  
Боғламага ипи йўқ. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 116-бет).

Бевафою бебаҳо дунёда қолиб нетаман,  
Она жоним ул беустун уйга кириб ётаман. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 55-бет).

Қўшиқ парчаларидаги “кулфи йўқ сарой”, “Беустун уй” мазорнинг рамзийлик асосидаги номидир. Ҳатто озор ичида мурданинг ётиши ҳам поэтик тасвирга олинган:

Дадажоним кўтардилар,  
Қизил кумга яширдилар.  
Қўрпалари кумдан бўлди,  
Ёстиқлари чимдан бўлди. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 14-бет).

Марсия сатрларидаги «қум кўрпа», «чим ёстик» ифодалари ўликнинг мазорда ётишига ишорадир.

**Азадорликни англатувчи рамзий тасвирлар.** Ҳар бир халқда аза очиш маросими мавжуд. Азадор киши ғам – аламда, азада эканини махсус кийиладиган анъанавий кийимбошлари орқали намоён қилади:

Оқ рўмолни ўраб олай,  
Жойингизни жаннат этай.  
Кўк куйлакни кийиб олиб,  
Рухингизни шод этай. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 68-бет).

Республикамизнинг бир қатор жойларида, хусусан, Хоразмда оқ кийиниш азадорлик рамзи ҳисобланади. Мазкур удум зардуштийлик динига алоқадор бўлган. Чунки оқ кийим ушбу диннинг эътиқод рамзи қасидасида шундай қайдлар бор:

Митрадан ўнг томонда,  
Энг тик қомат, тақводор,  
Баланд бўй Рашну борар  
Аъламлик сўл томонда  
Адл тик, авлиёвор,  
Оқ либос ичра бу зот  
Келтирар хайру эҳсон  
Будир либоси Имон  
(Мазда динига эътиқод) [11].

Ахура Мазданинг сифати аъламлик, деб номланиб, у оқ либосда бўлган.

Мазкур анъана воҳада ҳозирда ҳам сақланиб қолган.

Фарғона водийсида эса азадорлик рамзи қора кийим кийишдир:

Қора рўмол бошимда, вой онам,  
Попуги тушди қошимга, вой онам.

Айни ўн беш ёшимда, вой онам,

Етимлик тушди бошимга, вой онам. (Гулёр, 219-бет).

Баъзи ҳолларда Хоразмда яратилган мотам қўшиқларида сариқ ва қора рангларга аздорлик нуқтаи назаридан урғу бериш ҳоллари учрайди:

Қорани солдинг бошимга,

Заҳарни қўшдинг ошимга,

Сариқ рўмол қўлимда,

Сарғайиб қолдим йўлингда,

Қора рўмол қўлимда,

Қарорим йўқ йўлингда. (архив, № 1636, 299-бет).

Сариқ ранг анъанавий тимсол сифатида ҳижронни англатса, қора ранг бахтсизлик, омадсизлик ва тушқунликни ифодалайди. “Кўлдаги қора рўмол” эса ўлимни англатади. Водий ўзбекларида пайшанба куни Куръон оятлари ўқилиб, ис чиқарилиб, чироқ ёқилган ва маросимий таом сифатида “қора ош” қилинган [12]. “Қора ош” марҳум дафн қилинган куни тайёрланадиган маросимий таом хисобланади.

Хоразмда марҳум дафн қилинган куни тайёрланадиган таом “Кўқин оши” деб аталади. Бунинг маъноси аччиқ, заҳар маъноларига эгадир. Шунинг учун бўлса керак бу таомни ҳеч ким тановул қилмайди, пиширилганда ҳам қовуриб пишириш таъқиқланади. Таом фақат кишилар олдига тортилади ва яна йиғиб олинади. Бу удум зардуштийлик дини билан алоқадор бўлса керак. Чунки зардуштийликда дафн маросими бошлангандан эътиборан уч кунгача жонивор гўштани истеъмол қилиш таъқиқланган [13].

Яна бир нарса борки, “Кўқин оши” кишилар олдидан олингач, том бошига чиқариб ташланади. Уни албатта қушлар еб кетиши керак, деган ақида мавжуд. Бу удумларнинг барчасида аздорлик билан алоқадор рамзийлик хусусиятлари ўзини намоён қилиб туради.

**Исломи дини билан боғлиқ рамзий ифодалар.** Ўлим билан боғлиқ ақидалар диний қарашлар билан узвий боғланиб кетганлиги сабабли марсияларда ислоний тушунчалар билан алоқадор бўлган нариги дунёни англатувчи турли мифологик номлар учрайдики, булар бевосита охират рамзи билан боғланиб кетади. Қўшиқларда Азроил, Жаброил, Мункар ва Накир, Ризвон каби фаришталар тимсоли мотам қўшиқларида халқнинг ўлимдан сўнгги ҳаёт ҳақидаги қарашларини Ислоний эътиқодлар замирида намоён этиб, маълум бадийий вазифа бажариб келади [14].

Азроилга жоним керак,

Шайтонларга молим керак. (архив, № 1636, 296-бет).

Мункар, Накир сўроғидан,

Осон қилсин, ёр-ёр. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 87-бет).

Мотам маросими қўшиқларида шунингдек жаннат, дўзах, маҳшар, кавсар каби турли ифодалар учрайдики, булар ҳам охират, нариги дунё билан боғлиқ рамзий тушунчалардир:

Ал-омон-омонинг бер,

Жаннатдан маконинг бер. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 97-бет).

Отасиз қул етимдир,

Дўзах йўли тутиндир. (Бўзлардан учган ғазал-ой, 117-бет).

Ушбу атамаларнинг барчаси қўшиқларга диний маросимлар ўтказиш жараёнида ўзлашиб, сингишиб кетган. Уларнинг негизидан мотам маросимига оид бўлган рамзий тушунчалар ўрин олган. Аза билан алоқадор қўшиқлар мавзуси маиший ҳаётни тўла қамраб олади. Улар ота – онага, ўғил – кизга, қариндошларга нисбатан айтилиши билан рамзий ифодалар ўзгариб туради.

Отага нисбатан “тоғ”, “чинор”, “сарбон”, “ўра”, “арслон”, “қуёш”; онага нисбатан “фаришта”, “ой”, “қаъба”; ёш болаларга нисбатан “жўжа”, “чечак”, “ғунча”, оилага нисбатан “қўрғон”, “дўкон” каби турли рамзий ифодалар ишлатидаки, улар тасвирга олинган воқеа мазмунини тўла ёритиб беришга ёрдамлашади. Бинобарин, мотам қўшиқларида ўзига хос анъанавий рамзий ифодалар мавжуд. Масалан, қуйидаги мисраларга разм солайлик:

Марду майдон бўлгон отам,

Ҳам соябон бўлган отам,

Ман-фарзандинг гулғунчаси

Боғбон жоним отам, (Хоразм хазинаси, 152-бет)

Излаб изинг тополмасман,

Сўраб сўзинг тополмасман,



Истаб ўзинг тополмасман,

Йўқолган миржоним онам,

Жон онам, жоним онам – ей. (Хоразм хазинаси, 154-бет)

Кўшиқ парчаларида ишлатилган “соябон”, “боғбон” каби ифодалар отага, “маржон” онага, “гулгунча” фарзандга нисбатан ишлатилган рамзий ишоралардир. Бинобарин, рамзий ифодалар ҳар бир инсоннинг мавқеига мос равишда танланади. Марсияларга хос яна бир хусусият дунёдан ўтган инсоннинг энг яхши хислатларини эслаш ва уни инсон сифатида эъзозлашдир.

Мотам кўшиқлари таркибидаги ўлимга алоқадор рамзий ифодалар асрлар давомида халқнинг қайғу ва аламини таъсирчан очиб бериш мақсадида юзага келган бадиий воситалардир. Уларнинг мавзу доираси мотам маросимларининг турличалигига мослашган ҳолда муайян бир тизимга келган. Ушбу рамзий ифодалар тайёр ҳолга келган клишелар бўлиб, ҳар бир маросимда марҳум ҳаётига мосланган ҳолда айрим ўзгаришлар билан ижро доирасига тортилади. Халқ ижодига хос асосий хусусият бўлган ижро анъанавийлиги мазкур жараёнда ёрқин кўринади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий ва эътиқод маросимлари, 110-бет.
2. Помероцева Э.В. Роль слова в обряде опаживания. // Обряды и обрядовый фольклор, -М.: Наука, 1982, С.35.
3. Снесарёв Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, М.: Наука, 1969, С.78.
4. Хоразм хазинаси, Урганч, “Хоразм” 1996, 133-бет. (нашрга тайёрловчи Собир Эхсон Турк).
5. Бўзлардан учган ғазал – ой. (Ўзбек халқ йиғи ва йўқловлари. Нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева.) Бухоро, “Бухоро”, 2004, 100-бет.
6. Бўзлардан учган ғазал – ой. (Ўзбек халқ йиғи ва йўқловлари. Нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева.) Бухоро, “Бухоро”, 2004, 102-бет.
7. Липец Р.С. Отражение погребельного обряда в тюрко-монгольском эпосе. // Обрядовый фольклор, С.226.
8. Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. Урганч. “Университет”, 2008, 44-бет.
9. Оқ олма қизил олма, Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1972, 211-бет.
10. Снесарёв Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, М.: Наука, 1969, С.114.
11. Авесто. Яшт китоби (М.Исҳоқов таржимаси) - Т.: “Шарқ”, 2001, 67-бет.
12. Аширов А. Кўрсатилган асар, 205-бет.
13. Снесарёв Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, М.: Наука, 1969, С.131.
14. Ўраева Д. Ўзбек маросим фольклори, - Т.: Фан, 2004, 108-бет.

ЎУК: 811.512.133

### ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИДА ЎЗБЕК ВА ТУРК МАҚОЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

*Д.Д.Тўраева, PhD, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти, Тошкент*

**Аннотация.** Мақолада Қудрат Ҳикмат ижодида ўзбек халқ мақолларининг қўлланилиши тадқиқ этилган. Ушбу мақолларнинг турк тилидаги муқобиллари аниқланиб, қиёсий таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** мақол, тарбия, болалар адабиёти, муқобил, меҳнат.

**Аннотация.** В статье исследовано использование узбекских народных пословиц в произведениях Кудрат Хикмата. Так же выявлены аналоги этих пословиц на турецком языке и сравнительно анализированы.

**Ключевые слова:** пословица, воспитание, детская литература, аналог, труд.

**Abstract.** The article explores the use of Uzbek folk sayings in the works of Kudrat Hikmat. The analogs of these proverbs in Turkish were also revealed and comparatively analyzed.

**Key words:** proverb, education, children's literature, analogue, labor.

Маълумки туркий тилда сўзлашувчи ўттиздан ортиқ халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, маросимлари, диний эътиқоди, санъати ва адабиёти бир-бирига жуда ўхшаш. Шундай экан, ўзбек ва турк халқларини ҳам азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлиқ ришталари ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки халқ оғзаки ижоди ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу фикр далилини

фольклорнинг энг кичик жанрларидан бўлган мақолларда кузатиш мумкин. Мақолларда халқ оммасининг реал воқеа-ҳодисалар ва кишилар ўртасидаги турли хил ижтимоий муносабатлар ҳақидаги мантикий хулосалари, шунингдек, кўп йиллик ҳаётий тажрибалари натижасида юзага келган пурҳикмат хулосалари мужассамланган. “Туркий халқлар сирасига мансуб бўлган усмонли туркларда ҳам мақол жанри атамаси “atasözleri” шаклида ифодаланган ва бугунги кунда ҳам “atasözleri” тарзида истеъмолда фаол қўлланади. “Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат”да мақол сўзи қуйидагича берилган: мақол -maqal - atasözü. Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар матнида мақолга оид сўз бирикмалари мавжудлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, мақол қадимги туркийларда “ота сўзи” ёхуд “оталар сўзи” шаклида қўлланган [4]. Ўзбек болалар адабиётида қўлланилган мақолларнинг турк тилидаги муқобилларини аниқлаш бу икки халқ миллий кадриятларининг муштараклигидан далолатдир.

Ёзма адабиётда халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш ўзбек адабиётида ҳам анъанавийдир. Ўзбек адабиёти тарихининг қайси даврига мурожаат этмайлик, мумтоз шоирлар ижодида ҳам, замонавий шоирлар ижодида ҳам халқ оғзаки ижоди анъаналари муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўрамиз. Жумладан, мумтоз адабиётимизда “Ирсоли масал” деб номланган бадий асарда тасвирий восита - мақол қўллаш санъати ижодкор фикрини тасдиқлашга, фикрнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади. Халқ донолигининг, кўп асрлик ҳаётий тажрибасининг самараси бўлган фольклор барча миллий адабиётларнинг шаклланиши ва тараққиётига катта таъсир кўрсатган манба бўлиб, бошқа замонавий ўзбек шоир ва ёзувчилари қатори, ХХ аср иккинчи ярми ўзбек болалар адабиётининг намояндаси Қудрат Ҳикмат ижоди ҳам шу манбадан озиқланган ҳолда камол топган.

Жумладан, шоир “Ҳожар холанинг ташвиши” шеърида ўз боласини ўзгалар боласидан устун кўядиган оналар образини яратган. Ҳожар хола ўз боласини қанчалик аяб-асрамасин, қимматбаҳо “янги бобрик пальто”, “оёғида пийма”лар билан “буркаб” кўймасин, жигаргўшасининг боши касалликдан чиқмайди. Чунки, инсоний кадр-қимматни моддий бойлик билангина ўлчайдиган она боласининг эркин нафас олишига имкон бермайди. Қимматбаҳо кийимларни кийган бола кийимлари кир бўлмаслиги, онасидан дакки эшитмаслиги учун мазза қилиб, “шаталоқ отиб” ўйнай олмайди. Барча болалар кишининг завқли онларидан баҳраманд бўлиб, ҳатто катталар ҳам болалик чоғларини эслаб, қорбўрон ўйнасалар-да, бу бечора бола болалик гаштини суролмайди. Онаси аягани сари у тобора касалманд бўлиб бораверади. Шоир шу воқеани тасвирлаб, уни қиссадан ҳисса сифатида “Кўз аялса, тушар чўп” деган сатрлар билан тугатадики, бу сатр **“Аяган кўзга чўп тушар”** халқ мақолининг қофия талаби билан бироз ўзгартирилган кўринишидир. **“Sakinilan göze çöp batar”** [6] (“У семи нянек дитя без глазу”) турк мақоли юқоридаги ўзбек мақолининг шаклан ва мазмунан аналогидир. Демак, ҳар икки халқ мақоли ҳам бирор нарсани асрашда меъёр бўлиши кераклигини, инсон нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам ўйлаши, улар тўғрисида қайғуриши кераклигини тасвирлаб, инсонпарварликни ўзида мужассамлаштирган.

Болалар адабиётининг муҳим хусусиятларидан бири дидактика, яъни ёш китобхонга панд-насиҳат қилишдир. Кичик ёшдаги китобхонлар ҳар бир шеър ёки қиссада ўзларининг тенгдошларини кўриб, уларнинг ижобий ёки салбий хислатларидан ибрат олиб, ўзларига тегишли хулосани чиқарадилар. Аммо эзгу инсоний фазилатларни ёш китобхонларга қуруқ панд-насиҳат тарзида эмас, балки ибратли воқеа мисолида тарғиб қилиш яхши натижа беради. Зеро, В.Белинский сўзи билан айтганда, “Болалар ёзувчиси бўлиш учун яхши ниятга интилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Болаларга аталган китоблар уларни тарбиялаш учун ёзилади, тарбиялаш эса буюк иш. Инсоннинг тақдирини тарбия ҳал қилади” [3]. Бу фикр нақадар тўғри эканлигини Қудрат Ҳикматнинг “Бахилнинг боғи кўкармас” шеърида кўриш мумкин:

*Икки дурадгор  
Турар бир жойда.  
Тузук кўришмас  
Ҳатто бир ойда.  
Устахонада  
Тумтайиб тагин,  
Ҳомид ранжитар  
Ғиёс ўртогин.  
Роса кузатиб,  
Билдим сабабин:  
Бахил барчанинг*

*Кўпларга бу иш  
Бўлмас муяссар.  
Уни кўролмай,  
Тенгдоши хуноб.  
Дуруст курси ҳам  
Қилолмас уннаб.  
Ҳамма Ғиёсни  
Кўли гул деса,  
Бўзраяр дўсти  
Ҳомиджон эса.  
Аммо ким қандоқ -*

*Кир қилар таъбин.  
Гиёс чиройли  
Шкафлар ясар.*

*Яхши билар халқ.  
Ишига қараб  
Дарров қилар фарқ.  
(“Менинг юрагим”, 127.)*

Бу шеърни ўқиган китобхон кўз олдида икки қарама-қарши характерли инсон, яъни ўз ишининг устаси, меҳнатқаш, уддабурон, бировларнинг оғирини енгил қиладиган, ҳожатини чиқарадиган Гиёс ва ўртоғининг ютуқларини кўриб, ичидан зил кетаётган ландовур, ишининг тайини йўқ, дангаса Ҳомиджон образлари намоён бўлади. Ўзининг бор меҳри, истеъдоди, кўз нури, қалб кўрини бериб, чиройли шкафлар ясаган Гиёсни ҳамма қўли гул уста дейди. Қўли гул устанинг бозори чакқон, демек, даромади ҳам шунга яраша, ҳаёти ҳам тўкин-сочин. Бу ибратли ҳаётнинг асосини ҳалол меҳнат, қабарик, захматқаш кўллар яратади. Аммо шериги эришаётган ютуқни кўролмасдан, ундан нафратланган Ҳомиджон, хаёли жойида бўлмагани сабабли, ҳатто оддий курсини ҳам кўнгилдагидай ясай олмайди. Шоир ёш китобхонга ўз фикрларини контраст усули орқали ифодалаб беради. Халқимиз яратган **“Бахилнинг боғи кўкармас, кўкарса ҳам мева бермас”**, **“Ҳасадгўйнинг косаси оқармас”**, **“Иш ишга ҳақ очар, дангаса ишдан қочар”** каби мақоллар Ҳомиджонга ўхшаган кишиларга нисбатан айtilган. Ушбу шеър ўзида **“Бахилнинг боғи кўкармас, кўкарса ҳам мева бермас”** ўзбек халқ мақолининг ва **“Haset asla rahat etmez”, “Haset eden mahrum kalir”** (*Завистливый сохнет о том, когда видит счастье в ком; Завистью ничего не сделаешь; Завидуящи глаза не знают стыда*) турк халқ мақолларининг мазмунини акс эттирган. Бу мақолларда ўзбек ва турк халқларининг ҳасадга нисбатан бўлган салбий қарашлари ифодаланиб, мақолдан келиб чиқадиган хулосалар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти ўзаро яқиндир. Қ.Ҳикмат ёш китобхонга ўз фикрини, ҳаётларини турли тарзда олиб бораётган инсонларни ўзаро қийинлаш оқали ифодалаб беради, зеро, “инсон зўр-базўр тирикчилик ўтказиб, кун кўриш учун эмас, балки буюк ва улкан ишларни амалга ошириш йўлида меҳнат қилиш учун туғилади” [2].

Халқ оғзаки ижоди дурдоналари асосида яратилган эртақлардан бири “Кўмилган олтин, вайсақи хотин ва тадбиркор овчи қиссаси”дир. Эртақ қуйидаги сатрлар билан бошланади:

*Бувим айтган чўпчакнинг  
Сон-саноги йўқ сира.  
Хурсанд этса донолар,  
Нодонлардан дил хира.  
Кетавермай эшитиб,  
Мен ҳам қилай ҳикоя.  
Замирида азалдан  
Ётар асл бир гоё.*

(“Менинг юрагим”, 139.)

Адабий эртақда инсон табиатидаги баъзи иллатлар, яъни ўйламай-нетмай гапирадиган, “суяксиз тил” ни тия олмайдиган “вайсақи” хотин дастидан эрнинг кўрган жабрлари қаламга олинган. “Сирдарёдан олисда” турмуш азобларидан эзилган, қашшоқликдан “қовурғаси қоқ бўлган”, зўр-базўр кун кечираётган овчи чол бечора кун бўйи рўзғорга егулик бўлсин деб инқиллаб-синқиллаб овчилик қилади. У жуда бемаъни, тутуриксиз, уйи тўла иш бўлса-да, кўча бошига чиқиб миш-миш гаплар тарқатишдан бўшамайдиган, вайсашни ўзига касб қилиб олган кампирини уришавериб чарчайди. Неча йил турмуш қурган бўлса-да, эр уни тарбиялай олмайди. Зеро, “ақл ёшда эмас, бошда”, дея бежиз айтмаган доно халқимиз.

Овчининг тўсатдан бир хум тилла топиб олиши кейинги воқеаларни ривожлантириб юборади. Ёмғирдан ивиб кетган чол бирдан оёғи тойиб, йиқилиб тушади. Шунда унинг оёғи “тор ковакка” тикилиб қолади. Оёғини ковакдан зўрға тортиб олган чол чуқурда бир нарсанинг ялтираб турганини кўриб қолади:

*Ранги ўчиб, калавляб,  
Севингандан қалтирар.  
Ўнглаб олса ўзини,  
Чолнинг бахти чопибди.  
Унча-мунча бойликмас,  
Бир хум олтин топибди.*

(“Менинг юрагим”, 14.)

Лекин шу заҳоти унинг кўз олдига хотини келади-ю, олтинни яна аввалгидай ўз жойига кўйиб қўяди. Уйига бориб, хотинини синаб кўриш мақсадида “ўртага нонни қўйиб” хазина топганлигини айтади. Одатда бирор муҳим гапнинг сир бўлиб қолиши исталса, бу гап ўртага нонни қўйиб айтилади. Шоир эртақда ота-буваларимиздан қолган ушбу удумдан ўринли фойдаланиб, миллий урф-одатларни яхши билишини намойиш қилган. Гарчи чол кампирига қасам ичирган бўлса-да, унинг оғзи бўшлигини яхши билганлиги сабабли, уни чалғитиш мақсадида бир ҳийла ишлатади. Кечаси уйдаги дарахтларнинг шохига чалпақларни осиб чиқади, тут дарахти тагига балиқларни босади, анҳорга тўр ташлаб, иккита курка солиб қўяди. Эрталаб уйғониб бу манзарани кампирига кўрсатади. Кампир ёқасини ушлаб лол қолса-да, лекин тилла курғур ҳеч хаёлидан кетмайди. Сабри чидамаган кампир эртаси куни тилла ҳақидаги сирни бутун қишлоққа “дастурхон” қилади. Зеро, “Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас”. Бундан хабар топган хон ўз ясовуллари билан чолнинг кулбаи вайронасида ҳозир у нозир бўлади ва чолдан тиллани қаерга яширганини сўраб, қийнашни бошлайди. Вайсаки хотиннинг бефаросатлиги туфайли камчи зарбидан чол бечоранинг юз-кўзлари қонга бўялади. Лекин у барибир олтин топиб олганини тан олмайди ва ясовулларга:

*Сен сўраган олтиннинг,  
Мисқоли ҳам менда йўқ!  
Ишонмасанг суриштир,  
Кампиримни чақириб,  
(«Менинг юрагим», 144.)*

- дейди. Уйдан чиққан кампир чалпақ ёққан тун тўғрисида сўзлай кетади. Хон ҳайрон. Ҳеч замонда осмондан чалпақ ҳам ёғадими? Кампирнинг бошига бир мушт тушириб, “Бўш гап экан ҳаммаси // Аҳмоқ бўлдиқ ҳай аттанг!” деб изига қайтади. Кампир эса бўлар-бўлмас гапларни гапириши оқибатида ўз жазосини олади.

Қ.Ҳикматнинг “Кўмилган олтин, вайсаки хотин ва тадбиркор овчи қиссаси” замирида “инсон насибасини пешана тери билан ишлаб топмаса, ҳалол бўлмайди” деган ҳақиқат ётади. Чунки бировнинг ҳақи ҳеч қачон бировга буюрмайди. Бинобарин, ўзбек учун “ҳалол меҳнат тушунчаси қанчалик характерли бўлса, “ҳалол даромад” тушунчаси ҳам у билан баб-баравардир” [1]. Ота-боболаримиздан қолган бу азалий ҳикмат, бизгача халқ оғзаки ижоди намуналари орқали етиб келган. Қ.Ҳикмат ушбу эртагида халқ оғзаки ижодига хос образлар, тасвир усулларида айнан фойдаланишга ҳаракат қилади. Эртақ қиссадан ҳисса тариқасида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мисралар билан яқунланади:

*Агар меҳнат сингмаса,  
Вафо қилмас экан бахт  
(«Менинг юрагим», 145.)*

Қудрат Ҳикматнинг бу асари ёш китобхон қалбига ҳалоллик, поклик, ростгўйлик уруғларини экади, унинг маънавий баркамол бўлишига йўл очади.

Ушбу адабий эртақда ўзбек ва турк мақолларининг қуйидагиларини кузатиш мумкин: **Суяксиз тил - Dilin kemigi yok (Язык без костей); Ақл ёшда эмас, бошда - Akil yasta degil basta (Мудрость в голове, а не в бороде; Старость не является признаком мудрости); Агар меҳнат сингмаса, вафо қилмас экан бахт - Alin terlemeyince tal kazanılmaz (Без труда не вытатишь и рыбку из пруда); Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин - Kishiye vezir eden de karisi, rezil eden de (Добрая жена мужа на ноги поставит, а злая и шей на стол не поставит; Хорошая жена – каменная стена, а худая - на голову положенная беда).**

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек ва турк халқлари мақолларининг (Ata sözü) шаклан ва мазмунан бирлиги, улардаги образлар тизими, инсонларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари, қарашлари муштарақлиги ҳар икки халқ ёш авлод тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг комил инсон бўлиб вояга етишларида муҳим роль ўйнайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баракаев Р. Жонажоним шеърият. - Тошкент: Чўлпон, 1997. – Б.27.
2. Михалков С. Бола бошидан. - Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – Б.9.
3. Шермухаммедов П. Умид муҳаббатдадир. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б.240.
4. Темирова М. Ўзбек ва қирғиз фольклорига мақоллар муштарақлиги. - Тошкент, 2016. – Б.11.
5. Ҳикмат Қудрат. Менинг юрагим. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. - 174 б.
6. <https://kipr.site/tureckie-poslovicy-i-pogovoroki> интернет саҳифаси.